

Хоразм Маъмун академияси

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ

***Мангулик
Жамоли***

Таржимон талқинлари

Хоразм Маъмун Академияси нашриёти

Хива -2009

*Муҳаммад Ризо Огаҳий туркиман кўриниш 200 йиллиги
баъниҳайман.*

Муаллиф

Ўз даврида ҳазрат Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли Огаҳий (1809-1874). “Огоҳлар огоҳи” деб ном қозонган. Улуғ бобомиз чиндан ҳам огоҳларнинг огоҳи даражасида яшаб ижод қилганлар.

Шоир, таржимон ва тадқиқотчи Матназар Абдулҳакимнинг Огаҳийни чин маънода тушуниш, аниқроғи, идрок этиш борасида Хоразм Маъмун академиясидаги қилган кўп йиллик меҳнат самараларидан дасталанган ушбу китоб билан танишган ҳар бир ўқувчи ҳам илоҳий, ҳам инсоний маънодаги огоҳлик сирларидан воқиф бўлади. Бу рисолада, асосан, Огаҳий ва унинг салаф ҳамда ворислари томонидан форсий тилда битилган шеърлар таҳлил қилинади. Китобдан, шунингдек, Муҳаммад Ризо Огаҳий меросига оид бошқа мавзудаги мақолалар, буюк шоиримиз ҳамда унинг устоз ва шогирдлари қаламига мансуб юқорида зикр қилинган шеърлардан муаллиф таржимасидаги намуналар ҳам ўрин олган.

Тақризчилар: Ҳ.Ж. Абдуллаев – филология фанлари доктори, профессор; С.Р. Рўзимбоев – филология фанлари доктори, профессор.

ISBN 973-9943-11-042-7

© Матназар АБДУЛҲАКИМ, “Мангулик жамоли”. Хоразм Маъмун Академияси, 2009 й.

Сўз боши

ХОРАЗМДАГИ ФОРСИЙЗАБОН АДАБИЁТ ВА ТАРЖИМА ТАРОВАТИ

Эрон ва Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-тарихий ҳамда адабий алоқалари жуда қадимийдир. Бу анъана, айниқса, адабиётларимиз тарихида яққол кўзга ташланади. Бой ва сермазмун форс мумтоз адабиётининг ўлмас дурдоналари – Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”си, Рудакий ва Фаррухий, Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавий, Носир Хусрав ва Умар Ҳайём, Ҳофиз Шерозий ва Шайх Саъдий, Абдурахмон Жомий ва Абдулқодир Бедилларнинг мумтоз адабий мероси бутун шарқ халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам маънавий бойлигига айланиб кетган.

Асрлар давомида, асосан, бир хил тарихий-маданий шароитда яшаш, диний ва маънавий муштарақлик, худудий яқинлик, бошқа кўплаб омиллар форсийзабон ҳамда туркийзабон халқларнинг ўзаро яқин ижтимоий-маданий алоқада бўлишларга имконият яратиб берди. Бу ҳол, айниқса, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган Хоразм минтақасининг маданий ҳаётида яққол кўзга ташланади. Йирик шарқшунос ва эроншунос олим Е.Э. Бертельс тўғри таъкидлаганидек: “Ўрта Осиёдаги кўп халқлар адабиёти тарихини форс тилидаги бой материалларга мурожаат қилмай туриб яратиш мумкин эмас. Ўрта Осиёдаги тарқалган форсий шеърятни ҳисобга олмай, ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ёзишга уриниш бир томонлама, қийшиқ тасаввур берган ва асосий етакчи йўналишларни кўрсатишга имкон бермаган бўлур эди”.

Қадимий ва бой форс адабиётининг Хоразм адабий муҳитига таъсири жуда барақали бўлган. Хоразмлик адабиёт аҳллари – шоир ва адиблар жуда қадим замонлардан форсий тилда ижод қилганлар. Хоразмнинг Эрон мамлакати билан чегарадошлиги, қадимги Хоразмда асосий расмий тил ҳисобланган Хоразмий тилининг Эрон тиллари оиласига мансублиги, шунингдек, тарихий ва маънавий яқинлик бу жараённинг ижобий ривожланишини таъминлаган.

Маздапарастликнинг асосчиси бўлган пайгамбар Зардуштнинг Хоразмда дунёга келиши, муқаддас “Авесто” китобининг дастлаб Хоразмий тили ва ёзувида яратилиши маданий-адабий алоқаларнинг жуда қадимийлигидан дарак беради. Хоразмнинг Эронзамин билан тарихий-маданий алоқаларининг уч минг йиллик узоқ тарихга эга эканлиги жаҳоннинг етакчи олимлари тарафидан эътироф этилган.

Академик С.П. Толстов раҳбарлигида қарийиб қирқ йил давомида олиб борилган археологик текширувлар натижасида тери парчалари, сопол буюмлар ва ёғоч тахтачаларда Хоразмий ёзувида битилган юздан ортиқ ҳужжат топилган. Ҳозирги кунда улар Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж музейи фондида сақланмоқда.

Эрон ва Хоразм тарихий алоқаларининг илдизлари жуда қадимий эканлигини тасдиқловчи жуда кўп ҳужжатлар мавжуд. Хоразм ёзуви эрамиздан олдинги даврларда Эронзамин ва Хоразмда ҳукмронлик қилган аҳамонийлар сулоласининг девонхоналаридаги асосий расмий ёзув ҳисобланган.

Аҳамонийлар девонхоналарида хоразмий тили ва ёзувини муқаммал биладиган малакали котиблар фаолият кўрсатган. Қадимий эроний миҳхатлар эса тантанали китобат ёзувларда ишлатилган. Машҳур шарқшунос олимлар С.П.Толстов, А.А. Фрейман, Я.Ф.Фуломов, В.А.Абаевларнинг маълумотларига қараганда, хоразмий тили сўғдий ва осетин тиллари гуруҳига кирувчи тил ҳисобланиб, кўпроқ осетин тилига яқин туради. Қадимги **Ориёна войжа** – орий халқлар диёри номи билан машҳур бўлган Хоразмда, асосан, хурра, ос ва олон қабиалари умргузаронлик қилганлар. Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ўзининг қомусий асари “Осор-ул-боқия”да Амударё ўз оқимини ўзгартириши ва кўп жойларни сув босиб кетиши натижасида хоразмликларнинг бир қисми Хазар денгизининг жанубий қирғоқларига кўчдилар, деб ёзади. Мазкур ос ва олон қабиаларининг Шимолий Қоққоз ерларига кўчганлигини америкалик шарқшунос олим Ричард Фрей хам тасдиқлайди. Рус шарқшунос олими В.А.Лившицнинг фикрича, Хоразмий тили сўғдий ва жанубий-шарқий Эрон тиллари оралигидаги ўзига хос лаҳжали Шарқий Эрон тилига ўхшаш бўлиб, унинг қадимги паҳлавий ва “Авесто” тиллари билан ўхшашлиги мавжуд бўлган.

VIII асрда араблар Хоразмни фатҳ қилгач, Хоразмий тили ўрнига ўз тили ва ёзувларини мажбуран киритдилар.

Шунга қарамай, хоразмий тили ўз шакли ва мазмунини узоқ вақтгача сақлаб қолди. Гарчи хоразмий тили X-XII асрларда бутунлай туркийлашиб кетган бўлса ҳам, ҳатто ҳозирги кунда Хоразм жой номларида ва маҳаллий халқнинг сўзлашув нуткида хоразмий ва форсий тилларнинг кўплаб лексик ва грамматик унсурларини учратиш мумкин. Масалан, Хоразм – Хурразам “Хурра ёки Қуёш ўлкаси”, Хива – “сувли жой”, Ҳазорасп – “минг от”, Хонқа – “Хонқақоҳ”, Шовот–“Шоҳ обод”, Пишканик–“дарвоза олди”, Рафанақ–“дарвоза юқориси”, Навҳост–“янги очилган ер” ва бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Буларнинг барчаси Эрон ва Хоразмда яшаган халқларнинг тарихан муштарак тақдирдан дарак беради.

Энди бевосита Эрон ва Хоразм адабий алоқалари, Хоразмдаги форсийзабон адабиётнинг мавқеи хусусида қисқача тўхталамиз. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Хоразмда форсий адабиётнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва шу тилда асарлар таълиф этилиши ўзининг тарихий илдизларига эгадир. Хоразм жуда қадим замонлардан бери Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон заминида яшаган халқлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Бундан ташқари, зикр қилинган минтақа кўпинча бир давлат тасарруфида бўлган ва бир ҳукмдор остида бирлашган. Дарвоқе, эрамиздан олдин аҳамонийлар даврида, яъни X асрда Хоразм қудратли сомонийлар давлатининг бир қисми бўлиб, бу ерда ҳам форсийзабон шоир ва олимлар кўп эди. Улар ўз асарларини анъанавий араб ва форсий тилларида яратдилар. Сомонийлар сулоласи инкирозга учрагач, Хоразмшоҳлар давлатининг қудрати ва шухрати ошиб кетади, пойтахт Гурганч шаҳри мусулмон дунёсининг эътиборли ҳамда нуфузли шаҳарларидан бирига айланади. Айниқса маърифатли ҳукмдор Маъмун ибн Муҳаммад, унинг ўғиллари шоҳлик қилган даврларда Хоразмнинг буюк давлат сифатидаги мавқеи янада ошади. Бу ерда маданият, илм-фан бекиёс даражада тараққий қилади. Гурганчда, бутун мусулмонлар оламида ва ҳатто Фарбда ҳам машҳур бўлган **Хоразмшоҳ Маъмун Академияси – Дорил-улум** ўз фаолиятини бошлайди. Бу илмий ташкилотга буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний бошчилик қилади. У ўз атрофига устози Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масихий, Абул Хайр Хаммор, ибн Мискавайх, Абу Али Ибн Сино, Абу Мансур ас-Саолибий, Абул Фазл Байҳақий каби иқтидорли олимларни тўплади. Маъмун Академиясининг аксарият олимлари ўз

асарларини форсий тилда ёздилар. Араб тили билан бир қаторда форсий тил ҳам фан ва адабиёт тили сифатида кенг қўлланилди. Форсий тилни чуқур билган Ибн Синонинг бу тилга яратган фалсафий рубоийлари шухрат қозонди, у ўз ҳаётини бутунлай Эронзамин билан боғлади ва шу диёрда бақо оламига сафар қилди. Бухорода туғилиб, Хоразмда илмий камолот чўққисига кўтарилган Шайх-ур-раис – Абу Али ибн Сино ўз ҳаётининг сўнгги йилларини Эронда ўтказди, баракали ижод қилди. Унинг файз- осор табаррук кабри Ҳамадон шаҳридадир.

Мўътабар Эрон диёри Абу Райҳон Беруний учун ҳам кадрдон эди. У 22 ёшлик чоғидаёқ, Хоразмшоҳлар салтанатида парокандалик бошланганда Эронда бошпана топади. Беруний дастлаб зиёрийлар ҳукмдори, илм-фан ва адабиёт ҳомийси Қобус ибн Вушимгир ҳузурини кўнним топади. Бироқ у ерда узоқ туролмасдан, Рай шаҳрига бориб, икки йил истиқомат қилади. Кейинчалик олим Эрондан ўз она Ватани Хоразмга қайтиб келади ва Маъмун академиясида илмий фаолиятини давом эттиради. Аммо 998 йилнинг охирида шох Қобус ибн Вушимгир Берунийни Гургонга даъват қилади. Қобуснинг билими, фозил ва илм-фан аҳлини кадрловчи инсон бўлганини эътиборга олиб, Беруний Гургонга кўчиб келади. У бу ерда олти йил яшайди (998-1004 йил), ўзининг машҳур асари “Осор-ул боқия”ни 1001 йилда ёзиб тугатади ва уни Шамс-ул Маолий Қобус ибн Вушимгирга бағишлайди. Беруний 1004 йил бошларида Эрондан Хоразмга қайтиб келади ҳамда ўз она Ватанида кенг илмий-маърифий фаолият билан шуғуллана бошлайди. 1017 йили Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий босиб олади. Маъмун Академияси олимларининг кўпчилигини, жумладан Берунийни ҳам Ғазна шаҳрига олиб кетади. Буюк олим 1048 йилгача Ғазна шаҳрида яшайди ва шу ерда бақо олами сари сафар қилади. Унинг табаррук марқади Ғазна шаҳридадир.

Алалхусус, сомонийлар, хоразмшоҳлар, ғазнавийлар ва салжукийлар ҳукмронлиги даврида Хоразм диёридан етишиб чиққан ижодкорлар форсий адабиёт тараққиётига доим маълум ҳисса қўшиб бордилар. Айниқса Ануштегиний Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида форсий тил ва адабиётга бўлган эътибор янада кучаяди. Илм-фан ва адабиёт муҳиби Хоразмшоҳ Муҳаммад Отсиз форсий тилини давлат тили даражасига кўтаради. Бу даврда фаолияти тўхтаб қолган Маъмун Академияси иши қайтадан жонлантирилади. Шох Отсиз ўз саройига машҳур

истеъдодли олим ва шоирларни тўплайди, уларга илм-фан билан шуғулланиш ва ижод қилиш учун қатта имконият яратиб беради.

Бу даврда Хоразмшоҳ саройида малик-уш-шуаро унвонига сазовор бўлган шоир Рашидий – Рашидуддин Ватвотнинг ижодий фаолияти айниқса қизгин бўлади. У форсий шеърят хазинасига ўзининг ажойиб назмий дурдоналари билан муносиб ҳисса қўшди, шеъринг девон тартиб берди, адабиётшуносликнинг муҳим соҳаси бўлган шеъринг санъатлар таҳлили ва аруз назариясига бағишлаб “Ҳадоийк ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” номли қомусий асар яратди.

Йирик тиббиёт олими, Хоразмшоҳ Отсизнинг шахсий табиби Исмоил Журжоний форсий тилда “Захираи Хоразмшоҳий” номли 12 жилдлик тиббий асар яратди. Бу даврнинг буюк форсийгўй олимларидан бири Имом Фахриддин Розий ҳисобланади. Унинг илм-фанга қўшган беқиёс ҳиссаси жаҳон олимлари томонидан юқори баҳоланган.

Ануштегиний Хоразмшоҳлар сулоласи даврида ўзининг тараққиёт чўққисига эришган Буюк Хоразмшоҳлар империяси тасарруфида Хуросон, Эрон, Шимолий Ҳиндистон, Шимолий Ҳитой, Ироқ, Волга бўйлари, Марказий Осиё ва Кичик Осиё каби жуда бепоён ҳудудлар мавжуд эди. XIII аср бошларига келиб, Хоразмшоҳ Аълоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Такаш ҳукмронлиги даврида салтанат қудрати шу даражага етадики, Хоразмшоҳ ислом дунёси ҳукмдори Бағдод ҳалифасига ҳам бўйсунмай қўяди. Ҳатто Жумъа намози хутбаларида ҳалифа исми ўрнига ўз исмини қўйиб ўқишга буйруқ беради. Нагжада Хоразмшоҳлар давлатининг қудрати ва шавкати Бағдод ҳалифасини ҳам ташвишга солиб қўяди. Аълоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатида илм-фан ва маданият беқиёс даражада гуллаб-яшнади, адабиёт ва санъат соҳасида ҳам оламшумул ютуқларга эришилди.

Ўша даврда Хоразм адабий муҳитини буюк мутасаввуф олим, файласуф ва ҳассос шоир Шайх Нажмиддин Кубро алайҳирраҳма ва унинг истеъдодли шогирди, садоқатли муриди Маждуддин Бағдодий каби ижодкорларнинг дилфириб шеърятларисиз тасаввур этиш қийин.

Афсуски, замон ва даврон тўфонлари ул табаррук зотлар муборак таснифларининг аксариятини йўқ қилиб юборган. Бизгача фақат санокли рубойлар ва баъзи асарларгина етиб келган. Буюк Кубронинг эътиборли шайх сифатида қамолотга

эришувида Эронзамин олимларининг ҳам хизматлари катта бўлган. У Шайх, тасаввуф олими Рўзбеҳон Исфаҳоний қўлида таълим олади ва иқтидорли олим даражасига эришади. Унинг бизгача етиб келган рубойлари ва тасаввуфий асарлари халқимизнинг ўлмас маънавий кадрияти сифатида эъзозланиб мутолаа этилмоқда.

Бизга тарихдан маълумки, 1220 йил бошларида Хоразмнинг беғубор осмонида қора булутлар пайдо бўлади ва шону шавкат куёшни тўсиб қўяди. Буюк Хоразмшоҳлар империясини Чингизхон бошлиқ мўғуллар галаси истило қилади. Бепоен Марказий Осиёдан олис Мисргача бўлган катта худуд мўғуллар қўл остига киритилади. Илм-фан, маънавият, маданият устидан жаҳолат ва разолат галаба қилади. Қарийб 30 йил давом этган мўғул мухорабаси Хоразм ва унга ёндош худудларда илм-фан ва адабиётнинг ривожига имконият бермади. XIII аср ўрталарига келиб, мўғуллар истило қилган ўлкаларда мустақил хонлиқлар вужудга келди. Аста-секин маданият яна юксала бошлади, адабиёт ва санъат билан шуғулланиш учун имконият юзага келди. Хоразм диёри Олтин Ўрда хонлигига қарам эди. Бу хонлиқ хукмдорлари маҳаллий халқ билан қоришиб кетган ва ислом динини қабул қилган мўғул арбобларидан иборат бўлиб, давлат тили сифатида туркий тил, адабий тил сифатида эса форсий тилдан истифода қилинган. XIII аср охири XIV аср бошларидаги Хоразм адабий муҳитида улуғ форсийгўй шоир, кубравия тариқатининг пири муршиди, машҳур паҳлавон ва пўстиндўз уста Паҳлавон Махмуд – Пурёивали алоҳида ўринни эгаллайди. Бу табаррук зот форсий тилда Китолий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Пурёивалини Хоразм, Эрон ва Ҳиндистонда машҳур қилган унинг 500 дан ортиқ сермаъно фалсафий рубойлари бўлди, шоир ўз рубойларида кубравия тариқатининг жавонмардийлик ақидасини тараннум этди ва катта муваффақиятга эришди. Ул зот жавонмардийлик фалсафасига бағишланган “Канз-ул-ҳақойиқ” номли махсус асар ҳам ёзган. Бугунги кунда Ўзбекистон, Эрон, Ҳиндистон ва Покистонда Пуриёивали номи чексиз эъзоз ва эҳтиром билан тилга олинади. Шуниси эътиборга сазоворки, Хоразм ва Эрон халқи Паҳлавон Махмудни ўз фарзанди сифатида баравар тилга олади. Агар бу табаррук зотнинг Хоразмдаги Хива шаҳрида ҳашаматли марқади зиёратгоҳ сифатида эъзозланса, Эронда Рашид шаҳри яқинидаги Фумен ноҳиясида ҳам Пуриёивали мақбараси

мавжуд бўлиб, бу икки халқнинг миллий ва маънавий кадриятлари нақадар муштарак ҳамда яқинлигидан дарак беради.

Паҳлавон Маҳмуддан кейин Хоразмда фаолият кўрсатган форсийгўй шоирларга мисол қилиб Носираддин Рабғузий, Исҳоқ Хоразмий, Сайфи Саройи, Қутб Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий, Абул Вафо Хоразмий, Хусайн Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Мавлоно Саккокий ва бошқа кўплаб адабиёт аҳллари кўрсатишимиз мумкин.

Номачилик жанрининг ажойиб намунаси бўлган “Муҳаббатнома” асарининг муаллифи Исҳоқ Хоразмий форсий тилни жуда яхши эгаллаб олган ва ажойиб шеър, ғазаллар яратган. “Муҳаббатнома”даги 11 та шеъринг номанинг 3 таси, бир неча ғазаллар форсийда битилган. Мавлона Қутб ва Ҳайдар Хоразмий каби сиймолар форсий тилда ижод қилиб қолмасдан, Низомий Ганжавий ва бошқа шоирларнинг қатор асарларини туркий тилга – ўзбекчага таржима қилдилар. Асосан Олтин Ўрда ҳукмдорлари саройида хизмат қилган Сайфи Саройи ҳам форсийни мукамал билган. У Шайх Саъдийнинг машҳур “Тулистон” асарини эркин таржима қилди ва ўзининг бу асарини “Тулистони бит-туркий” деб атади.

Тасаввуфий адабиёт намояндалари орасида Шайх Абул вафо Хоразмий ва унинг шогирди, муриди ҳамда ҳаммаслиги Шайх Хусайн Хоразмийлар яратган теран мазмунли асарлар шухрат қозонди. Айниқса Абул Вафо Хоразмий қаламига мансуб, форсийда ёзилган фалсафий рубойлар алоҳида ажралиб туради. Хоразм ва Эрондаги тасаввуфий таълимотнинг тараққиётига кубравия тариқати давомчилари Шайх Абул Вафо Хоразмий ва Мавлона Хусайн Хоразмийлар яратган илмий бадиий асарларнинг таъсири салмоқли бўлди.

XV асрдан бошлаб, Хоразмда ўзбек аристократиясининг мактеби орта бориши, бу ердаги туркий халқларнинг шахарларда ўтроклашиши кучайиб, улар орасида косибчилик, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ўсиши натижасида туркий тилда асар яратиш ҳаракати кучаяди. Шундай бўлса ҳам, форсий тил анъанавий адабиёт тили сифатида сақланиб қолади. Хоразмдаги барча мактаб ва мадрасаларда форсий тил алоҳида муҳим тил сифатида доим ўқитилиб келинган. Ўтмишда форсий тил ва форсий адабиёт классиклари ижодиётдан беҳабар киши саводхон ҳисобланмаган. Ҳофиз Шерозий, Саъдий ва Бедил шеърлари адабиёт дарсликлари сифатида ўқитилган, талабалар

кўплаб форсий ғазал ва рубойларни ёдлаб олганлар ва таҳлил қилганлар. Форсий тил ва мумтоз форс адабиётини чуқур билган илм-фан аҳллари форс тилидаги муҳим асарларни ўзбекчага таржима қилиб оммалаштирдилар. Ҳассос файласуф шоирлардан Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Жомий, Соиб, Бедил ва Ғолиб шеърятига эргашиб, уларга тахмис боғладилар ва татаббуълар ижод қилдилар.

XVII асрнинг ўрталари ва XX аср бошларигача бўлган давр Хоразмдаги форсий адабиёт тараққиётида ғоятда самарали босқич ҳисобланади. XVII асрда яшаб ҳукмронлик қилган Хива хони Абулғозий Баҳодирхон ибн Араб Муҳаммадхон форсий тилни ҳамда бой форс адабиётини яхши билган. Чунки у хон бўлишдан олдин 10 йил давомида Эроннинг йирик маданий марказларидан ҳисобланган Исфохон шаҳрида яшайди. Бу ҳол унинг форсий тил соҳасидаги билим ва малакасини янада такомиллаштиради. Бизга маълумки, Абулғозийхон давлат арбоби бўлса ҳам, илм ва адабиёт билан астойдил шуғулланган, тарих ва тиббиётга оид қимматли асарлар ёзиб қолдирган. У ўзининг туркий халқлар тарихига оид “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима” асарларини ўзбек, тиббиётга оид “Манофез-ул-винсон” номли рисоласини форсий тилда ёзган. Абулғозий форсий шеърлар ҳам ёзганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд, ammo улар ҳозирча топилган эмас.

XVII- XIX асрларда Хоразмдаги адабий ҳаракатчанлик анча ривожланди. Бу вақтда юздан ортиқ исдеъдодли шоирлар ва адиблар ижод этган бўлиб, улар орасида Нишотий, Киромий, Равнақ, Роқим, Зийрак, Омоний, Ғариб, Мунис, Санойий, Огаҳий, Комил, Табибий, Баёний, Мутриб, Феруз, Девоний, Аваз, Рожий, Чокар, Мирзо каби сўз санъаткорлари алоҳида ажралиб турадилар. Юқорида номлари зикр қилинган ва бошқа юзлаб Хоразм шоирлари форсий тилда ҳам дилрабо ғазаллар, нафис китъалар ва рубойлар, шеърий таърихлар яратганлар. Форсий тилда баракали ижод қилган, 20 дан зиёд муҳим илмий, адабий ва тарихий асарларни форсийдан ўзбек тилига моҳирона таржима қилган – Хоразм шоирларининг Маликул каломи-Муҳаммад Ризо Огаҳийдир. Шоирнинг “Таъвиз-ул-ошиқин” номли девонида махсус “Ашъори форсий” қисми мавжуд бўлиб, унда шоирнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий, китъа, таърих ва муножотлари дарж этилган.

Огаҳийнинг шогирди, шоир ва давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз жуда салоҳиятли, илмпарвар ва маърифатпарвар инсон бўлган. У ҳукмронлик қилган даврда Хоразм Россия томонидан забт этилади ва Хива хонлиги рус империяси вассалига айлантирилади. Қарийб 47 йил тахтда ўтирган Феруз ўз саройида истеъдодли илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлларини тўшлаб, уларга ижод қилиш учун имкониятлар яратиб берди. Унинг ташаббуси билан саройда шеърят базмлари ўтказилар, унда қатнашган шоирлар янги ёзган шеърларини ўқиб берардилар. Албатта, бу шеърят мажлисларида форсий ашъорлар ҳам янграар эди. Муҳаммад Ризо Огаҳийдан кейин сарой шоирлари раҳнамосига айланган хассос шоир ва таржимон Аҳмад Табибий бешта алоҳида шеърый девонлар соҳиби бўлиб, улардан иккитасида шоирнинг форсий ашъори жамланган. Аждодлари эронлик бўлган Табибий форсий тилини жуда яхши билган, форсий шеърятдаги услуб ва санъатлардан яхши хабардор бўлган. У форсий адабиётнинг ноёб ёдгорликларидан бири ҳисобланган “Вомиқ ва Узро” достонидан илҳомланиб, ўзбек тилида оригинал эпик дoston яратган.

Табибий хоразмлик шоирларнинг ашъорлари намуналарини ўзида мужассамлаштирган “Тазкират-уш-шуаро” номли тазкира муаллифи ҳам ҳисобланади.

Маълумки, 1874 йилда Феруз ташаббуси билан Хивада китоб чоп этишга асос солинган. Бу хайрли ишни амалга ошириш учун Эрондан шоир ва матбаачи Иброҳим Султон даъват этилади. У анча вақт Хоразмда яшайди ва китоб чоп қилиш ишларига раҳбарлик қилади ҳамда бадиий ижод билан шуғулланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Хоразмлик адабиёт аҳллари мумтоз форсий адабиётнинг дурдона намуналарини қунт билан ўрганганлар, улардан бадиий озуқа олганлар ва мумтоз форс шоирларини ўзларига устоз деб билганлар. Аксарият шиорлар ўз маҳоратини намойиш қилиш мақсадида Низомий, Хусрав, Саъдий, Жомий, Анварий, Ҳоқоний, Соиб, Бедил ва Мирзо Ғолиб ғазалларига тахмис ва мусамматлар боғлаганлар.

Хивада китобат қилинган қўлёзма ва чоп қилинган мажмуаларда форс шоирлари ижодига ҳам кенг ўрин берилган. Чунки форсий шеърят намуналари хоразмлик ижодкорлар учун мактаб ролини бажарган. Форсий тилда асар яратган Хоразм шоир

ва адиблари ҳам форс адабиёти ривожига, ҳам ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, халқларимиз ўртасидаги тарихий дўстлик ришталарини мустахкамлаганлар.

Ўзбекистонда илмий ва бадиий таржимачилик ўзи инг узоқ тарихига эга. Ўзбек мумтоз адабиёти тараққиёти босқичлари билан баробар равишда таржимачилик ҳам ривожланиб келган. Яна шунини қайд этиш ўринлики, амалга оширилган таржималарнинг саксон фоизи форс тилидан қилингандир. Бу ҳолни Ўзбекистоннинг қадимий илм-фан маданият марказларидан ҳисобланган Хоразм диёрида шаклланган бой адабиёт муҳити мисолида ҳам кўра бўлади.

Хоразм таржимачилиги Ўзбекистондаги таржимачиликнинг кўплаб умумий жиҳатларини ўзида ифодалайди. Айни вақтда мазкур жиҳатларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир. Бизга маълумки, Хоразмда Қўқон ва Бухоро хонликларидан фарқли равишда маҳаллий аҳоли туркигўй бўлиб, ўзбек тилининг Хоразм лаҳжасида сўзлашар эдилар. Араб ва форс тилларини махсус мадрасаларни битирган зиёлилар билар эдилар. Аммо шунга қарамадан, маърифатли Хоразм диёрида бой форсий адабиёт намуналари аслиятда кенг тарқалган бўлиб, анъанавий адабий давраларда Фирдавсий, Ҳофиз, Шайх Саъдий, Умар Ҳайём, Жомий ва Мирзо Бедил асарлари мутолаа қилинган. Шу билан бирга аҳолининг ўз она тилидаги адабиётга эҳтиёжи катта бўлган ва бунини эътиборга олган Хоразмнинг маърифатпарвар хонлари таржима ишини кенг йўлга қўйиб, ижодкорларни рағбатлантириб турганлар. Айниқса, 47 йил Хива тахтида ўтирган Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1845-1910) ҳукмронлик замонида Хоразмда тарихий ва адабий таржимачилик кенг ривожланган. Ҳозиргача эътиборланган маълумотларга таяниб шунини айтиш мумкинки, бу даврда адабий, тарихий, ахлоқий, диний-фалсафий ва илмий асарлар таржимаси билан 82 нафар истеъдодли таржимон шуғулланган бўлиб, 120 номдаги асар таржима қилинган. Булардан 31 таси бадиий, 29 таси тарихий-мемуар, қолганлари эса турли фан соҳаларига оид қимматли асарлардир.

Хоразм таржимачилик мактабининг пешқадам намоёндаларидан Бобожон Санойӣ, Муҳаммадрасул Мирзо, Комил Хоразмий, Рожий, Муҳаммад Рафеъ, Толиб Хўжа, Маъфур Хўжа, Аҳмад Табибий каби адибларнинг ҳар бири 4-5 дан асарни таржима қилганлар. Хоразм таржимачилик мактабининг етуқ

вакили, буюк шоир ва тарихнавис Муҳаммад Ризо Огаҳий 19 та асарни таржима қилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Хоразм таржимачилик анъанаси Муҳаммад Раҳимхон I салтанатида (1806-1825) етук шоир ва тарихнавис Шермуҳаммад Мунис томонидан тарихчи Мирхонднинг “Равзат ус сафо” (“Поклик боғи”) номли асарининг биринчи жилдини ўзбекчалаштириш билан бошланган эди. Кейинчалик Хоразмда тарихий ва ахлоқий-бадний асарлар таржимасига талаб ва эҳтиёж катта бўлганлиги сабабли, бу шарафли фаолиятини Огаҳий давом эттиради. Шу ҳаракатлар натижасида Қайқовуснинг “Қобуснома”, Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Анвори Сухайлий”, Муҳаммад Вориснинг “Зубдат ул хикоёт” асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Бадний асарлардан Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, “Соломон ва Абсол”, Ҳилолийнинг “Шоҳ ва Гадо” дostonлари Огаҳий таржимасида шуҳрат қозонган.

Даҳо Огаҳий форсий меросини ўзбек тилига ўгириш ва тадқиқот ишларига ўз вақтида адабиётшунос олим Ҳ.Ҳомидий, шоир ва таржимон О.Бўриев, тадқиқотчилар А.Аҳмедов ва М.Матёкубовлар ўз ҳиссаларини кўшганлар, аммо, шундай бўлса-да, ҳозиргача шоирнинг форсий тилидаги шеърларининг бадний таржимаси амалга оширилмаган эди. Бу масъулиятли ва хайрли ишга шоир ва таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Матназар Абдулҳаким кўл урди ва ўзининг таржимадаги шеърини гулдасталарини китобхонлар эътиборига ҳавола қилди. Форсий тилдаги сўз маъноларини чуқур илғаб олган моҳир таржимон Шайх Нажмиддин Кубро, Мажиддин Бағдодий, Абул Вафо Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд рубойларини, файласуф ирфоний шоир Мирзо Абдулқодир Бедил ғазалларини форсийдан ўзбек тилига юксак маҳорат билан ўгириб, талабчан китобхонларга тўхфа қилди. Кейинги пайтда таржимон шоир ўз бадний таржималари сафини хоразмлик шоирлар Шермуҳаммад Мунис, Комил Хоразмий, Рожий ва Табибийларнинг форсий ашъорлари таржимаси билан бойитди. Мавриди келганда шуни эслатиб ўтиш ҳам жоизки, Огаҳийнинг 20 та шеърини таърихлари Хиванинг тарихий обидаларига ёзилган. Улардан кўпчилигининг баъзи сўзлари ўчиб кетганлиги сабабли, тарих сўзларини топиш ва тегишли саналарни аниқлаш қийинчилик туғдириб келаётган эди. Матназар Абдулҳакимнинг Огаҳий шеърини таърихларидан қилган таржималари мазкур ёзувлардаги чигалликларни ечишда бизга яқиндан ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Матназар Абдулҳаким Шарк шеърятининг буюк мутафаккири, форс фалсафий шеърятида янги давр очган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг пурмаъно ғазалларини ўзбек тилига ўгиришга журъат қилган. Таржимон шоир Матназар Абдулҳакимнинг я «сорати Ўзбекистондаги илм ва адаб аҳлларининг мактовига сазовор бўлди. Шу пайтгача Бедилнинг баъзи рубойларигина таржима қилинган эди. Матназар Абдулҳаким шоирнинг 200 га яқин ғазалларини таржима қилиб, Ўзбекистондаги деярли барча етакчи матбуот нашрларида эълон қилди. Бедил ғазаллари гулдастаси дастлаб “Такаллум”, яқинда эса “Шавқингни ёд этиб”, “Хумо парвози” тўпламлари орқали бедилхонлар кўнглини хушнуд этди.

Таржимон масъулиятни қалбан теран ҳис этиб, аслиятнинг оҳанг, фикр ва туйғуларини ўзбек тилига имкон қадар атрофлича бир тарзда ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва аксар ҳолда бунга эришган.

Матназар Абдулҳаким Хоразмнинг шаҳру кишлоқларини айланиб чиқиб, деярли ҳар бир шаҳар, ҳар бир кишлоқда нуқтадон файласуф шоир Бедил девонларини кўз қорачиғидек асраб келаётган нуруний китобсеварлар билан мулоқот қилиб, бир вақтлари қадимий воҳамизда қизгин бедилхонликлар бўлганлигига ишонч ҳосил қилган эди.

Фалсафий шеърятни ўзбек тилига ағдаришга жазм этган таржимон-шоир ўз дил изҳорларини шундай ифодалаган эди: “Дарёдан ҳар ким ўз ташналигига яраша сув ичади, парвоздаги қуш ҳам осмоннинг бор баландлигини забт эта олмайди. Бедил ҳазратлари шеърятни дарё кабидир, осмон янглиғдир. Не фазилати бўлса, Мирзо Абдулқодир Бедилга, не нуқсони бўлса, таржимонга тегишли. Ушбу ғазалларни ўқиб, мени ташна бир қуш ўрнида кўришингизни ўтинаман”.

Матназар Абдулҳакимнинг машаққатли меҳнатлари бўлмиш ушбу тадқиқотлар ва таржималар тароватини татиб кўриб, ўзингиз баҳо берарсиз деб умид қиламиз.

*Абдулла Аҳмедов,
Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат
Университети доценти, шарқшунос,
манбаъшунос олим.*

ОГОҲЛАР ОГОҲИ

(Ёзувчи ва журналист Рўзимбой ҲАСАН саволларига
жавоблар)

- *Матназар ога, аввало Огаҳий бобомизнинг тахаллуслари ҳақида сўз юритсак. Улуз бобомиз танлаган тахаллус замирида “огоҳлик” мазмуни ётгани сир эмас. Шоир бизни нимадан огоҳ қиляпти? Балки шеърят аталмиш улуз неъматнинг сир – асрори, қиёссиз ҳузуридандир?*

- Ҳазрат Огаҳийнинг бутун бир баҳайбат меросига сархат бўладиган машҳур эътирофномаси бор:

*Огаҳий, ким топгай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқдир Навоийнинг навосидин санго.*

Огаҳий ҳазратлари ҳатто тахаллус танланганида ҳам мана шу ҳикматга содиқ қолган, яъни ўз тахаллусини Навоий бобомиз ижодий меросидан келиб чиқиб танлаган. Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сида мана шундай мисралар мавжуд:

*Эрусан шоҳ, агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен.*

Отам раҳматлик айтгучи эдилар: “Ҳамма нарсанинг жаҳлидан фаҳми афзал” деб. Ёмон ишларни асло қилмаслик керак, бироқ ана шу гуноҳ ишларнинг йўригини билсанг, уларга қарши курашмоғинг осон кечади. Шоҳ бўлиш учун тахтда ўтириш, тож кийишнинг ўзи кифоя қилмайди. Тож – тахт эгаси бўлиб, ўз ғофилликлари оқибатида ўзига кўғирчоқ бўлиши керак бўлганларнинг қўлида кўғирчоқ бўлганлар қадимда кўп бўлган. Демак, Огаҳий бобомизнинг тахаллуслари ҳам ўз ғазалларига узукка қошдек ярашиб, салтанат соҳибларини огоҳликка даъват қилиб турган, сергакликка чорлаган. Фақат салтанат соҳиблари огоҳ бўлишлари керак деб ўйласак, албатта, калтабинлик бўлган

бўлур эди. Ҳақиқий ОГОҲ Аллохнинг ўзидир. Биз ўз фазилатларимиз билан, тўғрироғи, ўзимизда фазилатларни тарбиялаш билан Аллохга тақлид қиладиган бандаларимиз, холос. Шунинг учун ҳам бизлар ўзларимизни огоҳ деб айта олмаймиз, бизлар бор – йўғи у ёки бу даражадаги оғаҳийлармиз. Яъни бизлар ҳақиқий огоҳ Аллохга ўз огоҳликларимиздан келиб чиқиб у ёки бу даражадаги эътиқодли одамлармиз. Кўряпсизми, Оғаҳий бобомиз ҳали ўзининг таҳаллуси биланок қай даражада маърифатпарварлик қилаётганлигини, ўз шеърхонларини, улар шоҳми – гадоми, бундан қатъий назар, камолотга ундаётганлигини. Шунинг учун ҳам замондошлари ҳам илоҳий, ҳам инсоний маънода Оғаҳийни “огоҳларнинг огоҳи” деб алқаганлар.

Бинобарин, Оғаҳий ҳазратлари бизни, шунингдек, ўз таҳаллуси билан у ёки бу иллатдан халос бўлишдан, ёхуд, у ёки бу фазилатга эришмак бахтидангина эмас, балки барча иллатлардан озод бўлиш бахтидан, барча фазилатларга эришмакликнинг саодатидан огоҳ қиляпти. Демак, илм талаб қилган одам учун Оғаҳийнинг ҳатто таҳаллуси ҳам бир қомус. Паёнсиз бир ҳикмат.

- Тўғри, шеърят ишлаб чиқариш эмас. Сифат ва сон таққосланиши бу ерда ўз ўрнига тушмайди. Аммо, Оғаҳий ҳазратлари қолдирмиш назмий бойлик кўламини бор – бўйича кўргимиз, билгимиз келади. Шу ўринда Оғаҳийнинг шоирлик сифати ҳақида ҳам, агар ҳаддингиз сизга, айтиб кетсангиз.

- Оғаҳий ҳазратлари меросининг миқдорий ҳажмини билиш учун хоҳлаган бир тегишли қўлланмага “мўралаш”-нинг ўзи кифоя. Сифатига баҳо беришга келганда эса, ҳар бир мухлис бу ишга нафақат ҳақли, балки бурчли ҳам. Чунки мухлис учун у ёки бу шоир ўз меросининг сифатига ёки бўлмасам, ана шу сифат ҳақида ана шу мухлиснинг фикрига боғлиқ равишда қадрлидир.

*Аммо шеър баҳоси мухлисадир тан,
Қандай чексиз эди руҳий паёнинг,*

дейди Ғафур Ғулом руҳига мурожаат қилаётганда Абдулла Орипов ҳазратлари. Ману шу жиҳатдан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсам, Огаҳий мероси менинг учун битмас – туганмас маънавий тарбия ўчоғидир, маҳорат мактабидир, билимлар конидир. Биз қандай юксакликни эгалламайлик, қандай теранликни забт этмайлик, Огаҳий мактабининг камтарин бир ўқувчисилигимизча қолаверамиз...

- Огаҳий шеърятини... у зотнинг туркийда битган газаллари борасида гапираётиб, сиз мумтоз шеърятда Огаҳийнинг ўтмишдошлари бўлмиш улуг туркийгўй шоирларнинг қай бир анъаналарини кўзда тутдингиз.

- Бу саволингиз, Рўзимбой, даста – даста рисодаларга мавзу бўларликдир. Огаҳийнинг ўз эътирофномасини тасдиқлаш учун шуни айтишим мумкинки, Огаҳий назмий ижодини бир байти ҳам, Навоий ибораси билан айтганда, Алишер Навоий байтидан холи эмасдир. Навоий ҳазратларининг мисралари эсингиздами: “Навоий байтига боқсанг, эмасдир аларнинг байтидин бир байти холи”. Муайян мисолларга мурожат қиламиз:

Навоий: *Зулфу рухсор ила комимга мени еткурсанг,
Ҳар тунинг Қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз.*

Огаҳий: *Илоҳо ҳар кунинг Наврўз ўлсин!*

Навоий: *Гар эрмас несси қоти қатл учун ҳар кўз билан қошинг,
Нечун, бас, зоҳир этмиш ҳар бири сод устида бир нун?*

Огаҳий: *Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.*

Огаҳий ҳазратлари анъаналарга содиқ қолган ҳолда, Навоий бобомиздан тафовутли фикрлайди. Биринчи байтда Алишер Навоий лирик қаҳрамон тарафидан маъшуқага шарт кўяди. Яъни маъшуқа “Зулфу рухсор ила” ошиқни “комига” етказиши керак, шундан кейингина у дуойи

хайрини маъшуқасига раво кўради. Тўғри, ҳазрат Навоий бу ишни бадий ижод мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширади. Зулфу юзни Лайлат – ул – қадр оқшомига, Наврўзга қиёслаш учун ана шу шартни ғазалга аралаштиради. Огаҳийда эса бу шарт йўқ, яъни ошиқнинг тилаги мутлақо холис. Иккинчи байтда эса Огаҳий ҳазратлари шеърга “чашми жаллод” образини кўшади. “Устина” радифи ҳам Алишер Навоийнинг меросида мавжуддир. “Жаллод” билан “Сод” ларнинг қофия қилиб танланиши Огаҳийнинг тақлидчи эмаслигини, балки Алишер Навоий таъсирида оригинал ғазал яратганлигини кўрсатади. Ҳар иккала ғазалда Огаҳийнинг Навоий байтларидан мутлақо фарқли бир тарзда фикр ривожига эришганлиги буни яна ҳам тасдиқлайди... Огаҳийнинг ўзигача туркий шеърятдан, айниқса, Навоий шеърятидан баҳраварлиги хусусида шу ва шунга ўхшаган гапларни кўплаб айтиш ҳамда шу ва шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу, такрор айтаман, алоҳида бир илмий мавзу. Бундай мисоллар Огаҳийни камситиб қўймайди. Чунки, таъкидлаб ўтганимиздек, ўз навбатида, Навоий ҳазратлари ҳам, шунингдек, ҳар бир шоир ҳам ўз салафларидан ана шу тарзда неъматланганлар ва неъматланадилар.

- *Шу ўринда Огаҳий ҳақида гап кетса, у ҳазрати олийга Навоийдан кейинги улуг туркийзўй шоир рутбасини беришади. Бу ўринда таққослаш икки улуг уммонни бўй баста билан қиёслашга ўхшайди. Сизнинг шу борада қарашингиз?*

- Нимага шама қилаётганигизни сезиб турибман, Рўзимбой. Мешчанлар орасида “Навоий зўрми ёки Огаҳий?” деган бачкана гаплар юради. Мутлақо ортиқча бу савол, ким билсин, ким томонидан биллиард шари каби туртиб юборилган ва мана, неча йил бўлдики, тинимсиз шарақлайди, бироқ биронта шар ҳам ҳеч қачон тўрхалтага туша олмайди. Чунки, масаланинг ўзи, аслан, ноҳолис. Навоийнинг ҳам, Огаҳийнинг ҳам руҳини чирқиратадиган гап бу. Нима ҳам дердик... бир вақтлари “Эркин Воҳидов зўрми, Абдулла Ориповми?” деган бачкана саволга Омон Матжон: “Турланда момоларимиз “Тарози – тарози ўйнаманглар, юрт бузилади,

дегувчи эдилар, мен ҳам шу жавобни такрорлайман”, деб айтган эдилар. Мен ҳам бу борада Омон Матжон ҳазратларидан ўтказиб бир гап айта олмайман. Шунинг учун ҳам уларни уммонларга киёслашингиз менга кўпроқ маъқул бўлди. Уммон, барибир, уммон. Мен бир мухлис сифатида, Алишер Навоийдек беҳудуд уммон шовуллаб турган заминда Огаҳий уммонининг тўлқин товушлари ҳам қулоққа баралла эшитилаётганидан, кўзга яққол ташланаётганидан мамнунман.

- *Ўз даврида Огаҳий бобомиз шеърӣй девонлар тузгани маълум. Бу девонлар адади кам бўлган, албатта. Хивада тошбосма иш бошлагунича, китобларни хаттотлар қўлда кўчиришган ва бу девонлардан санокчи кишилар баҳраманд бўлишган. Шу боисдан, қачондир шўро тадқиқодчилари, аксар, мумтоз шоирларимизга сарой шоирлари деган ёрлиқ ёпиштиришганди. Ўз даврида Огаҳийнинг оддий халқ орасида қай даражада маълум ва машҳур бўлганлигини сўрамоқчи эдим?*

- Ҳар тузум, ҳар бир салтанат замонасидаги ижодкорларнинг ўзига хизмат қилишларини истайди ва бу табиий истакнинг, бир қарашда, ҳеч бир ёмон томони йўқ. “Бир қарашда” деётганимнинг боиси шундаки, гап истакнинг қандайлигида. Ҳозирги даврда кузатилаётганидек, давлат ҳокимияти ижодий жараённинг табиий кечишини таъминлашни ўз вазифаси деб билса, нур устига нур. Лекин шўролар тузуми адабиётнинг ҳатто мафкурага ҳам эмас, мафкурабозликка хизмат қилишини истади. Бу талаб ҳатто мумтоз адабиёт олдига ҳам кўйилди. Оқибат шу бўлдики, оқ қора деб талқин қилинди, мусулмон кофир деб. . . Бундай иштутим, бундай сохтакорлик шўролар тузумуни ичдан емириб, унинг таназзулга юз тутишига олиб келган асосий сабаблардан бири бўлди. Адабиётга “Уни ёз, бун ёз!” деб мушт ўқталмаслик керак эди, ундан ҳам бадтари, боболаримизнинг мумтоз асарларини тескари талқин қилишга олимларимизни мажбурламаслик лозим эди. Адабиёт, катта маънода олиб қараганда, ўз ишини билиб қилади. Унга кўрсатма эмас, унга мадад керак. Мен Алишер Навоийнинг ижоди Сиз айтаётган ана шу оддий халқ ичида ўрганилишига юртбошимизнинг бош-қош бўлаётганлигидан мамнунман.

этибор биз адабиётчилардан яна ҳам муносиброқ меҳнат қилишни талаб этади, эркин ижодга руҳлантиради, давлатимизнинг Алишер Навоийга муносабати яхшилангани сайин, Огаҳийга муносабати ҳам, замонавий адабиётга муносабати ҳам кундан – кунга яхшиланиб бораверади. Бу а шак – шубҳа йўқ.

- Ўзингиз бетакрор, ўхшаши йўқ деб билган Огаҳийнинг бир жуфт сатрини келтиринг – чи.

- Марҳамат:

*Эй кўнгил, одам ҳаёл айлаб дема нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.*

- Матназар ога, аввалги суҳбатимизда Огаҳий бобомизнинг, асосан, туркийда битган асарларига тўхталдик. Маълумки, Огаҳий бобомиз форсийда ҳам бир – бирдан гўзал асарлар яратганлар. Бу назмий бойлик кўлами ҳақида сўрамоқчи эдим.

- Форс шеърятни азалдан аҳли башарни ўзининг, Сиз айтмоқчи, “кўлами” билан ҳайратга солиб келади. Бунга Гётенинг “Шарку Фарб девони”ю, Сергей Есениннинг “Форс тароналари” далил. Грибоедов форсий тилда ғазаллар ёзган. Мирзо Абдулқодир Бедил ижоди эса форсий шеърят туркий ўлкаларни нақадар мафтун қилганлигига дадил . . . ва ҳ. к. Бу энди худудий кўлам фақат жўрофий бўлиб қолмасдан, даврлар жиҳатидан ҳам “янги ва янги, хилма-хил” бўлганлигини кўрсатади. Дейлик, ҳатто Жалоллиддин Мангуберди ҳам, туркий халқларнинг вакили бўлишига қарамасдан, форсий тилда рубойлар битганлиги маълум. Шайх Нажмиддин Кубро, Пахлавон Махмуд...ва, Ҳақоят, Шермуҳаммад Мунис, Огаҳий, Рожий, Комил Хоразмий, Аҳмад Табибий... Давримизга яқинлашган сари, адабиёти-мизнинг форсий қатлами тобора юпқа тортиб келади, ўтган асрнинг йигирманчи йилларига келиб, тамомила кўздан йўқолади. Ҳозир бу беқарорликнинг ижтимоий – сиёсий сабаблари тўғрисида фикр юритишнинг мавриди эмас. Маънавий – маърифий сабаблардан бири эса, Темур ва темурийзодаларнинг ўзлари муайян даражада форсийзабон маданиятнинг вакиллари бўла туриб, умумтуркий

илдизларига тобора қаттиқроқ, тобора теранроқ интилганликлариди бўлди. Алишер Навоий ҳазратлари эса бу жараённинг байроқдори эди. Ул зоти шарифнинг бемисл катта адабий мероси, “Муҳокамат – ул – лугатайн” сингари илмий – назарий трактатлари . . . Хоразм ҳам мутассил мана шу жараён гирдобиди бўлди. Мана шу қуюнларнинг гирдибодиди чарх урди. Бу шамол бизга яқин даврларда, боя таъкидлаганимиздек, ўтган асрга келиб, тақа-тақ тўхтаб қолди. Бу бизнинг қисматимиздир. Қисматнинг эгаси эса Қассоми азалдир, яъни Аллоҳдир. Биз бу йўналишда “Тухум олдин пайдо бўлганми, товукми?” қабиладаги бемаъни баҳслашувдан ўзимизни йироқ тутамиз. Биз фактларни таҳлил қиламиз. Бу бурчимиз бўлса, бизни Хоразмда Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Комил Хоразмий, Рожий, Аҳмад Табибий сингари улуғларимизнинг ижодига дуч келтириб турибди. Вазифамиз эса мана шу биз дуч келган бир нечта босма табоқ ҳажмидаги меросни таржима, таҳлил ва тадқиқ қилишдан иборатдир...

Мазкур боболаримизнинг қай даражада ватанпарвар, тўғрироғи, миллатпарвар бўлганликларини яна бир синоат орқали таъкидлаб ўтай. Ушбу ижодкорлар мансуб бўлган табақа форсидан таржималарга муҳтож эмас эди. Улар у ёки бу даражада форс тилини билар, форсий асарларни аслиятда ўқир, шунинг учун таржималарга, такрор айтаман, деярли муҳтож эмас эдилар. Демак, форсидан туркийга бўлган бадий таржималарга, Сиз айтмоқчи, оддий халқ, туркийзабон миллатимизгина муҳтож эди. Бу азизларнинг саъй-ҳаракатлари ўз халқининг, яъни форсидан беҳабар бўлган ўзбекларнинг форсий адабиётдан бахраманд бўлишларига қаратилган эди. Демак, марказида Огаҳий ҳазратлари турган азизлар анжуманининг ўз халқига меҳр изхори мана шу таржималар эди. Ана, энди шу жиҳатдан келиб чиқиб, форсий адабиётнинг мана шу азизлар назаридаги аҳамиятини аниқлашга етиб келдик. Бу адабиёт, бу шеърят, улар назарида, уларнинг ўзлари томонидан таржима қилиниб, ўз халқига армуғон қилишга арзийдиган даражада буюк эди.

- Икки тилда – зуллисонийн шоир бўлмоқ қийин. Бу Навоий ҳазратларидан мерос. Бир нарса қизиқтиради,

Огаҳий бобомиз айнан бир газални форсийда ҳам туркийда битганларми? Яъни ўзини ўзи таржима қилганларми?

Мен, масалан, “бадоеъ ул – васат” даги:

**На бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг,
Вафога ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсанг.**

мисраларининг “Девони фоний”даги:

**Он бевафо, чи шавад – ки, назар сўйи мо во кунад,
Ваъда кунад вафову ба ваъда вафо кунад,**

каби вариантга дуч келганман, бироқ Огаҳийда бу ҳолни кузатганим йўқ. Менинг кузатмаганлигим, албатта, Огаҳийда бу каби ўз – ўзи билан ҳамоҳангликлар ёки ўз – ўздан таржималар йўқ, деган мазмунни бермайди. Мен мана шундай мақсад билан қиёсий мутолаа қилмаганман, холос.

- Сиз Огаҳийнинг (нафақат Огаҳий, балки бир қатор форсийгўй шоирлар) асарларини таржима қилгансиз. Шу жараёнда унинг таъмини биринчи бўлиб тотгансиз. Кечирасиз, тагин таққослаяпман – қайси бири тотлироқ – туркигўйими ёки форсийгўйими?..

- Ижодкор қайси тилни яхши билса, шу тилда яхшироқ ёзади, шу тилни яхшироқ тушунади, шу тилни яхшироқ кўради, албатта. Икки тилни ҳам баравар билгани холларида, ижодкорлар ўз она тилларида ижод этганлар, асар битганлар. Зуллисонанлик, фикримча, баббаровар бўлмайди. Шоир албатта дилга яқинроқ тили томонга “оғиб” кетади. Менга, албатта, Шермуҳаммад Мунисининг ҳам, Огаҳийнинг ҳам, Рожийнинг ҳам, Комил Хоразмийнинг ҳам аввало ўзбек тилимиздаги манзумалари маъқул. Аҳмад Табибийнинг ўзбекча газалларини қайта ўқиб, таққослаб кўришим керак. Огаҳийникидек тафаккур даражаси баян бўлмаса ҳам, Табибийнинг форсийси бир мунча табиийроқ. Эҳтимол форсийзабон бўлганлиги учундир, балким менга шундай туюлгандир... Чунки мен форсийни ўқиб, луғат ёрдамида таржима қилиш даражасида биламан. Бу эса ижодкорнинг

услуби ҳақида дадил муҳокама юргизиш учун бир мунча камлик қилади.

- *Огаҳийнинг форсий шеърятисидаги асиллик – ўхшаши йўқлик нимада кўринади?*

- Мени кечирингу, улардаги ўхшаши йўқлик улардаги ўхшашликда кўринади. Демокчиманки, ижодлари ҳақида фикрлашаётганимиз шоирлар Алишер Навоийдан ташқари, Мирзо Абдулқодир Бедил, Амирий каби шоирларнинг ғазалларига уйқаш радиф, қофия ҳамда оҳангларда шеър битганлар. Гарчи услублар муштарак бўлса–да, улар салафлардан бундайроқ даражада фикрламайдилар. Уларнинг шеърлари ҳам устозларникидек фикрга бой, бадий жиҳатдан мукамал... Улар гўё мусобақалашадилар. Бу мусобақада кибру ҳаво эмас, мукамаллик бор, одоб бор, сабоқ олиш бор. Бевосита бу анжуманнинг етакчиси Огаҳий ҳазратлари. Бироқ форсий-нависликдаги ҳамсабоқлар ҳамнафислиги Хоразмда бурноғи асрнинг иккинчи ярмида форсий тилдаги адабий муҳит мавжуд бўлган, дейишга тўла имкон беради. Бу ҳол эса, эътироф этиш керак, катта гап.

- *Балки ўрнимасдир, аммо сўрашим жойиз. Ҳозирги замон шоирларида замонасозлик, яъни давр руҳини, ижтимоий – иқтисодий муҳитни сатрларга солиш русм бўлган. Огаҳий шеърятисида бу ҳолни қузатдингизми?*

- Гап, асосан, Огаҳийнинг форсий тилидаги шеърлари ҳақида кетаётгани учун, мазкур мерос ҳақида фикр билдира қолай. Огаҳийнинг “Ашъори форсий” туркумига кирган манзумалари дунёвийликдан кўра, илоҳийликка, “Таъвиз ул - ошиқин” га қараганда, яқинроқдир. “Ашъори форсий”да мазкур оҳанглардан биттаси, яъни илоҳийлик оҳанги етакчилик қилади. Албатта, илоҳийлик руҳида тарбия топган инсон ижтимоий- – сиёсий қарашлардан четда қолмайди. Одам ибодат қиларкан, ҳатто ибодат мабойнида ҳам дунёвий ташвишларини хотирадан фаромуш қила олмайди, балки бу жиҳатларга илоҳий кайфиятдан келиб чиқиб, муносабатда бўлади, халос.

- *Огаҳийдан тортиб, токи сўнгги даврларгача Хива хонлигида форсий тил давлат тили мақомида бўлган. Огаҳий бобомиз, аввало, улуг шоир, қолаверса, давлат*

арбоби ҳам эдилар. Форсийда ашъор битишларига шу сабабми ёки буюк форс шеърляти таъсири кучлими?

- Хива хонлигида форсий тилнинг туркий тил билан баравар давлат тили мақомида бўлиши илк ўрта асрлардаги ҳаракатнинг сўниб бораётган давоми эди. Хоразм, тил жиҳатидан, ўн иккинчи асрдаёқ туркийлашиб бўлган эди. Қолаверса, адабий жараён ҳамиша ҳам давлат тилилик мақоми билан ҳисоблашавермайди. Халқнинг кўйнига қандай давлат тилини тиқиштирмасинлар, у ҳамиша ўзининг кўнглидаги тилда гаплашади, ижод қилади, адабиёт яратади. Ҳали яқин ўтмишда ҳам бизда рус тили давлат тили мақомида эди. Биз ўзбек тилида ижод қилишни тўхтатмадик. Такдир тақозоси билан, дил тили рус тили бўлганлар рус тилида асарлар яратишди. Фарқ шундаки, бизда рус тили иштирокидаги зуллисонайнлик форс тили иштирокидаги зуллисонийнлик сингари ривожланмади. Чунки рус тили ўз табиатига, анъаналарига кўра ўзбек тилига форс тили даражасида яқин эмас эди. Шундан келиб чиқиб, дадил айтиш мумкинки, форсий тил ҳам Огаҳийнинг кўнгил тилларидан бўлган ва бу тилда ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, ижод этган. Форс тили ҳамиша ва ҳар жойда ҳам мақом жиҳатидан давлат тили бўлиб қола олмади ва олмайди ҳам. Бу табиий. Бироқ форс адабиёти, хусусан, форс шеърляти ҳамма замон ва ҳамма маконларнинг буюк адабиёти, буюк шеърляти бўлиб қолаверади. Бу жараёнда Огаҳий, Огаҳийнинг салафлари ва ворисларининг муносиб ҳиссаси борлигидан биз чексиз ифтихор этамиз.

- Огаҳий давлат арбоби нуқтаи назардан даврга, сиёсатга баҳо берганми? Шеърларида шу қараш борми?

Огаҳийнинг бир форсий сатридан кейин суҳбатда давом этсак.

Сўнги бир савол ва бир таклифингизга, ижозат берсангиз, бир байт билан жавоб қилсам:

Эй, шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини,
Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина

- Суҳбатимизда Огаҳий шеърляти борасида, озми – кўпми, фикрлашилди. Тўғривоғи, ўқувчига бир қадар

бошлангич тушунча берилди, холос. Огаҳий улкан уммон – унинг тагига етиш, сарҳадларига етиш кўп мушкул. Энди кўндан кўнглимни безовта қилмиш жумбоқ, муаммолар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим. Биз Огаҳийни қай даражада ўқиймиз, тушунамиз, биламиз?

- Навоийхонлик, огаҳийхонлик тадбирларида иштирок этиб туришимга тўғри келади. Баъзи бир масалаларда Навоий ёки Огаҳий даври либосларини бошлаб жойига қўйишадую, Алишер Навоий ёки Муҳаммад Ризо Огаҳий даврининг тафаккурини ўзлаштиришга келганда, иш кескин чатоқлашиб кетади. Бу . . . кечирасиз, нима дейишни билмайман, бу . . . дейлик, скафандр кийволиб космонавтлик даъво қилишдек бир гап. Гап саллада эмас, каллада эканлигини англаш вақти етди, аллақачонлар. Тўғри, алломаларимизнинг тафаккур меросини ўзлаштиришни кўпчилигимиз қойилмаком қилиб ўрнига қўя олганимизча йўқ. Бироқ бу меросни маънан ўзлаштиришга самимий интиладиган зукко замондошларимиз кўплаб топилади. Скафандр киймасдан туриб–ку космосга парвоз қилиб бўлмайди, бироқ бузурғларимизнинг бадиий – маънавий мероси коинот эмас, бу меросни, дейлик, поездда узоқ масофага сафарга чикқанда ҳам ёки, масалан, эскалаторда ҳам ўзлаштиришга имкон топилади. Гап ихлосда. “Яхши ёза олмаётганлигингни кечириш мумкин, бироқ яхши ёзишни истамаганингни кечириб бўлмайди”, деб ёзган эди Абдулла Қаҳҳор “Ёшлар билан суҳбат” китобида. Шу иборани сал ўзгартириб, “Мумтоз адабиётни тушунмаётганлигингни кечириш мумкин, бироқ тушунишни истамаётган-лигингни мут-лақо тушуниб бўлмайди” деб бемалол айтса бўлади. Чунки у ёки бу буюк сиймони тушунмаслик, улар яшаб ўтган вақтдан бери қанча аср ўтган бўлса, шунча асрни тушунмай қолиш, деган гап. Бунчалик баҳайбат ғафлатни ортмоқлаб яшаш маънавий жиҳат-дан қаттиқ букчайиб юриш билан баробардир. Расо бўлишимиз учун тинимсиз, иложи борича узлуксиз мутулаа қилишимиз керак. Халқимизнинг қанча фойизи Огаҳий ҳазратларини билади – ю, қанчаси билмайди, бунақа ҳисоб-китоб статистикага бўйсун-майди. Маънавий жиҳатдан ҳаётини муҳим заруратга айланмасдан туриб, бу масала баргараф бўлмайди. Мана шу эҳтиёжни тарбиялашимиз керак

ўзларимизда, акс ҳолда ҳар қандай катта нусхалар ҳам бизни муаммодан ҳалос қила олмайди. Ўтган асрдаги аҳволни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

- Ҳар йили Огаҳий ҳазратлари таваллуд санасида у зоти олий таваллуд топган қадим Хивага воҳада яшаб ижод қилаётган шоир, ёзувчилар бир кунлик зиёратга бориши анъанага айланган. Яъни, биз йилда бир бора Огаҳийни ёдга оламиз, холос. Ундаям шошиб, кўпинча расмиятчилик учунгина..

- Ҳар йил ёзувчиларнинг зиёратга бориши Огаҳийнинг руҳини халқимиздан умидвор қилиб туради. Бу ҳам катта гап. Огаҳийнинг кабрини йўқотиб қўяёзишдек фожеани бошдан кечирган халқимизнинг жиллакурса ёзувчилари ҳеч бўлмаса йилда бир марта зиёрат қила бошлабдими, демак эртага барча зиёллар, индинга етти яшардан етмиш яшаргача бутун халқ оқиб келадиган бўлади. Бу зиёратлар умумхалқ мутолаа зиёратига айланади, иншооллох. ЮНЕСКО истикоматгоҳ шаҳарларгагина “Музей шаҳар” мақомини берар экан. Инсон қадам қўймаган ҳар қандай маъво, ҳар қандай обида, инсон кўзи тушмаган ҳар қандай китоб хувиллаб қолади.

Қиётни, эҳтимол, туристик тизимлар шодасига ҳам киритиш керакдир. Чунки, Огаҳий ҳазратларини Овропо ҳам мутолаа қила бошлади. Хуллас, ноумид – шайтон . . .

- Огаҳийнинг меросини тадқиқотчиларимиз камида қирқ томлик дейишади. Бу жуда улкан мерос. Шунча ёзмоқ, таржима қилмоқ учун Огаҳийда имкон, вақт, энг асосийси, иқтидор бўлган – да. Сўрамоқчи бўлганим, Огаҳий ҳазратлари буюк салафларига эргашиб “Хамса” яратмоқни орзу қилмаганми? Наҳотки?

- Ҳазрати Жомий “Бахтимизга Алишер Навоий ўз “Хамса”сини туркийда ёзган”, дегани қуруқ лутф эмасга ўхшайди. “Хамса” ёзишда туркийнавис шоирлар Навоийнинг даҳосидан ҳадиксираган кўрипадилар. Масалан, Муҳаммад Фузулий ўзининг мўъжизавий “Лайли ва Мажнун”идан нарига ўта олмаган. Огаҳий ҳазратлари бўлса . . . Унинг “Хамса”га аталган кучини, эҳтимол, тарихий асарлари, таржималари ўз тасарруфига олгандир . . . Хуллас, “Хамса”навислик туркий халқлар адабиётида анъанага айланмаган . . . ўзи, ҳар қандай анъана ҳам толиқади, шекилли...

- Сермазмун суҳбатингиз учун раҳмат.

ШИФОБАХШ ДАРД

*Икки кўзим - икки улуғ дарёдир.
Паҳлавон Маҳмуд.*

Огаҳий шеърларини мутолаа қиляпман. Мен бундай дамларни ўзига хос бир маънавий байрам, инсон руҳиятининг фоний дунё андуҳлари устидан ғалабаси, эзгуликнинг кайфиятимдаги барқарор бир музаффарияти сифатида нишонлайман. Шеърятнинг тип-тиниқ ҳамда соҳир парваришидан ақлимни ва туйғуларимни такрор-такрор баҳраманд этиб, манфийликларнинг мурдор хамлаларини даф этишдек қутлуғ жаҳду жадалларга ҳозирланаман. Яна ҳам инсонроқ бўлиб қолгим келади.

*Киши сонсиз иморат қилса бунёд
Ва ёким ҳаддин афзун қўйса авлод,
Тутиб бўлмас бирисидин бақо кўз,
Қолур боқий жаҳон ичра, магар, сўз.*

Огаҳий ҳазратлари учун авлоднинг аҳамияти йўқми эди? Қонининг ҳар заррасида буюк бинокорлар бўлмиш хоразмийларнинг бунёдкор туйғулари барҳаёт бўлган Огаҳий ҳазратлари учун “сонсиз иморатлар”нинг йўқми эди, қиммати? Албатта, бу саволларга жавоблар ушбу саволларнинг ўзларида мавжуддир.

Огаҳий ҳазратлари шеърятнинг умрини ҳам ўзи, ҳам ўзгалар учун муборак бўлган қадриятлар – фарзандлар ҳамда паноҳида шу фарзандлар вояга етмаклари керак бўлган иморатлар билан қиёс этади ва масалани шеърятнинг фойдасига ҳал қилади. Нега? Бойси Огаҳий ҳазратлари учун шеърят шеърятдан улканроқ неъмаг эди. Огаҳий ҳазратлари учун шеърят мулки борлиқнинг мажмуидек бир гап эди. Огаҳий ҳазратлари учун шеърятсиз иморат иморат эмасгина эмас, балки шеърятсиз инсоният инсоният эмас эди.

Огаҳий шеърлари мутолаасини одамийлик маъракаси сифатида нишонлайман. Юрагимдан кечинаман.

Огаҳий мироб ҳам эди. Шоир мансуб бўл н сулола Хоразмнинг деҳқончилик маданияти тарихида ҳам ёрқин из қолдирган. Дарё ва денгизларимизнинг тақдирларини шоир ва мироб, мироб ва шоирларимиз қўлига, ақлига ишониб топширган салтанат эгаларидан миннатдор бўлмай бўлмай-ди. Бизларга шоирларимиз миробларимиздан, миробларимиз шоирларимиздан катгароқ умидлар боғлаган эдилар. Улар шеър Жайхундек жўшқин, Жайхун шеърдек равон бўлиши-ни мақсад қилган эдилар:

*Жафоси зўридин икки қўзимдин оқди дарёлар,
Ки қолгай остида онинг жаҳон оҳиста-оҳиста.*

Инсонга шеър экинга сувдек зарурдир. Сувсиз ер – тафаккурсиз шеър. Шеър Огаҳийнинг йиғиси, шеър Огаҳийнинг кулгусидир. Тўғри, адабиётнинг вазифаси инсонни йиғлатиш ёхуд қулдириш эмас. Лекин инсонни бағри тош қилиб тарбиялаш ҳам адабиётнинг вазифасига қирмайди. Адабиёт кўпбошли аждаҳога ўхшайди. Унинг асосий боши инсонда самимиятни шакллантироққа хизмат қилади. Сухбатимиз руҳидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, инсонда ҳамиша фикр фикр ўрнида, кулгу кулгу ўрнида, кўз ёш кўз ёш ўрнида бўлмоғи лозим. Йиғлайман деб кўзга сўлакайингни суркашдан ёхуд куламан деб, ўзингни ўзинг қитиклашдан сақласин.

Шунинг учун ҳам Огаҳий Сўзга хизматни, шеърга хизматни ҳатто мироблик мартабасидан ҳам баланд қўйди. Сўзга такрор-такрор таъзим бажо келтиргани ҳолда:

*Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санго бир қўлча ер,
Борча умрингдин не ҳосил, айласанг мироблиг,*

деб ёзди. Огаҳий ҳазратлари ўз асарларидан бирида лаёқатсиз назмбозлардан дарғазаб бўлиб:

*Йиртиб қогозу, қаламни синдирдилар,
Ҳам ўзларини, ҳам элни тиндирдилар,*

дейди. Огаҳий ҳазратлари “Зар қадрини заргар билади” деганларидек, ноўрин айтилган ҳар бир сўз элнинг тинччини бузадиган бир офат эканлигини ҳамма замондошларидан ҳам теран англаб, шунинг учун сўзни эрмакка айлантирганларни ўзига душман тутар эди:

*Аҳмақ аҳли билмағай сўз ичра ўз беҳбудини,
Ўзига қилғай зарар охир чекиб ҳазёнга сўз.*

Демак, Огаҳий мисралари мутолааси одамзоднинг сўз воситасида ардоқланиш тантанасидир. Огаҳий ҳазратлари қаламига мансуб шундай оташин мисралар бор:

*Бугун, эй дўстлар, ҳолим хароб ўлгонга йиғларман,
Ки яъни дарди доғим беҳисоб ўлгонга йиғларман.
Бу водийда бўлиб дарёталаб, бир қатра сув топмай,
Насибам оқибат муҳлик сароб ўлгонга йиғларман.*

Саройга яқин бир зот, аниқроғи, саройнинг ўз одами эдилар, Огаҳий бобомиз. Бўларди мақтасалар, ўз замонасини қаламидан асаллар томиб. Бироқ ул зот адабиётнинг вазифаси маддоҳлик деб билмади. Адабиётнинг вазифаси Ҳаққуш янглиғ, ҳақиқатдан одамларни огоҳ қилиб турмоқ деб англади. Замона иллатларига ташҳис қўймоқ ва шифобахш этмоқ деб билди. Эътибор қилинг-а:

*То кажлик ила кирди фалак давронга,
Доно ҳама нон гадосидир нодонга.
Тузлик била айланса эди гар гардун,
Нодоннинг юзи тушмас эди бир нонга.*

“Хўш, мавлоно Огаҳий, бизнинг замонамиз терс айланадиган бўлдимиз энди? Бизнинг давримизда, келиб-келиб сизга шунча яхшиликлар қилган хоннинг даврида, донолар нодонлардан нон тиланадиган бўлдиларми?...” деб сўраши мумкинмиди хон? Мумкин эди. Бироқ жавоб ҳам тайёр эди:

*Барбод бўлур хоки танинг, охир жаҳонда неча йил
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина.*

Хоннинг саволлар бериши мумкин эди. Бироқ саволлар бермади. Чунки хон буюк эди. Шоиримиз ҳам бу гапларни

айтмаслиги мумкин эди. Бирок айтмай туrolмади. Чунки шоир ҳам буюк эди.

Улар ҳар қандай даври давроннинг, ҳар қандай замонанинг соҳиби Оллоҳ деб қаттиқ ишонар, шу боисдан-да ҳатто энг улуғ шоир ва энг улуғ ҳукмдорнинг ўзаро дўстона муносабатлари ҳам давр қиёфасини жиддий ўзгартиришдан ожиз деб англардилар. Уларнинг илтижолари Оллоҳга, уларнинг умидлари Оллоҳдан, уларнинг ёд-хаёли Оллоҳ билан, уларнинг ўтинчлари Оллоҳдан, кўшиқлари Оллоҳ ҳақда эди. Демак, биз Огаҳий асарларини ўқиётганда, бу мутолаани Ҳаққа манзур бўлиш йўлида, ҳақгўйлик ва мўминлик тадбири сифатида амалга оширамиз. Огаҳий ростгўйлиги инсонга эмас, инсондаги иллатларга қарши эди. Ҳаққа манзур бўлиш ҳақгўйлиги эди Огаҳий ҳақгўйлиги.

Огаҳий асарлари мутоаласи – муҳаббат маърифатидир. “Юзинг очким, куёш садқанг бўлиб бошингдан айлансун, Янги ой юз тавозе кўргузиб, қошингдан айлансун...” Биз бўлсак умримизнинг ҳар бир дақиқасида Огаҳий ҳазратлари меҳр кўрсатган комил инсоннинг қошидамиз. Биз ўз аъмолимиз учун ана шу инсоннинг дидини мезон деб биламиз, қадимимизни ана шу комил инсонга мақбул бўладиган тарзда ташлаймиз, сўзимизни ана шу комил инсонга манзур бўладиган тарзда айтамыз.

Огаҳий ҳазратлари қалам сурган мавзулардан кўра қалам сурмаган мавзуларни санаб чиқиш осонроқдир. Демак, менинг ушбу ўқишларим қомусий бир мутолаа, шоирга ихлос билан тўлган бир руҳиятнинг Огаҳий хазинаси атрофида туйғулар анжуманини тузиб, бу анжуманнинг диққат маркази-да халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги тўғрисида ақллар ва юраклар ҳамжихатлигининг ўзига хос ботиний тантанасидир. Огаҳий ҳазратлари “Илоҳи, ҳар кунинг Наврўз бўлсин!” – деб хитоб этгандилар. Ул зот ёзган эдиларки:

*Ҳар ким ўқуса, дуо билан ёд этгай,
 Руҳимни бу ёд этмак ила шод этгай.
 То тангри ани бу карами борасида
 Жойини ики жаҳонда обод этгай!*
 Илоҳим, шундай бўлсин.

ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУАЛЛИФ МУҲАММАСИ

Англамайдир дардларингни, қотмагил ^шнодонга сўз,
Берма ҳеч истакка эрк, бергил мудом имконга сўз,
Йўқ бўлур зулмат, ахир, етган маҳалда тонгга сўз,
Эй кўнгил, одам хаёл айлаб дема нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.

Ким учун сўз илтифот, сўз ким учундир дағдағо,
Сўзда оқил камсукум, жоҳил ўзин англаб даҳо,
Сўз бу—бахт, сўздир бу – кулфат, сўз бу – эҳсон, сўз саҳо,
Сўздир инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо,
Они хор этма дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.

Сўзда кўрдим мен чақин, туйдим чаманлар атрини,
Илғадим гоҳ гунча сабри, гоҳ тиканлар жабрини,
Қилди хор жоҳиллар, оҳ, не-не азизлар сатрини,
Ваҳ, не янглиғ билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини,
Ким топар ҳаз, етса ул кунжораву сомонга сўз.

Ҳар жаранг сўз ичра эҳсон, ҳар қулоқ кашкулдурур,
Сўз ўзи олтун, олов, ҳам сўз ўзи гаши, кулдурур,
Лола ҳайвон-чун хашак, инсон учун хуш гулдурур,
Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдурур,
Ким бўлиб сўз аҳли бағри қон, ботгай қонга сўз.

Дил қачон осудалашгай тинглаб ҳикмат удини,
Ишқ халилulloҳ тортти, оҳ – жабр Намрудини,
Кўз ва дил аччиқлашиб ютди разолат дудини,
Аҳмақ аҳли билмагай сўз ичра ўз беҳбудини,
Ўзига қилгай зарар охир чекиб ҳазёнга сўз.

Кимки сўзни пок тутмас, қилгай андин бахт ҳазар,
 Бизга етган эзгу ҳар сўздир азизлардан назар,
 Булсада маънога кон, жазб этгучи ҳам мухтасар,
 Сангидил жоҳилга, тонг йўк, сўз агар қилмас асар,
 Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.

Ғафлат оқишмига сен рўзингни зое қилмагил,
 Беқадрлар олдида ўзингни зое қилмагил,
 Ҳикмати йўқ саҳфага кўзингни зое қилмагил,
 Ҳар, хасосатшевага сўзингни зое қилмагил,
 Сўз демак истар эсанг, де соҳиби эҳсонга сўз.

Кимни қакратса жазира, англари у муз қадрини,
 Ҳеч киши маҳбусчалик билмас дала, туз қадрини,
 Ким мунажжсимдек билибдур ой ва юлдуз қадрини,
 Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини,
 Ҳайфдир доно демак нодону беирфонга сўз.

Эзгу сўз парвозда, ҳар ҳарфинда бир қуш бордур,
 Сўз сабаб тушларда ўнг, ўнгларида ҳам туш бордур,
 Тингла, эй, Абдулҳаким, устозни, то ҳуш бордур,
 Олам ичра барча ишдан қоттигу душвордур,
 Огаҳий, маъкул қилмоқ беҳаё, нодонга сўз.



БУЛБУЛ ТУШЛАРИ

Муҳаммад Ризо Огаҳий барча мутафаккир шоирларимиз сингари ҳаётнинг моҳияти, тириклик манбаи, жумладан, инсон деб аталмиш мукамалликдан ақл бовар қилмас мўъжизанинг келиб чиқиш сир-синоатлари тўғрисида тинмай ўйлайди.

Шоир бу борада ўз салафларининг мутлақо асосли фикрларини ўзича тараққий топтириб, ҳаёт сарчашмаларининг илоҳий бир мўъжизалар таъсирида кўз очганлигини идрок қилади ва бу борадаги кузатишларини маънавиятимизнинг бадий-фалсафий тарихига, аниқроғи ана шу тарихнинг бебаҳо бир мулкига, эскирмайдиган абадий обидасига айлантиради.

Одамзоднинг келиб чиқиши тўғрисидаги илмий ва ғайри илмий қарашлар қай аҳволга тушмоғидан қатъий назар, Огаҳийнинг тафаккур меваси бўлмиш инсоннинг ўз асли-наслига илоҳий ишончи фалсафаси ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Анъанага кўра, мумтоз шоирларимиз бу ҳақдаги поэтик фикрларини девонларнинг дебочаси ва улардан кейин келадиган тегишли ғазалларга жо қилиб қолдирганлар. Огаҳий ҳазратлари ҳам, табиийки, бундан мустасно эмас.

Шоирнинг ўз девони «Таъвиз-ул ошиқин»га очкич тарзида битган «Зиҳи жонларга» деб бошлангувчи ғазалида биз бир жиҳатни яққол илғаймиз.

Огаҳий ғазал матлаъсида, яъни фикр куёши балқий бошлаган мисрада:

Зиҳи жонларга васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,

деб ҳақ субҳонаху ва таоло васлидин умидвор жонларнинг ҳали дунёга келмасданоқ шавқлана бошлаганлиги хабарини етказди.

Навойни эсланг:

Деди: қай вақтдан сен ишқ аро маст,

Деди: руҳ эрмас эрди жонга пайваст.

Шоир фикрича, дийдор умидидан, илоҳий юз кўришув орзусидан ғурурланиш нақадар ҳайбатли бўлса, ана шу дийдордан маҳрум бўлмоқ ваҳми ҳам ана шундай дахшатлидир. Чунки бу айрилиқ ҳаётга келишнинг моҳиятидан маҳрум, маъноларнинг маъносидан, тириклик ҳикматида жудо бўлиш демакдир:

Гаҳи дарди фироқинг хавфидан ранжу тааб пайдо.

Бу мисрада инсонларга насиб бўлган илоҳий жасоратнинг кифаси пинҳон, яъни одамзод учун ёлғиз бир кўрқув мавжуд. Бу таҳлика ана шу биз илоҳий дийдор деб таърифлаган саодатдан маҳрум бўлиш ваҳимаси. Юрагида шу таҳлика мавжуд инсонларга бошқа кўрқув кўрқув эмас. Мана шу “Илоҳий дийдор” замирида Оллоҳи таолога мансуб мангу Жамолнинг мулки борлиқда акс этиши фалсафаси – Пантеизм ғоялари мавжудлигини эсда тутиш муҳим. Бундай ҳаётсеварлик ғояларига риоя қилувчи инсонлар учун ана шу «айшу тараб» ҳамда ана шу «ранжу тааб» биз юқорида зикр қилган маъно ва мазмунларнинг маъно ва мазмунларини ташкил қилади.

Маъно умидларнинг умиди сифатида рўй беради. Огаҳий мана шундай тафаккур йўсини билан инсоннинг вужудга келишидаги илоҳий моҳиятни шеърият забони билан эътироф қилади. Бироқ бу эътироф шоирнинг инсонни улуғлашдан бош мақсади эмас. Огаҳийнинг бош мақсади илоҳий қудратнинг ақл билан қамраб бўлмайдиган ҳайбатини инсон имкониятлари даражасидаги идрок билан илғаб олиб, тил билан зикр қилиш ва шунинг воситасида мана шу илоҳий ҳайратни изҳор қилмоқда бўлган лирик қахрамонни ҳам янада улуғвор ва мукамал даражада кўришдир.

Огаҳий ушбу ғазалда инсоннинг дунёга келишидан кўзда тутилган илоҳий мақсаднинг, таъбир жоиз бўлса, бош йўналишини, яъни инсоннинг пайдо бўлишига сабаб бўлган илоҳий вазифасини излайди. Шоир фикрича, инсоннинг дунёга келишидан мақсад вужуд, вужуддан мақсад бош, бошдан мақсад юз, юздан умид лаб, яъни:

*Эди ишқингга эсонлар мубтало ул чоғдаким эрди
Не тан, не танда бош, не бошда юз, не юзда лаб пайдо.*

Инсон вужудининг олий аъзоси, шоир талкинчи, «юзда лаб». Нега шундай? Маълумки, инсоннинг лаби, умумлаштириб айтадиган бўлсак, инсоннинг оғзи бир-бирига қарама-қарши бўлган ибтидони-яъни моддий (озик-овқат тановул қилиш) ҳамда рухий (сўз айтишни)-ўзида мужассамлаштиради. Сўз бўлса илоҳиётда, аввало, сўз мулкининг олий мўъжизаси бўлмиш Қуръони Карим билан боғлиқдир. Ҳадиси шарифларга дахлдор ҳам, даставвал, шу сўздир. Илоҳий «Кун!» сўзидан, яъни «Ярал!» деган хитобдан кейин мулки борлиқ бунёд бўлган. Огаҳийнинг

*Огаҳий, ким тонгай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидан санго,*

деб эътироф қилган устози Алишер Навоий:

*Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин,
Билгил, гуҳари шарифроқ йўқ ондин,*

деб бежиз хитоб қилмаган эди.

Рухнинг яралишидан илоҳий мақсад сўз ва сўзнинг яралишидан илоҳий мақсад руҳ бўлгани каби, мулки борлиқнинг яралишидан илоҳий муддао инсон ҳамда инсоннинг яралишидан илоҳий истак мулки борлиқдир. Огаҳийнинг фикрича, шунинг учун ҳам яратгувчидан, Олий санъаткордан одамзоднинг миннатдорлиги поёнсиздир. Мулки борлиқнинг ўзи каби ҳадбилмасдир.

Нақл қилинишича, авлиёлардан бирига айтибдилар: бизга шундай бир ашёни кўрсатки, у Оллоҳнинг борлигига далил бўлсин. Шунда авлиё жавоб берибди: «Менга шундай бир буюмни кўрсатинглarki, у Оллоҳнинг мавжудлигига далил бўлмасин!» Дарҳақиқат, оламда неки мавжуд бўлса, унда яратганининг хусни зоҳир бўлади. Шунинг учун барча синоатларга – энг кичик заррадан бутун олам чексизлигича, барча махлуқотга маърифий муносабатда бўлиш, уларнинг моҳиятидан воқиф ҳаёт кечириниш, ҳаёт кечирганда ҳам мана шу мулки борлиқ билан мутаносибликда ҳаёт кечириниш бизлар учун ҳам фарз, ҳам қарз. Мулки борлиқдаги ранг-баранглик, у

Хот, ўсимликлар дунёси бўладими, хоҳ ҳайвонот олами бўладими, жисмлар ҳар хиллиги ёхуд тиллар турличалиги бўладими, буларнинг барчасини асраб-авайлаш, келажакка имкони борича бус-бутунликда етказиш одамзоднинг бурчидир. Бу илоҳий вазифага амал қилмасак, шунга яраша жазо бордир. Чунки Огаҳий ҳазратлари айтганларидек:

*Чу мазҳар айладинг оламини, хусни бемисолингга,
Бу кўзгу ичра бўлди неча нақши булғажаб пайдо.*

Илоҳий шамолларнинг эсишидан, балки шамол эмас, эпкиларнинг елпинишидан неча оламлар чарх уриб, аҳли башарга киргитгонлар бўларкан, бизлар илоҳий нафаслар уфуриб турган маънонинг мўътабарлигини ҳис қилиш бахтидан бир лаҳза бўлсин чалғимаймиз.

Илоҳий дийдорнинг қай даражада беҳудуд ва мўътабарлигидан воқиф бўлган одам эса акс этадиган кўзгунинг бутун бир оламча келишидан мутлақо ажаблан-майди, балки дийдор билан кўзгудаги акс тафовути инсон билан унинг акси ўртасидаги тафовутга мутаносиб эканлигидан хабардорлиги сабаб, илоҳий дийдорни илҳақлик билан умид қилишда ва шул умиди баробаринда инсон сифатида тинимсиз камол топишда давом этаверади. Бу мобайн умрбод ниҳоясига етмайди. Негаки, олам мана шу «нақши булғажаб»ларнинг мажмуаси. Булардан баҳраманд бўлишга воситачи бўлган руҳий элчи, яъни жон шунинг учун ҳам ниҳоятда ширин. Шу боисдан ҳам яшаб тўймаймиз, ҳайратланиб чарчамаймиз, севиб, толмаймиз. Чунки яшайдиган ҳаётимиз, ҳайратланадиган мўъжизаларимиз, севадиган муҳаббатимиз-ҳамма-ҳаммаси илоҳий бир яхлитликнинг мўътабар парчаларидир.

Севишининг, севилишининг ҳатто кулфатида ҳам саодат мавжуддир. Рад бўлган ишқда ҳам қабул бордир. Инкор бўлган муҳаббатда ҳам тасдиқ жаранглаб туради. Сарв маъшук. Унинг чексиз севилиш бахтига турғунлиги монёлик қилади. У ўзининг муҳаббати шарофатидан юксалиши мумкин, қомати адлликда бетимсол бир тарзда камол топиши ҳеч гап эмас. Бироқ унинг ёлғиз оёғи ерга кўмилган, тупроққа

банди бўлган. Шамоллар уни қутлуғ манзиллар сари ундаб тортқилайдилар, сарв уларнинг даъватига мувофиқ бош эгишга эгадию, бироқ оёғини ердан уза олмайди...

Ошиқ кумри эса нолалар қилади. Ошиқлик унга жуфт қанот бахш этган ва бу қанотлар уни шамол сарвни даъват қилиб, йўлга отлантира олмаётган манзилларга бир зумда элтиб қўйишлари мумкин. Лекин, на илож, ёнида маъшуқаси бўлмаса, у биргина қанот қоқим жойга ҳам илгарилай олмайди. Шунинг учун ҳам:

*Биров ҳусн ичра топди сарвдек оройиши қомат,
Биров ишқ ичра қилди кумриосо ларзу таб пайдо.*

Огахий учун сарв ҳам «биров».

Огахий учун кумри ҳам «биров».

Шоир сарвни ҳам, кумрини ҳам шахслантиради. Ҳар иккаласи ҳам унинг учун гўё одам. Йўқ, йўқ, «Гўё» эмас, балки аниқ-тиниқ одам. Шу маънода шоир одам учун яратилган барча нарсаларга, бу ўринда эса сарв билан кумрига, ҳеч қандай иккиланишга йўл қўймайдиган қардошлик ҳиссини туяди. Уларнинг олдларидаги илоҳий қарзни узиш учун уларни ўзига тенглаб, яъни «одамлаштириб», «биров» деб фикрлайди. Демак, энг кичик зарраларнинг зоҳирий изтиробларию, баҳайбатликда тенгсиз сайёраларнинг ботиний шиддатлари, нур тезлигига ибрат бўладиган суръатлари олий мақомдаги инсоний ҳаётнинг меъёрини таъмин этадиган жиҳатларнинг, ким билсин, неча тумандан бир улушини ташкил этадиган илоҳий ўлчамлардир. Мана шундай ҳайбат билан тафаккур қилсангизгина, инсон учун чекилаётган илоҳий безовталикнинг миқёси аён бўлади. Ҳар бир одамнинг «олам»лик ва ҳар бир оламнинг «одамлик» даражаси ойдинлашади. Ўзингиз ҳам беихтиёр гоҳ кумрилашиб, гоҳ сарвлаша бошлайсиз. Илоҳий ишққа, ким билсин, қай даражададир доҳиллик туйғуси сизни камол топтираётганлигини умид кўзлари билан илғайсиз, орзу кулоқлари билан эшитасиз. Худҳудлар сизга муборак хабарлар келтира бошлайди. Таназуллар тараққиётга айлана бошлайди. Рухингизда илоҳий байрамлар бошланади. Сарвдек бошингиз

осмонда, бироқ оёгингиз ердан узилмайди. Кумридек бўйнингизда илоҳий тутқунлик халқаси, бироқ қанот-ларингизда парвозлар ихтиёри...

Бу самовийлик сизни ҳавойи қилиб қўймайди, балъакс сиз ҳаётга, одамларга яна ҳам яқинлаша бошлайсиз ва шу яқинлашув баробарида теран англайсизки, сиз бунгача ниҳоятда бир серфайз туйғудан, сарв ҳамда кумрига тугул, одамларга, сизга жондек ҳаётбахш бўлган азизларга кардошлик туйғусидан бебаҳра экансиз.

Навбатдаги байтда шоир сарв, кумри тимсолидаги «биров»дан, «бировлар» тимсолидаги, уввос тортаётган издиҳом сифатидаги шўришу ғавғоларнинг қиёфасини чизишга ўтади. Юқориди илоҳий ростлик ва ана шу ростликнинг дардида чекилаётган инсоний қайғу - адлқомат дарахт ва унга ошиқ кумрининг ҳасрати тарзида ифода қилинган бўлса, мазкур мисралардан инсоний ҳусн ҳамда унга одамзодларча ошиқлик гул ва булбулларнинг муносабатларига қиёсланиб баён қиланади. Гул ва булбул образларини анъанавий дедик. Бироқ бир гул иккинчи гулга, бир булбул иккинчи булбулга ўхшамайди. Уларнинг чекадиган дардлари ҳам, табиийки, бошқа-бошқа ва бошқача-бошқачадир. Ана шу маънода гулнинг қуриб қолган тиканлари синишини эслатадиган булбул чаҳ-чаҳи... анъанавийликнинг биллур шишаларини чил-чил қилиб, уларни янгича наволар оташида эритади ҳамда улардан мутлақо янги шаклдаги бир қадахларни қуйиб, уларга Оғаҳий замонасига аср-асрлардан ҳар лаҳза сайин қуввати ошиб келган ҳам янги, ҳам қадимий шаробларни қуяди. Шаробларки, илоҳий дийдорга восил, эпчиллик даражасида сармаст қилгувчи, шаробларки, ҳар кимни ўз инсонлигини фаромуш қилмайдиган даражада хушёр торттиргувчи...

*Бировки, гул масаллик орази гулгун бўлиб ҳосил,
Бировки, булбулосо бўлди юз шўру шааб пайдо.*

Булбулки, аслида, бошқа бир булбулнинг ишқида қуйикиб нолалар қилади. Лекин нима учун одамлар унга гулнинг ишқини тухмат қиладилар? Йўқ, аслида бу тухмат эмас, балки

бир илоҳий мавжудотга ўзининг хуснда тенгсиз бўлмиш иккинчи илоҳий мўъжизани, яъни гулни раво кўриш истагидан келиб чиққан. Бир-бирларининг ишқида фигон тортаётган булбулларнинг, эҳтимол, гул тушларига ҳам кирмас. Бирок шоирлар гул ва булбулни бир-биридан айрича тушларига ҳам йўлатмайдилар. Булбуллар эса тўранғизор-ларда қайғу деб ном олган хушчакчак қўшиқларини куйлайверадилар. Бу қўшиқлар, эҳтимол, уларга гул васлини муносиб кўрган-ларидан булбулларнинг сурурланиш наволаридир.

...одамлар ҳам ҳақ субҳонаҳу ва таоло дийдоригача юксалтирадиган силсилалардан халқама-халқа юксалиб, шояд бир кунмас-бир кун ўнгидан келадиган илоҳий тушларни кўрадилар. Шоир тушларининг булбул тушларидан тафовути шундаки, шоир тушларининг номи ҳаётдир. Шунинг учун уларнинг сўнгги ўйқудан кейинги ҳаётлари ҳам мана шу ҳаётнинг узвий давоми. Бу дунёдаги ўйқулар бўлса, чаҳ-чаҳларнинг орасидаги лаҳзалик танаффуслардек, узлуксиз бедорликларга тайёргарликдир. Улар, афтидан, бир лаҳзалик ўйқуларида минг йиллик тушларни кўрадилар. Уларнинг ўйқусидан ўйғоқлигининг, ўйғоқлигидан ўйқуларининг нисбати лаҳзаларники билан мангуликниқичадир. Яъни фарқсиздир... Мангуликнинг лаҳзалик, лаҳзанинг мангулик тушлари...

Бу оламнинг мингдан-минг ҳикматларидан бирининг моҳияти шу: лаҳза мангулик қадар, мангулик лаҳза даражасида танқис ва аҳамиятли. Жонзотлар бор - бир неча дақиқа умр кўрадилар. Жонзотлар бор - бир неча юзлаб йил ҳаёт кечирадилар. Фақат довуллар буларнинг ҳаммасини илоҳий амрга кўра ўз гирдибодларида чирпирак қилиб совуради. Инсоннинг умри бундан мустасно. Чунки инсон ўз ҳаётининг моҳиятини, ўз умрининг мазмун ва аҳамиятини идрок этадиган олий мавжудотдир. Шунинг учун ҳам у сал эҳтиётсизлик қилса, ўзининг оёғи остида қолдириб янчиб ташлайдиган чумолидан тортиб, ўзини бир ҳамлада тилка-пора қилиб ташлайдиган арслонгача, барчасининг тақдири учун зиммасида илоҳий бир масъулият билан яшайди. Шунинг учун ҳам у Ғафур Ғулом ҳазратлари таъбири билан айтганда, «Энг кичик заррадан Юпитергача» борлик ашёларнинг

мувозанатда ва мутаносибликда мавжуд бўлиши учун Оллох таоло томонидан жавобгар қилинган. Бу жавобгарликнинг боиси ана шу зикр қилганимиз инсоний идрокдир. Огаҳий ҳазратлари дунёдаги жамики яратилган жонли ва жонсиз махлуқотнинг мавжудлиги бир-бирига чамбарчас боғлан-ганлигини мутафаккир сифатида ақли билан англаб, шоир сифатида туйғуси билан аъло даражада ҳис қилибгина қолмай, ўзининг бу англаштини бети сол мисраларда нақш қилиб қолдирган.

***Халойиқ халқати бир-бийрига яқсар заруридир,
Эмастур қудратингдан жумла ашъ бесабаб пайдо.***

Огаҳий, юқорида таъкидлаганимиздек, шахслантириб, «Биров» деб ардоқлаган ва музкур мисрада «жумла ашъ» тарзида келаётган энг кичик, Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари таъбири билан айтганда, «Олами суғро» дан тортиб, энг улкан «Олами куброгача» ҳамма нарсаларнинг бир бирига чамбарчаслик ҳикматини англаб етиш аҳли башар ҳаётида тараққиёт сари ташланган энг улкан қадам бўлдики, Огаҳий ҳазратлари таъкидлаб кетган ва биз ҳозирда экологик мувозанат деб номлаётган мутаносиб бехудудлик ёхуд бехудуд мутаносибликнинг барқарорлигини таъминлаш бугун бутун инсоният олдида турган энг долзарб масала ва муаммолардан бирига айланган.

Ривоят қилинишича, азизлардан бирининг фарзандлари вафот этиб, кимсасиз қолгач, «энди менинг куним қандай кечади!» деб худога нола қилибди. Шунда илоҳий қудрат унга сув сатҳида юриш иқтидорини ато қилибди ва денгизнинг, ким билсин, неча чакирим ичкарисига, энг чуқур жойига бошлаб борибди ва бир ишора билан сув тубини очиб, у ерда ётган ҳарсанг тошни ёриб кўрсатибди. Ҳалиги зот қараса, тошнинг кичик бир ковагида жимит бир курт яшаётган ҳамда унинг қоптолида ана шу курт тановул қиладиган жажжи бир барг бунёд эмиш. «Кўрдингми, - дебди илоҳий қудрат, - парвардигори олам мана шу ердаги қуртнинг-да қайғусини чекади. Ёлғиз қолдим деб ғам ема, ризқинг ўзи тугамагунча, тирикчилик бир гап бўлар». Огаҳий ҳазратлари айтмоқчи,

«жумла ашё бесабаб пайдо» эмаслигининг ҳикмати ана шу ...ва бу ҳикматнинг тадрижий давоми шундайки, жумла олам ашёлари мутаносибликда мавжуд бўлиши илоҳий фармон билан ана шу оламнинг ўзига манфаатли қилиб яралган. Бу оламнинг манфаати йўлида юксакларда парвоз қилаётган лочин ҳам, чуқур сув тубларида сузиб бораётган балиқ ҳам баробардир. Баҳайбат тоғ ҳам тоғни ўзларидан ташкил топтирган зарралар ҳам тенгдир. Кўршапалаклар кўзларининг ожизлиги билан шунқор кўзлари ўткирлигининг ҳикматлари бир-биридан қолишмайди. Қоқиўт гулларининг пурлари парвозида минг яшар чинор умрининг файзи бор. Илоҳий хилқатлар ҳаракатининг инъикоси бўлмиш кеча ва кундуз жумла жаҳоннинг олдида бир хил имтиёзга эгадирлар. Шоирнинг навбатдаги байтига жо бўлган илтифоти мана шундайдир:

*Шабу рўз аҳли оламга эрур бир-бийридин нофё,
Эмас беҳуда бўлмоқ ҳикматингдан рўзу шаб пайдо.*

Демак, кеча ва кундуз беҳуда бунёд бўлмаган. Оламга «кеча аҳли» ҳам, «кундуз аҳли» ҳам бир-биридан фойдалироқ... вақтнинг тез ўтиши шундандир, эҳтимол. Кеча кундузнинг ўзларидан кўзда тугилган илоҳий манфаатни оламга етказиш учун наврўз кунлари тенг, бошқа вақтларда бир-биридан ўзиб олишларнинг сабаби, балким, шудир.

Бу байтда ҳам Огаҳийнинг ҳар бир мисрасидаги сингари муҳим кашфиёт бор. Шоир «шабу рўз аҳли» деганда, бир карашда, ҳаёт тарзи кечаси ёхуд кундузи кечадиган жонли ва жонсиз махлуқотни кўзда тутаётгандек. Бироқ, чуқур ўйлаб қарасангиз, «шаб аҳли» билан «рўз аҳли», «бир-бирига» бирдек мансубдирлар. Негаки, буларнинг ҳар иккаласи, шу жумладан, инсон зоти ҳам, айти бир пайтда кеча ва кундуздан бирдек баҳраманддир. Бир-бирларига бирдек муҳтождир. Яратганнинг олдида эса «Ўн саккиз минг олам» ҳам «рўз» ва «шаб», (яъни кеча ва кундуз) аҳлидир, чунки уларнинг ҳаммаси бир-бирларини нур ва сояларидан файзланиб яшайдилар.

Шоир улкан хулосасига яқинлашади. Унинг фикрича мана шундай таломутларга, тугён-галаёнларга тўла чек-чегара билмайдиган мулки борлиқда инсон-ку инсон, ҳатто кўз илғамайдиған бир зарра ҳам илоҳий эътибордан ташқарида эмас.

*Муроди манзилига восил этгай ҳодийи лутфинг,
Киши гар сидқ бирла айласа саъи талаб пайдо.*

Демак, инсон мана шу ҳадсиз ва ададсиз илоҳий илтифотни маърифат кўзи билан кўриб, маърифат кўнгли воситасида ҳис қилади.

Илоҳий илтифот одамзодни тўғри йўлга бошлайдиган раҳнамо. Бироқ, дейлик, компасдан фойдаланиб, тўғри йўл топиш учун унинг илм ва амалини билиш керак бўлгани каби, мазкур байтдаги «Ҳодийи лутф», яъни тўғри йўл кўрсатувчи илтифотга мувофиқ йўл топиш учун ҳам қутлуғ бир шарт бордир, бу шарт шундан иборатки, бу йўлдан юрмоқни «сидқ билан талаб қилиш», яъни исташ керак. Шу истакка яраша изланишда бўлмоқ зарур. Бу йўлдан юрмоқни исташ ва изланиш учун огоҳлик, яъни илм талаб қилинади.

*Не тонг, огоҳ бўлса Огаҳий ишқинг суруридин,
Онго беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо.*

Огаҳий ўз лирик қаҳрамони билан муштарақликда ана шу маърифатдан умидвор. Чунки, “Огаҳий” таҳаллуси ҳам «от осмондан тушади» деганларидек, ана шу илоҳий илтифотнинг натижасидир. Модомики, шоир, яъни ўзининг тўғри сўзи билан мухлисларни ҳақ йўлга бошлаши керак бўлган инсоннинг умиди шундай улкан экан, бу умид шубҳасиз, ана шу раҳнамо мансуб бўлган халққа ҳам тўла тўқис тааллуқлидир.

АРЖУМАНД СЎЗ

Сўз Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодида мавзу сифатида ҳам баланд мавқега эга. Шоир Сўз мулкининг олий мартабали иждокори сифатида бу қуролдан ҳайратланарли маҳорат билан фойдаланибгина қолмасдан, ўз ўқувчиларини, сўздан оқилона баҳраманд бўлишга, бу беназир санъатни кўз қорачигидек ардоқлашга даъват қилиб келяпти.

Огаҳий ўзининг бу тарихий бурчини билвосита бадийй юксак асарлари орқали адо этибгина қолмасдан, бевосита сўз ҳақидаги ҳикматли фикрлари билан ҳам бажариб келмоқда.

Шоир ўз девони дебочасида таъкидлаганидек, «...кишидин то қиёматгача боқий қолатурғон ёдгор ва фарзанди саодаткор яхши сўздирким, анго замон ҳавосининг офоти зарари асло етушмас ва даврон инқилобининг ғубори асари ҳаргиз аҳволи бошига тушмас. Ва вужуди адам қисватидин муарро, ва бақоси фано тухматидин мубарродур. Алқисса, сўз мартабаси ниҳоятда баланд ва сўз аҳли ҳамиша азиз ва аржуманддир.»

Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг ҳам «Сўз ичра азиз ва аржуманд» эканлигини дил-дилдан ҳис қилиб яшади.

Шунинг учун ҳам шоир:

*Сўз ичра, Огаҳий, булбулдек айлаб хуш адолиглар,
Маконим чузгдек доим хароб ўлзонга йигларман,*

деб ҳасрат чекди. Шуниси эътиборлики, бу ва бу каби ҳасратлари унинг кўлини иждодан совутмади. Аксинча, унинг руҳида пинҳон бўлган курашчанлик иқтидорини юзага чиқариб, унга фавқулодда иждодий фаоллик бахш этди.

Огаҳий ҳазратлари ана шу сўз кадрини ўз халқи учун ниҳоятда азиз бўлган фарзанд ҳамда иморат билан қиёслаб, сўзни улардан-да юксакроқ ўринга қўйди. Чунки, шоир таъкидлаганидек, фарзанд ва иморат боқий эмаслар. Сўзнинг эса мангу қолиши эҳтимол:

**Киши сонсиз иморат қилса бунёд
Ва ёким ҳаддин афзун қўйса авлод,
Тутиб бўлмас бирисидин бақо кўз,
Қолур боқий жаҳон ичра, магар, сўз.**

Бу қиёслаш, албатта, мутлақ аҳамиятга эга эмас. Чунки сўз унинг ўзи билдирган мазмун билан барҳаёт эканлигини, шунга кўра, «фарзанд», «иморат» сўзлари ҳам ана шу фарзанд ва иморатнинг ўзлари барҳаёт бўлгунларича барҳаёт эканлик-ларини шоир талангларди. Шунинг учун бу мисралар ана шу «фарзанд», ана шу «сонсиз иморат»ларга ҳам умрибоқийлик тилаш эди.

Албатта, сўз ўзи изҳор қилаётган мазмундаги буюм ёки жонзоддан узоқ ҳаёт кечирishi мумкин. Бироқ, модомики, сўз тирик экан, сўз билан ифода қилинаётган буюм ёки жонзот ҳам руҳан барҳаётдир. Фикримизга аниқлик киритиш учун шундай қиёс жойиз: гарчи аждаҳолар яшаб ўтишган ва ҳаётга қайтмас-ликлари муқаррар бўлсада, токи аждаҳо сўзи бор экан, аждаҳо руҳи тирик, шунингдек, аждаҳо руҳи мавжуд экан, аждаҳо сўзи барҳаётдир...

Асарларига сочилиб кетган сўз ҳақдаги дурдона фикрлардан ташқари, бу мавзуда Огаҳий алоҳида манзумалар ҳам яратганки, бу асарлар бошдан оёқ сўзнинг инсонлараро муносабатлардаги ҳаётий аҳамияти таҳлилига бағишланган. Юқорида келтирилган сўз ҳақдаги фикр Муҳаммад Раҳимхон Феруз номидан изҳор қилинади. Дебочада шул зот тилидан баён қилинган бир маснавий ҳам бўлиб, у ҳам буткул сўз ва унга шоирнинг муносабати масалаларига тааллуқли. Мас-навийда ҳам юқорида келтирилган қатъадагидек, шоир сўзнинг мангулиги ҳақида мулоҳаза юргизади. Бу байтда шоир шеър ёзишнинг фазилатли машғулот эканлигини соҳиби салтанат тарафидан таъкид этади. Сўзнинг то қиёматгача эзгуликдан хотира бўлиб қолажагини уқтиради:

**Бўлибдур меҳр яхшилар шиори,
Жаҳонда то қиёмат ёдгори.**

Сўнги мисраларда ҳам Феруз Огаҳий билан муштарак фикрлайди:

**Кишига меҳрдек йўқ яхши фарзанд,
Ки доим боқий ул фарзанди дилбанд.**

Бу мисраларда бир қарашда оддий бўлиб кўринган сўзлар, синчиклаброқ фикрласангиз, фавкулудда теран мазмун очади. Шоир шеърни «яхши фарзанд» дейиш билан кифояланмайди, балки уни «фарзанди дилбанд», яъни юракка боғланган фарзанд, дея ардоқлайди. Дарҳақиқат, отанинг ақли, юраги ҳамиша фарзандда бўлганидек, шоирнинг ҳам диққат-эътибори ҳамиша шеър парваришида бўлмоғи зарур. У парвона бўлишдан бир лаҳзагина чалғиса, шеър «тарбияси бузилади». Феруз, аниқроғи, унинг маснавийдаги образи Отаҳийга:

*Сўзингдир ўзга сўзлардан зиёда,
Сенга фарзанд, бизга хоназода,*

деб шоирнинг зиммасидаги бурч алоҳида эканлигини англатади ҳамда унга, юкорида таъкидланганидек, оталарча меҳр кўрсатиш зарурлигини, шоир ўз сўзларини паришону дарбадар, отасиз ўғилдек эшикма-эшик сангитиб қўймаслиги лозимлигини уқтиради.

Отаҳий шоҳ Феруз тилидан ўзига сўз борасида насиҳатлар айтишда давом қилади. Шоирга шеърини етимдек йиғлатиб, қаровсиз қолдирмасликни таъкидлаш баробарида, шеърларини яхши – ёмон деб навларга ажратиб ўтирмасдан, бир жойга жамлаши зарурлигини алоҳида таъкидлайди, ўз шеърларига ўзини ота ўрнида тутишини уқтиради. Чунки ота ҳам ўз фарзандларини яхши-ёмонга ажратмай, бирдек холис меҳр билан тарбияламоғи керак. Шунинг учун ҳам унга фарзандларини бу тош, бу гавҳар, деб табақалаштириб ўтирмоқ ножонздир. Чунки, шоир таъкидлашича, фарзанд жигардан бунёд бўлади.

*Аларга қимагил бадмеҳрликлар,
Аён этгил кушода чехрликлар.
Раво кўрма аларга дарбадарлик,
Ятимосо ҳамиша навҳагарлик.
Бу янгли қўйма аҳволин паришон,
Юрутма ҳар тарафда зору гирён.
Алар ҳаққида меҳр ойинини туз,
Борисин йиғнабон, девонга киргуз.
Етургил ўз ерига ҳар бирини,
Шаба бирни дема, гавҳар бирини...*

Маснавийдан аён бўладики, шоҳ Феруз Огаҳийга дастлаб девон тузишни топширганида, у эътироз билдириб, шеърларим яхши эмас, деган кўринади. Феруз шоҳ шоир сифатида, ҳам диди ўткир бўлгани сабабли, Огаҳийнинг қудратини яхши билган, унинг ўз-ўзига талабчанлиги меъеридан ошиб кетяпти, деб ҳисоблаб, девон тузишни амр этган. Огаҳийнинг ҳукмдор амри, шоирнинг сўз ва сўз санъаткорига қўйган талабини маҳорат билан битта маснавийга жамлаганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Мухлис Ферузнинг шоир Огаҳий олдида қўйган талаби амалга ошмагач, ўзининг ҳукмдорлик мавкеидан фойдаланган Ферузнинг нақадар ҳаққоний иш қилганлигини тарих очик ойдин кўрсатиб турибди. Огаҳий Муҳаммад Раҳимхон амрига кўра ўз шеърларига «Таввиз - ул - ошиқин» деб девон тартиб берди ва бу девон шеърятимизнинг сўнмас ифтихорига айланди.

Огаҳий ҳамиша олий эътиборда эди. Бирок, шоирнинг шеърларидан шуниси муқаррарлашадики, ҳар қандай олий эътибор ҳам сўз одамани ранжу машаққатлардан, азобу укубатлардан иҳоталай олмайди. Ўз халқининг ҳатто бир нафар фарзанди бахтсиз бўлса ҳам, шоир ўзини бахтлиман деб айта олмайди. Энг сўнгги бахтсиз одам ўз бахтини топмагунча, шоир унинг ёнида туриб, унинг билан бирга бахт излашда давом этаверади. Модомики, сўз ҳаётнинг инъикоси экан, шоир учун, сўз аҳли учун сўз – бахт, сўз-кулфатдир. Модомики, токи сўзи эътибор топмаган бир нафар шоир бор экан, энг олий эътибордаги шоир ҳам:

*Сўз ичра, Огаҳий, булбулдек айлаб хушнаволиглар,
Мақоним чуздек доим хароб ўлгонга йиғларман,*

деб фарёд чекишда давом этаверади.

Аслида, ҳар бир салоҳиятли шоирнинг ҳаёти муттасил чекилган фарёддир. Чунки бахт-саодат нисбий тушунча бўлиб, бутун толе саналган жиҳатлар эртага кулфат ҳисобланиши, айни вақтда фазилат деб аталаётган аъмоллар келажакда иллатлар қаторидан жой олиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунга кўра инсоният азалу абад ана шу икки ўтнинг ўртасида ҳаёт кечиришга, яъни бахт деб аталадиган бахтсизликлар, бахтсизлик деб аталган бахтлар силсиласини бошдан кечириб яшамокка маҳкум. Барқарор инсоний кадрятларгина бундан мустаснодир. Демак, юқорида зикр қилганимиз «сўнгги бахтсиз одам қолиш» масаласи

ҳам ниҳоятда баҳсли муаммодир. Шунинг учун ҳам шоир ўзини сувдан ўтга, ўтдан сувга уриб яшайдиган фидокордир. Ўзининг бу фидойилигини у сўз воситасида амалга оширади.

Бинобарин, сўз ҳақида бевосита фикрлаётганда шоир ўзининг дахшатли қуролини чархлаб олаётган бўлади.

Огаҳий ҳазратларига ҳам қалам тилини Сўз ҳақида Сўз айтиб, бурролаш санъати хосдир. Шоир қаламига мансуб бевосита сўзнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига бағишланган ғазаллари шеър аслаҳахонасида ўзига хос бир салмоқли ўрин тутади. Шоирнинг бундай ғазалларида шеър умуминсоний фазилат-лардан, умуминсоний фазилатлар шеърдан айрича олиб қарал-майди, балки бири иккичисининг меваси сифатида талқин қилинади. Шоир уқтиришича, сўз ақл қуроли. Шунинг учун ҳам уни табиатига хилоф тарзда, яъни нодонлик йўлида қўллаган одам ёки сўзнинг хурматини ўрнига қўя олмаган одам одам саналмайди:

*Эй кўнгли, одам хаёл айлаб дема нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.*

Бу мисралардан яна шундай хулоса келиб чиқадики, инсонга сўз айтиш учун ана шу Сўзни топа билиш ҳам керак. Айта билиш ҳам керак. Тинглай билиш ҳам керак. Ана шундагина Сўз ўзининг илохий вазифасини адо этади, яъни кишини ҳайвон-ликдан халос этиб, инсонлақ сари юксалтиради. Сўз сўз учун айтилмайди, сўз ўзи изҳор қилмоқда бўлган барча мазмунларни инсоний фазилатларга, ҳаётий амалларга айлантира билиш салоҳиятини ҳар бир одамда тарбиялайдиган фазилатбахш неъматга айланади. Акс ҳолда Сўз хор бўлади:

*Сўздир инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо,
Они хор этма дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.*

Маълумки, дуру жувоҳир неча миллион йиллар давомида садафда дуру жувоҳир шаклига кириб, ақллари ҳайратга солади. Ҳайвон учун унинг маъноси йўқ. Ҳайвоннинг қора қайғуси фақат қорин, фақат ем хашак. Ҳайвон фақат олдига қўйилган ем-хашакни, кунжорау сомонни «тушунади».

Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдурур,

дейди шоир бу ҳақда фикрлашда давом қилаётиб. «Мафҳум айламак» бу - тушунтирмак, дегани. Огаҳий «нофаҳм» одамга

сўзни англата олмаслик азобини кескин мезонлар билан ўлчайди: «Ким бўлиб сўз аҳли бағри қон, ботгай қонга сўз». Шоир фикрича, нофаҳм одам, одатда, сангидил, жоҳил ҳам бўлади. Бундай одамга, бордию, сўзни тушунтиргангизда ҳам, мазкур сўз таъсир қилмайди, чунки у тошбағир. Шу ўринда бир ҳикмат ойдинлашади: сўзни тушуниш бошқаю, ундан таъсирланиш, унга амал қилиш бошқа. Тошбағир одамга сўз уқтиришни шоир темирчининг сандонга болга уриши билан қиёслайди:

*Сангидил, жоҳилга, тонг йўқ, сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.*

Ота боболаримиздан қолган ҳикматлардан маълумки, яхши сўз ҳам эҳсондир. Сўз воситасида билим тарқатмоқ эҳсонларнинг улуғдир.

Мавриди келганда, мутлақо ўринли аччиқ сўзингни айтмасдан, тилингни тийиб туриш ҳам эҳсондир, садақадир. Сўз билан мана шундай тарзда муомала қила оладиган, сўзга мана шундай талаблар даражасидан келиб чиқиб, муносабатда бўладиган одамлар билан мулоқотда бўлиш маънавий нуқтан назардан манфаатлидир:

*Ҳар хасосатшевага сўзингни зоеъ қилмазил,
Сўз демак гар истасанг, де соҳиби эҳсонга сўз.*

Шундан сўнг Огаҳий бутун жаҳон адабиётига сархат бўлишга арзийдиган мисрани ўртага ташлайди:

Билмаган ўз қадрини, не билгуси сўз қадрини...

Демак, Сўзнинг миссияси инсонга ўз инсонлик шаънини англатиш, ҳаётда инсонни инсон сифатида барқарор қиладиган фазилатларни унинг руҳиятида мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ушбу ғазалда Огаҳий ҳасадгўйларга ўзининг қажатқич лаънатини ўқийди. Уларни шайтон билан тенглаштиради. Демак, Огаҳий назарида, ҳасадгўйдан қабих, ҳасадгўйдан муртад йўқ. Ғазал мутолааси шарофатидан сиз бунга қаттиқ ишонасиз:

*Сўз қабул уммиди бирла демагил ҳосидгаким,
Одами маъқул қила олгай қачон шайтонга сўз.*

Демак, сўз айтгандан, сўз тинглашдан мақсад шоир юқоридаги мисраларда кўрсатиб бериб кетган иллатларнинг зидди бўлган

фазилатларга эга комил инсон бўлиб ҳаёт кечирмоқ ҳар бир кишининг вазифаси эканлигини англашмоқдир.

Огаҳий ҳазратлари сўзнинг инсон ҳаётидаги улкан аҳамиятини бошқа ғазалларида ҳам таъкидлаб, ўз ўқувчиларининг маънавий тарбиясини такомиллаштиришда давом этади. Шоирнинг «Гавҳар сўз» ғазали ҳам мана шу ёвуз сўз, ундан ҳам бадтари, ёвуз амалга айланмай туриб, янчиб ташлашни истайди. Шоирнинг сўз мавзусидаги шеърларида бахилликка қарши лаънатнавислигининг сабаби ҳам ана шунда.

Шуниси эътиборлики, сўз мавзусидаги шеърларнинг аксар мисраларида «Сўз» «шоир» сўзининг эквиваленти сифатида келади.

Масалан:

*Қилиб сўзни васила истама олам аро иззат,
Ки, даҳр аҳли қошида келди маъйубу муҳаққар сўз.*

Дарҳақиқат, сўзни рўкач қилиб, иззаталаблик этиш, шоир билан дўстликдан ифтихор қилиш каби хавфли. Чунки, Ҳақ Сўз бировга ёкса, «даҳр аҳлига», яъни кўпчиликка манзур эмас. У ўзининг ҳақиқатгўйлиги оқибатида «муҳаққар бўлиши», яъни ҳақоратга қолиши мумкин. Шунинг учун сўзни ҳар дуч келганга увол қилмаслик керак. Акс ҳолда, шоир таъбири билан айтганда, «рафиъул қадр», (яъни-қадри юксак) сўз ҳар гов, ҳар харнинг қулоғида зоеъ бўлиши мукаррар».

*Сўзингга аҳли дунё олида қадр истама ҳаргиз,
Рафиъул қадр эконини не билсун гов ила хар сўз.*

Мулоҳазалар асносида шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, яхшиям Огаҳийнинг бахтига Муҳаммад Раҳимхон Феруз сингари ўз даврининг ҳам шоҳ, ҳам уламолари бор эдиларки, Огаҳий ва унинг маслақдошлари ўз қадрини топиб яшадилар. Ҳатто шунингдек ҳомийлари бўлса ҳам, жаҳолатпешаларнинг жабрини тортишга тўғри келганидан, шоир:

*Шодкоми мақсад ўлмоқ, Огаҳий, қилма ҳавас,
То чиқормай ўзни бу кулфатфизо замхонадин,*

деб нолалар қилди. Огаҳий ҳазратлари навбатдаги бир ғазалида сўз мўъжизасини ана шу сўзни изҳор қилгувчи тил воситасида бадиний таҳлил қилди.

*Базм аро мавзун такаллумга чу очти ёр тил,
Хуққаи ёқутдан сочти дури шаҳвор тил,*

деб хос сўз хос вақтда хос жойда хос одам томонидан айтилса, нақадар аржуманд бўлишини таъкидлади. Навбатдаги байтда шоир ана шундай аржуманд сўзнинг сифатини илҳом билан тавсиф қилди:

*Юз ўликни тиргузиб, тўтидек айлар хушбаён,
Ул Масих очса қачон сўзга шакарғуфтор тил.*

Шундан сўнг Огаҳий маҳбубасини улуғлаб, унинг хуснени шоир томонидан таъриф қилиниши тиканнинг гулни тараннум қилишига ўхшашлигини таъкидлайди. Тилнинг маҳрами роз бўла олмаслигини тушунтириб, унинг сирларни фош қилувчилик иллатини, одамни чорасиз аҳволга солиб кўйишини уқтириб, бундай тилни кесиб ташламоқ умидида эканлигини айтади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳақиқатгўй тил билан Ҳаққа манзур бўлишини, бироқ «оломон» маъносидаги «халққа» маъқул бўла олмаслигини яхши англар эди. Шунинг учун беҳудасўз, ёлғончи тил дастидан одам кўпчилик томонидан рад бўлишини, бундай тил гапиргувчидан халқни безор қилишини қайта-қайта эслатиб турди. Иззат-эътибор истайдиган кишига «Ё керак бисёр зар, йўқ эрса, пургуфтор тил» деб, замон аҳлига маъқул бўлишинг учун ё ҳаддан ташқари бойлик, ё ҳаддан ташқари хушомадгўйлик билан кўп гапирадиган тил зарур эканлигини ўз ғазалхонларига англашиб ҳаёт кечирди. Мана шундай иккиюзламачи замонда келажак учун ижод этмоққа ўз тили иложсиз бўлса, қаламининг тили мавжуд эканлигига мамнун бўлиб, тасалли топди:

*Бўлма маҳзун, Огаҳий, гар тил санга ҳамвор эмас,
Сенда гар худ бўлмаса, қилкинда бор ҳамвор тил.*

Сўз, асосан, ушбу замон учун айтилади.

Сўз Ушбу замон ва келажак учун ёзилади. Демокчимизки, Огаҳий замон аҳлининг сўзукмаслари дастидан келажакка, жумладан, бизга ҳам шикоят қилади. Бинобарин, буюк шоиримизнинг замондош жоҳиллари устидан бизга қилаётган шикояти унинг бизга боғлаган умиди, бизнинг зиммамизга юклаб кетган масъулияти, бизга қолдирган васияти ҳамдир.

Биз Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг умидини оқлаб, зиммамизга юклаган масъулиятини дилдан ҳис этиб ҳамда васиятларига амал қилиб яшасак, СЎЗ қадрини, демакки, ЎЗ қадримизни ҳам биладиган доно ва мағрур авлодлар бўлиб камол топажакмиз.



1. ҲАМ НАСИҲАТ, ҲАМ ВАСИЯТ

(Жуфтбитик)

*Киши сонсиз иморат қилса бунёд
Ва ёким ҳаддин афзун қўйса авлод,
Тутиб бўлмас бирисидан бақо қўз,
Қолур боқий жаҳон ичра, магар, сўз.*

Муҳаммад Ризо Огаҳий.

Ҳар йилнинг йигирманчи октябри Хива кунини сифатида нишонланади. Хива кунини, аслида, Хива мангулигининг бир қатрасидир. Сабаб шуки, Хива ўзининг мумтоз фарзандлари азал ва, иншооллох, абад мобайнида кўрсатган ва кўрсатадиган фаолиятларининг самараси билан умрибоқий-дир.

Демак, табиийки, биз Хива кунини тўхталадиган бўлсак, мақоламизда бу кутлуғ шаҳар мавзусининг мингдан бир қирраси ҳақидагина фикр юритмоғимиз мумкин. Чунки бир мақола ҳажмида Хиванинг ҳамма кунларини қамраб олиб бўлмайди. Бунинг учун алоҳида бир қомусий китоб керак.

Биз ҳозир ана шу мангу умрининг бир кунини ташкил қиладиган ажойиб бир синоат-Огаҳий ҳазратларининг «Ашъори форсий»¹ деб номланган мажмуасидаги таърихлар тўғрисида хикоя қилмоқчимиз. «Таърих» дегани бу-маҳсус адабий жанр бўлиб, унда муаллиф бирон-бир санага бағишлаб шеър ёзади ҳамда мазкур шеърнинг пировардида кўзда тутилаётган сана абжад ҳисобида келиб чиқадиган сўз ёки ибора келтиради.

Таърихларни ёзишдан муаллифнинг бош мақсади фақатгина у ёки бу санани саҳифаларга дарж қилиб қолдириш эмас балки

¹Муҳаммад Ризо Огаҳий, «Ой кетди, офтоб келди». «Хоразм Маъмур академияси» нашриёти, 2002 йил.

шунинг воситасида «таърих» бағишланаётган воқеа ёки ҳодиса (Бирор шахснинг тахтга чиқиши, муҳташам иморатларнинг бино қилиниши, муайян шахснинг вафоти ва ҳ.к. ва ш.к.) тафсилотларидан келажак авлодни, ўз замондошларини воқиф қилишдир. Шуни бир лаҳза эътибордан соқит қилмаслик керакки, Огаҳий ўз даврининг тили билан сўзлайди. Огаҳий ушбу таърихларини ижод этаётганида Хоразм бозорларида ҳали қуллар сотилаётган бир мамлакат эди. Биз буни муаллифлик одоби нуқтаи назаридан айтаётимиз. Бугунги кун ўқувчисига, хусусан, цензура таъқиқланган мамлакатда ҳаёт кечираётган китобхонга Огаҳийнинг таърихларидаги дабдабали оҳанглар бирмунча эриш туюлмоғи мумкин. Бироқ бу муаллифнинг журъатсизлигидан эмас (эсланг: «Эй шах, қарам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини, Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина»), балки анъана кудратидандир.

Анъана шундай бўлганки, таърихларда муаммолар ҳақида фикр юргизилмаган, аксинча фазилатлар тараннум қилинган. Бироқ «сатр орасида»ги фикрни ўқишга одатланган Огаҳий замондошлари мазкур таърихлардаги нозик қочиримларни, муаллиф замондошларга етказишни кўзда тутган ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўй-хаёлларни ва улардан келиб чиқадиган хулосаларни, албатта, яхши англаганлар.

Улар учун шоирнинг нафақат айтаётган гаплари, айни пайтда, сукут остига яшириб ўтаётган фикрлари ҳам жуда бийрон ва баралла янграб турган. Дейлик, шоир Оллоқулихоннинг вафоти ва Раҳимқулихоннинг тахтга чиқиш таърихида вориснинг салаф ўрнига тахтга чиқишидаги табиийлик сабабли, биринчи қаҳрамоннинг вафотидан чеккан ғамю иккинчи қаҳрамоннинг тахтга ўтиришидан шодлигини самимий мисраларда астойидил ифода қилган бўлса, Абдуллахон тахтга ўтириб, бор йўғи бир йил ҳукмдорлик қилганидан кейин, унинг ўрнига келган «Сайид Муҳаммадхоннинг тахтга чиқиш таърихи»да «Подшоҳлик тахтига ўлтирганининг қутловин Инсу жон гоҳида зоҳир, гоҳида пинҳон дегай» деб, андиша билан қалам суради. Бу ҳам Огаҳий ҳазратларининг мамлакатда кечаётган бемеёр суръатлардаги тахт алмашинувларига ўзига хос бир

муносабати бўлиб, бундай мисраларни шоир меросидан кўплаб келтириш мумкин.

Огаҳий таърихларининг муҳим жиҳатларидан яна бири, уларнинг тарбиявий аҳамиятидир. Таъкидлаш жоизки, таърихларнинг мазкур хислати ҳамма мисраларда ҳам яққол кўзга ташланмайди. Шоир ўз таърихларида: «Эй шах, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини, Ким меҳр нури тенг тушар вайғону обод устина» кабилида очик насихатгўйлик қилмайди. У ўз насихатларини ҳеч қандай бир насихатсиз, ўзи қаламга олаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб, таърих қаҳрамони бўлмиш шахсларнинг хайрли ишларини гўзал мисраларда таърифлаш орқали ҳар бир ўқувчининг руҳиятига изчиллик билан, шу даражада теран сингдирадими, шоирнинг таърихлар ёзишдан бош мақсади воқеалар сана-сини бадий бўёқларда акс эттиришигина эмас, биринчи навбатда, замон аҳлини, хусусан, «жоҳ аҳли»ни, салтанатдаги барча давлатманд одамларни халқ ва давлат фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларга сафарбар қилиш учун ўзига хос дидактик адабиёт яратиш эмасми экан, деб ўйланиб қоласан.

Шоир таърихнавислигидаги бу хусусият бу жанрдаги биринчи асар-«Оллоқулихон вафоти ва Раҳимқулихоннинг тахтга чиқиш таърихи»нинг дастлабки мисралариданоқ кўзга ташланади. Байт: «Оллоқулихон, ки, хони одил, Ул шоҳи фалакжаноб келди». Бир қарашда, Оллоқулихон шарафига битилган куруқ мадҳиянинг ибтидосидек бўлиб туюлган бу мисралардан кутлуғ бир шарт, муборак бир талаб англашилади: «шоҳи фалакжаноб» бўлишнинг ягона имкони одил бўлишдир. Бинобарин, адолатли бўлмаган ҳукмдорни, бунинг акси, яъни ер билан яқсон бўлишдек аччиқ қисмат кутади. Огаҳий ҳазратларининг уқтиришича, адолат ҳукмдорни фақат «шоҳи фалакжаноб» қилишдек мавҳум бир юксакликка кўтариб қолмасдан, унга муайян музаффариятларни армуғон қилади, яъни уни халқ ардоқлайди, фуқаропарварлик мартабасига ноил этади, «йўлида анинг етти иқлим подшоҳларини туроб» қилиб, ҳукмдорга халқаро майдонда ҳам иззат – обрў, шон – шухрат келтиради, душманларни изтиробга солиб, зир титратади.

«Таърих»дан яна шу жиҳат аён бўладики, бундай ҳукмдордан махрум бўлиш бениҳоя изтироблидир.

Огаҳий ҳазратлари «Оллоқулихон вафоти ва Раҳимқулихоннинг тахтга чиқиши таърихи» ҳақидаги асарида ўша давр ҳукмдорлик тизимидаги сулолавийлик жиҳатидан фойдаланиб, асарда вафоти акс эттириляётган (Байт: «Етгач ажали, ўлим тўшақда Кўзига, чу, сўнгги хоб келди») Оллоқулихонни Раҳимқулихонга ибрат қилиб кўрсатиш воситасида, уни ҳам «аста бир инқилоб келишидан», яъни инсон умрининг, хусусан, салтанат эгаси сиёсат суришининг муваққат ҳамда мураккаблигидан огоҳ этади.

Ворисга ўз салтанатининг иззат-обрўси, шон-шавкати шунча-ки бир мерос бўлиб қолмаганлигини, балки тинимсиз бир адолатли фаолият эвазига эришилганлигини, юксал-тиришга муносиб эканлигини маҳорат билан уқтиради.

Огаҳий ҳазратларининг ўз отаси ўрнига тахтга ўтираётган Раҳимқулихонга яна бир муҳим насихати қуйидаги мисраларда намоён бўлган, байт: «Тождур-ки кулоҳ, кадашга унга Лойикки дури хушоб келди». Тожни кулоҳ деб билиш, ҳамиша ҳақ субҳанаху ва таоло хизматида дарвишлар янглиғ хизматда бўлиш, Ҳақ манфаати учун халққа, халқ розилиги учун Ҳаққа бутун ҳаётини бахш этишнинг нақадар хайрли эканлигини таъкидлаш билан, шоир давлат соҳибларининг бурчларини уларга изчиллик билан эслатиб туради.

Муаллиф Абдуллахоннинг тахтга чиқиш тарихини шундай тасвирлайди. Шеър: «Хисрави динпаноҳ Абдулла, Лашкар юлдузлари осмонга ҳашам, Покдил, покзоду, покнасаб, Сарвару сарфароз одил ҳам». Мана шу мисраларда Огаҳий мамлакат тахтига ўтираётган шахснинг фазилатларидан қувонади ва бошқаларни тарбиялаш учун мазкур хислатларни санаб ўтади. Бироқ мазкур таърихни ўқиганимиз сайин, Огаҳий ҳазратларининг ҳукмдор учун юқорида айтилган фазилатлари етарли эмас деб ҳисоблаганлигининг гувоҳи бўла борамиз. Шеър: «Зоҳирда шаҳаншоҳ, ботинда бўлса Фақийру, мақбули холиқи олам. Шариат дўсти ва бидъат душмани, Саховат манбаи, соҳиби карам». Демак, ўша пайтларда (ва-ҳамиша ҳам) тахт эгасидан талаб қилинадиган фазилат бу – дини исломни никоб қилиб, даври даврон суриш эмас, балки

хамиша риёзатда, изланишда бўлиш. Бунинг учун, аввало, курук дабдабаларга зўр бермасдан, камтарин, «Зоҳирда шаҳаншоҳ, ботинда фақир» бўлиб, мутаассибликка, бидъатга қарши кураш олиб бориш учун «Шариат дўсти» бўлиш, бу дўстликни одилона ва оқилона сиёсат юргизишга хизмат қилдиришдир.

«Холиқ инояти билан у бутун Шоҳлик тахти узра кўймишдир қадам» деб таърих мисраларини битаётган Огаҳий Хиванинг ана шу бир кунига қатта умидлар боғлайди. Чунки у аниқ биладики, мамлакат ҳаёти кўп жиҳатдан ана шу ҳукмдорнинг инон-ихтиёрига боғлиқ. Чунки, шоҳ, таърихда айтилганидек, «Саховат манбаи, соҳиби қарам» бўлиши учун нафақат ўзи саховатли, раҳм-шафқат эгаси бўлиши, балки айна вақтда адолатли сиёсат юргизиш орқали фуқаронинг ҳам давлатманд бўлишига эришмоғи, шунингдек, уларни хайру саховат қилиш руҳида тарбияламоғи керак. Ана шундагина у фазилат эгаси бўлибгина қолмасдан, буюк мураббийлик даражасига эришади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда эзгу амалларнинг ривожланишига олиб келади.

Огаҳий ўзининг сиёсат аҳлига бўлган бу талабини ҳар бир асариди, хусусан, биз кузда тутаётган «таърих»ларида изчиллик билан илгари суради. Муаллиф ғоялари гоҳ мақтов, гоҳ фалсафий фикрлар, гоҳ нозик ишоралар сифатида иншо этилганки, буларни ўқиб биз Огаҳий ҳазратларининг бадиий эстетик жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий-сиёсий тарафлама ҳам яхшилиқнинг галабаси учун сўзни қурол қилиб, хормай-толмай кураш олиб борганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бу жиҳатдан «Сайид Муҳаммадхонинг тахтга чиқиш таърихи» ҳам муҳим аҳамиятга эга... Чархи фалак айланишдан тўхтамайди. Тахтларга шоҳлар келиб шоҳлар кетади. Фоний дунё ўзининг ёзилгану ёзилмаган қонунларига риоя қилишдан, тақдир ҳукмини ижро этишдан тинмайди. Огаҳий ҳазратлари эса, ўз навбатида, ҳам «Барбод ўлур хоки танинг охир жаҳонда неча йил, Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина» деб ҳукмдорларни ана шу тақдирнинг бешафқатлигидан огоҳ этади ҳамда ҳар бир янги тахт эгасига ҳамду санолар айтиб, уларни адлу инсофга, эзгуликка

ундашдан чарчамайди. Огаҳий талқинича, тахтга чиққан одам одил бўлса, унинг шарафига ҳамду санолар шунчаки бир дабдаба юзасидан ошкора ўқилиб қолмасдан, айна вақтда ҳар бир фуқаро унинг мақтовига дилдан, ичкин бир тарзда машғул бўладики, бу салтанатнинг мустаҳкамланувида яна ҳам муҳимроқ аҳамиятга эгадир. Шеър: «Подшоҳлик тахтига ўлтирганининг қутловин Инсу жон гоҳида зоҳир, гоҳида пинҳон дегай». Шоир фикрича, ана шундай ҳукмдор қуйидагича шарафга ноил бўла олади. Шеър: «Ўлтириб ул тахтга, эл мақсадга етди бирма-бир, Тун-кун эл ҳамдин анинг беҳадду бепоён дегай. Ҳам топиб осудалиғ эл лутфи адлидин анинг Ҳоқими тақдир ани чун сояи субҳон дегай».

Шоирнинг Муҳаммад Аминхон тахтга чиқиши билан боғлиқ таърихда ҳам бу оҳанг изчиллик билан давом этади. Шоир тахт ворисининг таърифини муҳташам мисралар билан бошлайди.

Байт: «Юрта файзбахш этган Муҳаммад Амин Ҳисравлар ичра бир соҳиби ҳашам». Огаҳий таърих қахрамонининг бу ва бундан бошқа мисралардаги мақтовларининг боисини ҳукмдорнинг қуйидаги фазилатларида деб билади. Байт: «Давлатнинг ҳомийси, диннинг паноҳи Дастидан даф бўлмиш бидъату ситам».

Соҳиби давлатнинг Огаҳий ҳазратлари қайд этаётган бу фазилати, айна пайтда, бошқа давлат арбоблари учун панд-насиҳат, кўрсатилган ибрат ҳамдир. Хусусан шоирнинг шохни «Давлатнинг ҳомийси» деб алқашада ўз сиёсатини масъулиятсизлик билан юргизаётган тахт эгаларига аччиқ киноя ҳам бор. Бу мисралардан шундай бир мантиқ барқ уриб туради: Шох бўла туриб ҳам, агар тўғри сиёсат олиб борилмаса, давлат ҳомийси бўла олмаслик мумкин. Бу эса, ўз навбатида, шохларга шохликнинг моҳиятини улкан бир жасорат билан уқтириш, уларга тож кийиб, тахтда ўтиришдан мақсад давлатнинг ҳақиқий эгаси бўлиш эканлигини лутф билан таъкидлашдир.

Ушбу таърихда шоир ҳукмдорнинг фақат сиёсат суришининггина заруратини эмас, айна вақтда, унинг мураббий бўлиши шартлигини, ўзининг ўрнини муносиб тарзда эгаллайдиган тахт ворисини тарбиялаб вояга

етказиш лозимлигини таъсирчан мисраларда ифода этади. Байт: «Тарбият топса гар онинг қошида камтарин бир кимса мисли бўлгай Жам». Шоир ушбу таърихга кирган бир мисрада мумтоз адабиётимизда нисбатан кам учрайдиган ватанпарварлик мавзусида фикрлайди. Огаҳий хазратларининг. уқтиришича, ватанпарварлик фази ати, хусусан, ҳукмдорлар томонидан рўй берса, нур устига нур. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Ризо Огаҳий Муҳаммад Аминхон хусусида мушоҳада юргизаётиб, бу ҳукмдорнинг раиятпарвар, ватанпарвар-лик фазилат-ларини алоҳида бир самимият билан тараннум этади. Байт: «Анинг муборак бир замонасида Юртга бахт устига бахт кўяр кадам». Байт: «Анинг қудумидан Хоразмзамин Бўлди афсонавий бир боғи Эрам».

Подшоҳ қанчалик ҳаловатсевар бўлса. фуқаро шунчалик беором, аксинча, подшоҳ қанчалик беором бўлса, раият шу қадар осойишта бўлади. Шунинг учун ҳам-байт: «Айш-ишрати афзун бўлди улуснинг, Янгиланди бутун маҳфили олам».

Огаҳий таърихлари қайси мавзуга бағишланмасин, унинг бош қаҳрамони ҳамиша Инсон, Вақт, шунингдек, мазкур асардан келиб чиқадиган хулоса эса-одамий-ликдир.

Шоир, масалан, қози Мусо Эшон вафоти таърихида ёзади. Байт: «Тонг каби оқ эрди чу, кўнгли анинг, Илм эса осмон эди, ул-офтоб». Мана, шоир фикрича, замон қозиси қандай бўлиши керак: ҳам Олим, ҳам Инсон. Агар шу икки фазилатдан биттасидан маҳрум бўлса ҳам, бундай қозининг одамийлик меъёрларидан келиб чиқиб, адолат билан қозилик қилиши душвор. Қози-ки, одил бўлмаса, у ҳукм юргизаётган замонанинг ҳолига вой деяверинг.

Шунинг учун ҳам, Огаҳийнинг гувоҳлик беришича, бундай қозининг «Мотамидан, дариг, бу жаннат бўлди кўзёш, оҳу воҳ билан хароб».

Мана шу мисраларнинг ўзиёқ «Қози Мусо Эшон вафоти таърихи» бўлибгина қолмай, айна вақтнинг ўзида шоирга замондош бўлган қозиларга ҳам танбех, ҳам насихат, ҳам васият эмасми? Шунинг билан шоир Қози Мусо Эшон жавоб бера олган талабларни замона қозилари, нафақат қозилари, балки ҳар бир ҳукм юргизгувчи учун мезон қилиб қўяди, эгалланиши шарт бўлган маънавий-амалий мартаба сифатида белгилайди.

Огаҳийнинг қозилар вафотига бағишлаб ёзган таърихларининг яна бир ҳикмати шундаки, одил қози бўлиб, Огаҳийдек шоири замон таърих ёзадиган даражага эришиш ниҳоятда душвор. Чунки, тарихдан маълумки, Ҳазрати Имоми Аъзамнинг ўзлари ҳам адолат мезонининг соҳиби бўлиш, шариат талабларига оғишмай амал қилишнинг масъулияти ҳар иккала дунёда ҳам нақадар оғир бўлганлигини билганликлари учун, қозилик мартабасини ҳарчанд таклиф қилганларида ҳам рози бўлмаганлар.

Шу сабаб, ана шундай қатъий талабларга имкон қадар тўлиқ жавоб бериб яшаган солиҳ қозиларнинг рутбаси Огаҳий таърихларида баланд тутилади. Шоир, масалан, «Қози Иброҳим Эшон вафоти таърихида» ёзади. Байт: «Фозили даҳр қози Иброҳим бўлди Жаннатга-ки восил мангу». Қозининг бу дунё манфаатларидан воз кечиб, жаннатга восил бўла оладиган даражада фозил инсон бўлганлигига шоир қўшимча равишда яна шундай изох беради, байт: «Бу жаҳон ҳосиликим барбоддир, ўтдию топди у ҳосил мангу».

Ҳазрат Огаҳий таърихларини хоҳ бирон-бир вориснинг тахтга чиқиши тўғрисида битадими, ҳақ у ёки бу қозининг фаолиятига бағишлайдими, уларнинг олдига бевосита ёки билвосита ягона бир талабни қўяди: адолат! Шоир мамлакат бахтини ана шу адолат мезонларига риоя қилишда, давлат кулфатини, аксинча, ана шу адолатни поймол қилишда кўради.

Тарихдан кузатилган-ки, тахтга чиқадиган вориснинг тахтга лойиқ ёки нолойиқлигини мамлакат жамоатчилиги, хусусан, Огаҳий ҳазратлари мансуб бўлган уламолар синчковлик билан кузатиб турганлар.

Суллавийликнинг қоидалари тақозоларига кўра, тахтга ҳамиша ҳам ҳар жиҳатдан лойиқ ворис ўтиравермаган. Шунинг учун ҳам, фазилатли тахт вориси келганда фуқаролар, биринчи навбатда, табиийки, ана шу тахт эгасининг бевосита раҳбарлиги остида ишлайдиган аъёнлар, жумладан, салтанат манфаатини ўз манфаатидан бўлакча тасаввур қила олмайдиган Огаҳий ҳазратларидек қалам аҳллари, уламою удаболар астойдил қувонганлар. Масалан, шоир маърифатпарвар, адабиёт ахлига мансуб бўлмиш истеъдодли инсон Муҳаммад Раҳимхоннинг тахтга чиқиши муносабати билан ёзади. Шеър:

*«Тахтга чиққанидан соҳиб салтанат
Хуррам бўлди барча сағийру кабир.
Анинг илтифотин қозонди шунда
Аҳли аъён барча вакилу вазийр.
Андуху ғамлардан ўкинч, армондан
Фориғ бўлди ҳама ганию фақийр».*

Хўш, салтанат суришнинг, арз сўрашнинг, ҳукм чиқаришнинг ягона йўли адолат экан, бу мартабага эришмакнинг йўсини қандай? Огаҳий ҳазратлари таърихларидан бу ягона мартабага эришувнинг ягона имкони маърифат эканлиги аён бўлади.

Биз одатда, маърифатли одам деб ўқимишли, илмли кишиларнигина тушунамиз. Аслида, маърифатли одам буҳакни таниган, ўз илмига амал қиладиган етук сиймодир. Огаҳий Ҳазратлари ўқув ҳамда бошқа маънавий-маърифий биноларининг қурилишларига бағишланган таърихларида ана шу хусусда фикр юритади. Шоир мулоҳазаларини кузатиш эса бизга Огаҳий яшаган даврда бу мавзуга тегишли муаммою масалаларнинг ҳал этилишига муносабатнинг асрлар оша шоҳиди бўлиш имконини беради.

Шуниси диққатга сазоворки, Огаҳий ҳазратлари мадрасалар қурилиши ҳақида алоҳида бир жўшқин илҳом билан, яйраб ёзади. Шоирнинг Муҳаммад Аминхон мадрасасига бағишлаб тўртта, мазкур мадраса минораси

қурилишига бағишлаб иккита таърих биттанлиги фикрларимизнинг далилидир.

Мазкур таърихларда ҳам муаллиф ўзининг тарбияловчилик вазифасини бир лаҳза бўлсин унутмайди. Ўқувчига адолатли шох, маърифатпарвар ҳукмдор қандай бўлиши лозимлигини мисрама-мисра уқтириб чарчамайди. Шеър-хонни маърифат ихлосманди ҳамда соҳиби қилиб тарбия-лашда изчиллик билан давом этади.

Муаллиф маърифий иншоотлар қурилишига эътибор берган Муҳаммад Аминхонни «Лутфи карам уммонинг тиник дурри, Улдир оламофтоб, мунири саҳо» деб ардоқлайди. Шоирнинг фикрича, мадраса қурилиши бир, беш ё юз нафар толиби илмни эмас, балки бутун халқни, миллатни тарбиялайди, ватанни камол топтиради. Муаллиф таърихда мадрасанинг сифатли қурилганлигига алоҳида эътибор қаратади, «Жаннатни ҳам орзу қилмасдан кўяр, Кимки бир ҳужрасин айласа маъво» деб бинони мадҳ этади. Илм олишнинг нақадар босавоб эканлигини уқтиради «Хужралари қасри хулдибариндур» дейди. Шубҳасизки, бундай муҳташам бинода таҳсил кўрган толиби илмларнинг довуғи юксак бўлишини истайди.

Огаҳий мадраса қурилишларига бағишланган таърихларнинг ҳар бирида мавзуга алоҳида бир жиҳатдан ёндошади. Уларнинг сифатини, муҳташамлигини васф қилиш орқали у ёки бу мадрасани бино қилаётган шахснинг, мазкур бинода таҳсил олиши керак бўлган сиймоларнинг билими ҳам ушбу бинодек мустаҳкам бўлишини умид этади. Шоир таърих бағишланаётган шахс ишининг хайрли эканлигини «Ҳашамдор бу биноки оламо Бўлибдир бир иморат – жаннаторо» деб мадҳ этар экан, айти пайтда ушбу мадрасада билим олишга шайланган ёшларни ҳам, чекаётган риёзатлари шарофатидан, бу дунёдаёқ жаннатга муносиб санайди.

Муаллиф ҳар бинонинг бунёд бўлишига таърих ижод этар экан, мазкур мисраларнинг битилишидан мақсад замондошларни замондошларга ибрат қилиб кўрсатиш эканлигини ўқувчи дастлабки мутолааданоқ илғаб олиши таърихларининг кўплаган хислатларидан биридир.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, «Мусо Тўра мадрасасининг таърихи» ҳам диққатга сазовордир. Таърих битилган бошқа бинолар номи шу биноларга қўйилган одамлар томонидан бевосита иморат қилинган бўлса, Мусо Тўра мадрасаси, мазкур инсоннинг вафотидан сўнг, онаси томонидан марҳум фарзанд хотирасига бунёд этилган. Демак, Огаҳий Ҳаҷаган замонда ҳам вафот этган марҳумлар фақат йиғлаб-сиқталиш орқали эсланмасдан, яқинлар томонидан улар хотирасига бинолар қуриш орқали ҳам ёд этиб турилганки, бу ҳол ўз навбатида, ҳатто мотамни, андуҳ-ҳасратни ҳам эл-юрт тараққиётига хизмат қилдириш борасида Огаҳий бобомизнинг ўз замондошларига насиҳати, биз – авлодларга эса васиятидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, гарчи таърихлар битишдан мақсад, сўз ёки ибораларни абжад ҳисобига солиб, тегишли воқеа санасини тарих саҳифаларида дарж қилиб қолдириш бўлса-да, Огаҳий ҳазратлари мазкур воқеаларга бериладиган таърифлар орқали ўз замондошларини адолат, маърифат, мамлакат истиқболи учун муттасил савб-ҳаракатда бўлиш руҳида тарбиялашни саналарни келтириб чиқаришдан аҳамияти кам иш деб билмайди. Таърихларни ўқувчини тарбиялашдаги афзал томони – муайян ибратлар орқали эзгуликни тарғиб қилиш Огаҳий асарлари воситасида халқимиз ҳаёти, маънавияти тарихидаги марсиялар ҳам бўлиб, буларда марҳумларнинг фазилатларини тараннум этиш орқали шоир бошқаларни улардан ибрат олишга ундайди.

Бизнинг қўлимизга келиб етган Огаҳий таърихларининг адади йигирма саккизтадан иборат. Таъкидлаш лозимки, бу таърихларнинг яна бир Бош қаҳрамони ҳазрати Вақтдир.

Йигирма саккиз таърих...

Хива таърихининг йигирма саккиз кун...

Бу кунлар бахтли кунлардир. Бу кунларнинг бахти фақатгина ана шу кунларда солномаларга битилса арзигудек воқеалар рўй Бергангдагина эмас, айни пайтда бу воқеаларнинг Огаҳийдек буюк мутафаккир томонидан тарих саҳифаларига таърихлар тарзида муҳрланиб қолдирилганлигидадир. Аслида-ку Хивадек қутлуг шаҳар ҳаётида

ҳаётида рўй берадиган воқеаларни муносиб тарзда мангулик саҳифаларига битиб қолдирмоқ учун ҳар бир кунга бир Огаҳий керак. Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов «Тарихинг битмакка, халқим, мингта Фирдавсий керак, Чунки бир бор чеккан оҳинг мингта дoston ўзбегим» деб ёзганида, фақат Фирдавсийни эмас, балки Огаҳийдек тарихнавис боболаримизни ҳам кўзда тутган бўлса ажаб эмас.

Токи қуёш чиқиб қуёш ботар экан, Хива кунлари ўз Огаҳийларини, ўз Фирдавсийларини кутганча, давом этаверади. Ва бу кунларнинг ҳар бири ана шундай мутафаккирлар шарофатидан абадиятнинг фарзанди бўлиб қолади.



2. ИЛДИЗИНИ СОҒИНГАН ГУЛ

*Шу дамни тут заниматким, келар дамдан асар йўқтур,
Не дамким ўтди, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.*

Алишер Навоий.

«Бошини эгди ҳаё ё илдизин соғинди гул» деб ёзган эди Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари. Дарҳақиқат, илдиз-тарихимизни билмасликдан биз ҳаё қилишимиз, уялишимиз керак. Бироқ айна пайтда, шунини эътибордан соқит қилмаслик керакки, бугунги кун ҳам – тарих. Биз мана шу тарихни, яъни бугун замон тупроғига ташлаётган илдизларимизни тарих саҳифаларига нақадар мустаҳкам ва ҳаққоний дарж қилиб қолдирсак, бугунимиз, келажаги-миз учун шу даражада манфаатли бўлади.

Бу манфаатдорликнинг миқёси кенг, юксак ва терандир.

Дарахт илдизлари билан ҳаёт. Дарахт ўзининг ўқ илдизларидан озикланади, ўқ илдизлар эса, ўз навбатида, майда илдизлардан оби-ҳаёт ва зарур озуқалар билан таъминланиб, ҳаёт кечирадилар.

Бир қарашда жуда оддий фалсафа: Майда ва ўқ илдизларнинг ҳеч қайси бири ўзи учун ҳаёт кечирмайди – майда илдизлар ўқ илдизларга, ўқ илдизлар дарахт танасига, тана шохларга, шохалар новдаларга, новдалар япроқ ва меваларга ҳаёт бахш этади.

Қадимий шаҳарлар ҳам шундай, яъни қадимий шаҳарлар ҳам халқимизнинг, ватанимизнинг ўқ илдизларидир.

Хива ана шу ўқ илдизларнинг бири. У азал ва абадга дахлдор умри билан ўтмишнинг қаър-қаърларига шу қадар теран илдиз отган, бугун ва келажакнинг осмонларига қараб шу қадар юксалганки, беихтиёр хивалик эканингдан, Ўзбекистон деб аталмиш дарахтга ҳаёт бахш этиб турган бир ўқ илдизнинг майда томирлари эканингдан, қолаверса,

айни пайтда, ана шу дарахтнинг меваси ҳам бўлаётган-лигингдан ифтихор этасан, киши.

Дарахт неча ёшга кирганлигини мазкур дарахт кесилган пайтда, ана шу дарахт кўндаланг кесимидаги халқаларнинг сонига қараб белгилаймиз.

Бироқ ватаннинг бағрига тиғ урмайдилар. Ватаннинг неча ёшга кирганлигини унда кечаётган воқеаларнинг салмоғи белгилайди. Ёшни белгилаш учун ватаннинг бағрига «уриладиган тиғ» бу – тарихнависнинг қаламидир. Тарих ўтмиш учун керак бўлмайди. Чунки ўтмиш ўтиб бўлган. Тарих фанининг, бу фанга доир холис маълумотларнинг аҳамияти шундаки, улар замонамизга, келажакимизга – тараққиётга хизмат қилади.

Бинобарин – тарихнависларимиз бугуннинг дастёрлари, келажакнинг хизматчилари. Биз мамлакатимизнинг ижтимоий – иқтисодий, боринг-ки, сиёсий дардларини, муайян маънода келажак чалиниши эҳтимол касалликларни ҳам кўп жиҳатдан тарихнависларимизнинг муолажаси билан даволаймиз. Таҳлиллар, муқоясалар, хулосалар – мозийни ўрганишнинг шу йўсиндаги «муолажалари» моҳиятини ташкил қилади.

Машҳур бир латифа бор «Афанди қабристонга борганида, қабрларнинг тошларига» фалончи 2 йил умр кўрди, пистончи 1,5 йил яшади деб ёзилган экан. Афанди тошбитиклардаги туғилиш ва вафот этиш йилларига қараса, ҳар бир марҳум 80-90 йилдан ҳаёт кечиришган. Хўжа Насриддинга бир донишманд айтибдики, «Афандим, ажабланмагин, бу одамлар ўтган мазмули кунларини ҳақиқий умр, деб ҳисоблашган...»

Шундай одамлар бўладики, бир куни ўн кунга татийди. Шундай шаҳарлар борки, уларнинг бир йилида юз йилнинг салмоғи мавжуд. Ана шу жиҳатдан ҳам: «Хоразм» нашриётида чоп этилган: «Хива солномаси»² бизларга қутлуғ шаҳримиз ёш халқаларини ўзига хос маҳорат билан, сермазмун бир қайдлар воситасида етказиб бера олган китобдаги 1997 йилнинг Октябр ойига ажратилган саҳифаси хабар беради: «20 октябрда Хиванинг 2500 йиллиги нишонланди. Президент Ислом Каримов байрамда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

² «Хива солномаси», «Хоразм» нашриёти, 2002 й.

қатнашди ва нутқ сўзлади. Шу куни 34 километрлик Урганч-Хива-Урганч троллейбуси илк йўловчиларни Хивага олиб келди».

Бир карашда куруққина ахборот. Бироқ мамлакати-миз раҳбарининг нутқиға жо бўлган шаҳарнинг 2500 йиллик умридаги ҳар бир дақиқани ҳаёдан кечирсанг, ана шу дақиқалардан таркиб топган соатларни, соатлар ташкил қилган кунлар, кунлардан яралган ойлар, ойлардан барпо бўлган йилларнинг мазмунини сарҳисоб қилиб кўрсанг, ҳаёл осмонингда қанчадан – қанча қаҳқашонлар пайдо бўлади ва бу қаҳқашонларнинг ҳар бир сайёрасини тадқиқ қилиш учун қанчадан – қанча Улуғбеклар керак. Солномада қатнови бошланганлиги ҳақида хабар берилган, мамлакат Президенти дастлабки йўловчиси бўлган троллейбуснинг бир пассажири умр дафтарини битмоқчи бўлиб, унинг юрагини зиёрат қилсангиз, Хивада тинимсиз қайнаб турган ҳаётнинг мавжлари ўзининг турли жилolari билан олдингизда намоён бўла боради. Бу қисқа сатрларни енгил-елпи ўқиш эмас, балки теран мулоҳазакорлик билан мутолаа қилиш керак. Шунда янгидан-янги фикр-мулоҳазалар, хулосалар, ғоялар пайдо бўла бошлайди. Ўқувчида мамлакат-шумул воқеаларнинг рўй беришига дахлдорлик ҳисси, бинобарин, ана шу ҳисга асосланган ватаншарварлик туйғуси кучаяди. Бу жиҳатни Хива мисолида олиб кўрадиган бўлсак, бу қутлуғ шаҳарнинг Огаҳий ҳазратларидек буюк тарихнавислар асарларидан ўқиган китобхонда мозийда рўй берган бунёдкорликлар билан бугунни таққослаш имкони пайдо бўлади.

Ўтмиш билан бугун ўртасидаги ворислик ришталарининг ҳар бир инсон руҳида мустаҳкамланиши эса, ўз навбатида, замондошларимизнинг келажак олдидаги масъулиятини кучайтиради.

Хивалик бўлиш бу – касбий мансубликдан қатъий назар, у ёки бу даражада тарихчи бўлиш, дегани. Ғафур Ғулломнинг таъбири билан айтганда, «Лагорифманинг чигал муаммолари кўлдаги бармоқлардек оддий ҳал қилинган» бу маъвода ҳар бир ғишт – бир обида Хиванинг об-ҳавоси,

оқаётган сувларию олаётган нафасингиз – ҳамма-ҳаммаси одамни неча минг йиллар билан «сенсираб» гаплашишга ўргатади. Шундай экан, Хивамизнинг хозир бошидан кечираётган ҳар бир дақиқаси ҳам улўғ тарихимизнинг узвий бир бўлаги, азал билан абадни боғлаб турган мустаҳкам бир халқадир.

Бир вақтлари Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари мансуб бўлган «Футувватномаи Султоний» асарида таъкидланган эди: сўз айтиш учун одамда «қол» (яъни ифодали сўз), «қол» (сўз айтиш қудрати), «мол» (бойлик), «сол» (ёш, кечирилган умр тажрибаси) бўлиши керак. Ана шу сифатларга эга бўлган одам ҳам сўз айтишга шўшилмаслиги керак. Бундай одам сўз тинглайдиган «хос одам»ни топиб, унга хос сўзни «хос вақт»да ва «хос жой»да айтиши керак.

Хивадаги ҳар бир одамни тарихчи, дедик. Демак, Хиванинг ўзи ҳам, ўз навбатида, тарихдан, мозийдан сўзлаб турган шаҳар. Унинг ўз айтадиган сўзи, сўз айтиш қудрати, истиқлол бахш этган давлати ва 2500 йилдан ошган ёши бор. Унинг тингловчи «хос одам»и бу – Ўзбекистондир. Бу қўтлўғ шаҳар «Хива солномаси» каби китоблардан ўз фарзандлари калами билан сўзлайди. Биз ҳам бу сўзни тинглаш учун «Хива солномаси»даги бир қарашда оддий бўлиб туюлган сатрларга мурожаат қиламиз.

«1991 йил сентябр. Беруний таваллуд санасига бағишлаб, унинг номидаги жамоа хўжалигида Беруний-хонлик ўтказилди. Унда пойтахтлик ижодкорлар Умида Абдуазимова, Марва Жалоладдиновалар қатнашдилар. «Ёҳуд»:1993 йил декабр. 17 декабрда Огаҳийнинг 185 йиллиги муносабати билан Эски Қиётда анъанавий «Огаҳийхонлик» ўтказилди».

Беруний номли хўжаликда Ал-Беруний ҳазратлари туғилган кунининг, хусусан пойтахтдан келган ижодкорлар иштирокида ўтказилганлиги ёҳуд Огаҳий номли жамоа хўжалигида «Огаҳийхонлик» кунининг ўтказилиши қандай яхши. Бирок ўйланиб қолсан киши: берунийхонлик фақат

Беруний номли жамоа хўжалигида ёки, дейлик, анъанавий навоийхонлик кунларини фақат Навоий номли жамоа хўжалигида ўтказавериш шартмикан? Тўғри, у ёки бу буюк сиймонинг номи билан аталган хўжалик, корхона ёки муассасанинг жамоалари ана шу сиймоларнинг хотираларини ёд этиб туришда биринчи навбатда масъулдирлар. Бирок, барибир, номи Беруний ёки Навоий номига қўйилмаган жамоа хўжаликлар худудларида истикомат қилмайдиган азизларимизнинг гуноҳлари нима? Нима, улар илм фандан ёхуд адабиётдан бебаҳра қолишлари керакми? Навоий номли Навоий ижодини ўрганишлари лозиму, бошқа ижодкорларнинг меросларидан бебаҳра қолаверишлари керакми?

Албатта, бу гап фақат Хивага, Хивадаги маънавият масалаларига эмас, умуман, бизларнинг бир ёклама, баъзан жуда хашаки иш тутишимизга тааллуқлидир.

«Хива солномаси»да жаҳон аҳлининг бу кутлуғ шаҳарга бўлган хўжаминордек баланд ихлосини муайян мисолларда кўриш ўзимизга ўзгаларнинг кўзлари билан нигоҳ ташлаш имконини беради: «1996 йил июл. Англия фуқароси Хью Бернеби мотоциклда 7,5 минг километр йўл босиб Хивага етиб келди».

Яшириб не қилдик, 20-30 километр нарида ҳаёт кечираётган элдошларимизнинг жон койитиб Хивани зиёрат қилмаганлари қанчадан - қанча. «Олдиндан оққан дарёнинг қадри йўқ» дейдилар. Хива олдимиздан оқиб турган дарё. Ҳар қадамида бир авлиё сўнгги манзил топган мўътабар бир маъво. Биз «Хива солномаси»ни варақлаётиб, мана шу зиёратгоҳни қандай ардоқлашни, Хивага етти ярим минг километр йўл босиб келган англиялик жаноб Хью Бернебидан ўрганайлик. Ҳеч бўлмаса, хаёлан унинг мотоциклига мингашиб ўз Хивамизни, юрагимизни зиёрат қилайлик. Бу борада ҳиндистонлик Рам Чандра Хью Бернебидан ҳам ғаройиброқ жасорат кўрсатибди. У Хивага... велосипедда келибди. Ким билади, ҳозир Хивага қанчадан-қанча сайёҳлар пиёда йўлга чиқаётгандирлар.

Қанчадан – қанча гимнастлар, вақт етиб, Хивага қўллари билан юриб келишар... Бироқ бир нарса аниқ: жаҳон Хивага қараб йўлга чиқаётир ва унинг сафари муборақлар бўлсин!

«Хива солномаси»ни мутолаа қилар эканман, беихтиёр ўзим иштирокчиси бўлган воқеалар ёзувларига кўзим тушади. Мана: «1998 йил март. Халқимизнинг севимли шоири Эркин Воҳидов Хивада шеърхонлик кечаси ўтказди». Хотирамда оташин шеърӣ мисралари қарсақларга, гулдурос қарсақлар оловли байтларга уланиб кетган масъуд соатлар қайта жонланади. Хиваликларнинг шеърятнинг астойдил мухлис-лари эканликларини кўриб, Адолат Машариповадек қизлари-мизнинг жарангдор ўқишларини тинглаб, устоз шоиримиз қандай қувонганди ўшанда, кўзларига ёш олиб қандай сурурланган эди. «Хива солномаси»да бундай унутилмас воқеалар қанчадан-қанча.

«Хива солномаси»да фазилатлар билан бир қаторда, нуқсонлар бор: юз берган воқеалар келтирилган, саналар мавжуд. Бироқ муносабат кўзга яққол ташланмайди. Воқеаларни танлашда ботинан қадимга ҳамду санолар руҳи сезилади. Фақат манфӣй, ёруғ воқеалар танланган, муаммоли ҳодисалар гўё содир бўлмагандек.

Тўғри, солноманинг руҳи буни тақозо қилмаётгандек, қолаверса, нашрга тайёрловчи (Шержон Машарипов) ҳам таърихнавис шоир эмас. Бунинг устига, 1991-2001 йилларнинг ичида юз берган беадад воқеаларнинг ичидан, 297 тасини танлаб олиб алоҳида китоб ҳолида чоп этишнинг ўзи ҳам юз бераётган воқеаларга ўзига хос бир муносабатни изҳор этади. Шундай бўлса ҳам, истардикки солноманинг давоми ҳамда келгуси нашрларида воқеалар тафсилотлари ва уларга муносабат, майли, жуда ихчам тарзда бўлсин, ўз аксини топса, нур устига нур бўлур эди.

Яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтиш ўринли: маълумки, солнома яратиш янгилик эмас. Қадимий буюк солномалар билан бир қаторда, вилоят, туман, хўжаликларнинг тарихларигача битилган. Ҳар бир маҳалланинг тарихини битиш мумкин. Бироқ тарих битаётганда, маҳаллийчи бўлмаслигимиз керак. Томчида осмонни, қатрада куёшни кўра билиш ниҳоятда муҳим.

Турли жойларда турли кўлам ва савиядаги «тарих»ларни кўриб, аксар, муаллифлар ўзларининг ёхуд манфаатдор, тор доирада фикрлайдиган кишиларнинг кўмочига кул тортаман деб, воқеаларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратишни унутиб кўймаётганмиканлар, деган шубҳага борасан киши.

Воқеалар китоблар учун танланаётганда, муаллиф-нинг қалами ўзига хос бир элак вазифасини ҳам бажариши зарурлигини қайта – қайта таъкидлагинг келади.

Дарҳақиқат, Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазрат-ларининг бир айтиб ўтган фикри такрор – такрор ёдга тушади: «Бошини эгди ҳаё ё илдинин соғинди гул...»

Тарихнавис ҳам мана шундай бир алфозда бўлмоғи керак. У ҳаминша ўз илдиларини соғинмаси, бироқ воқеалар меъёрини эсдан чиқармаслиги лозим. Яъни ҳаё ва тафаккур салмоғи унинг бошини табаррук оқ қоғоз устида эгиб турмоғи керак. Ана шундагина ўқувчи уни тинглайди. Акс ҳолда не – не умидлар билан битилаётган даста – даста китоблар «хайф қоғоз, хайф мехнат» дегулик бир ҳолда сарғайиб қолаверади.

Тарих юксак бир минорага ўхшайди. Уни ўрганаман деб ҳар канча уринманг, дилда, қаламда холислик бўлмаса, ҳар қандай саъй-ҳаракат ҳам чиппакка чиқиши мумкин. Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Болалигимдан бери Марказий Осиёдаги баланд миноралардан бирига чиқишни орзу қилар эдим. Бу орзуим ҳатто тушларимда рўёбга чиққандай бўларди. Ниҳоят бир кун умидимдаги минорага чиқдим. Бироқ...не кўз билан кўрайки, миноранинг сахни ҳар хил ахлатлар билан булғаб ташланган, кўз кўргудек аҳволда эмас эди. Шундан сўнг на миноранинг юксаклиги, на ана шу юксакликдан кўриниб турган манзара мени хурсанд қила олмади. Болалигимнинг орзуси бўлган ана шу минорани ўйласам, гарчи бунда миноранинг ҳеч қандай бир айби бўлмаса ҳам, кўз олдимга ахлатлар келаверади. Назаримда, тарихнинг ноҳолис ёртилиши ҳам ана шундай оқибатларга олиб келади. Тарихимиз қанчалик юксак ва мусаффо бўлмасин, ана шу юксакликда баъзан ана шундай ноҳуш вазиятга дуч келиш мумкин. Бунинг оқибатида шудоккина кўзга ташланиб турган мўътабар воқеалар кўзингга шумшук

кўринади. Бу хунуқликдан халос бўлиш учун таассуротларингни узок вақтлар мобайнида супургилиб, ахлатлардан тозалашга тўғри келади...

Мавриди келди, яна бир муҳим фикрни айтиб ўтай. Юқорида таъкидлаганимиздек, мозий ҳам тарих, бугунги кун ҳам тарих. Биз ўтмиш тарихимизни бугунга кунга баракали хизмат қилдира олсақгина, унинг билан шуғулланишга ҳақлимиз. Тарихни ўрганишда, ўтмиш ҳамда бутун билан шуғулланишнинг нисбати мавзун бир тарзда, мутаносиб бир алфозда бўлмоғи зарур...

Келинг, яхшиси, сизга ҳаётда кузатилган яна бир ходисани айтиб берай. Айтишларича, бўрилар киш фаслида отларни овлаганда, бир хйилани ишлаштишар экан. Улар узок масофаларгача отларнинг фақат бир ёғидан, дейлик чап ёки ўнг томонидан боришар, отлар эса, ўз навбатида, бўриларга ўлжа бўлмаслик учун, бошларини улар томонга буриб, қочиб боришаверар, оқибатда уларнинг терга ботган бўйинлари ана шу ёққа қараб қотиб қолар экан, шунда бўрилар шартга қарама-қарши томонга, яъни отлар бошларини бура олмайдиған тарафга ўтиб, қурбонларини ёриб ташлар эканлар...

Тарихни ўрганишда ҳам бир ёқламаликка йўл қўйилса, ана шундай оқибатлар келиб чиқиши хавфи бор. Биз ўтмишни ўрганишга андармон бўлиб кетиб, бугунни унутиб қўйсақ ёки бугун билан шуғулланишга маҳлиё бўлиб келажакни хотирдан фаромуш қилсақ, жаҳолат қашқирлари худди ана шу бўриларга ўхшаб иш тутишлари, касофат мутлако биз кутмаған томондан ҳамла қилиб қолиши мумкин.

Хива кунлари Хива ойларига ва бу ойлар Хива йилларига айланишда давом қилаёттир. Давримиз солномачилари ҳам, кўриб турганингиздек, воқеаларни оқизмай – томизмай келажакка етказмоқдалар, янада муҳимроғи, бу воқеалардан бугуннинг манфаатини кўзлаб фойдаланиш мақсадида кўз нурларини қоғоз саҳифаларига тўкмоқдалар. Бизнинг ниятимиз эса ана шу нурнинг, бизларнинг ва келажак авлодларнинг ақллари ҳамда юракларига қараб таралаётган ана шу муборак ёғдунинг кун сайин равшанроқ бўлишини тиламоқдир.

СИЙМОДА АКС ЭТГАН СИЙМО

Шеърят уммонидаги жавоҳирлар хайратланарли даражада бетакрор. Мана шу бетакрорликларнинг замиридаги ажралмас ҳамоҳангликлар, ажабтовур бир тасодифлари, ундан-да гаройиб қонуниятлари билан ақлни хайрат-лантиради.

Ҳазрат Хожа Баҳовуддин Нақшбандийда «Сиймо-лар сиймоларда такрорланадилар» деган мазмундаги гўзал бир фикр бор. Ана шу нуқтаи назардан Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари рубоийетининг Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ижодига, хусусан, унинг рубоийларига таъсирини кузатадиган бўлсак, салафлар ўз ворисларининг қаламларини ўз мумтоз асарлари билан нақадар ўткир қилиб чархлаб туришларини теран англаймиз.

Мумтоз адабиётмизда, хусусан, Паҳлавон Маҳмуд ижодида ҳам ўқтин-ўқтин такрорланиб турадиган фикр – кучлиларнинг ожизларга мадад кўрсатиши (мас. рубоий).

Нафсингни енгиб, сен унга шоҳ бўл – мардсин,

Кимсаси йўқларга паноҳ бўл – мардсан.

Номард оёқ ости қилар мискинларни,

Мискин ва гарибга пойгоҳ бўл – мардсан.

салафлар меросида, шу жумладан Огаҳий ижодида ҳам муайян маънода формула тарзида, яъни бир қадар мавҳум ифода этилган. Биз Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий қаламига мансуб мисраларни кўздан кечирав эканмиз, ана шу ожизликнинг муайянлаштирилишига дуч келамизки, бу ҳам шогирдлар томонидан устозлар фикрига бир қадар аниқлик киритилишидир. Рубоий: «Эй келди фунуну илм таслим санго, Қилмоқ манго лозим ўлди таъзим санго Гарчи йўқ эди қувват оёғимда вале, Келдим бош ила олғали

таълим санго». Бу – ибодатнинг тасвири, қудрат манбаидан эътикод илмини бахш этишни тилаб, илтижо қилишдир. Бу мисралардан келиб чиқадиган хулоса – инсоннинг эътикоди мустаҳкам ва шу мустаҳкам эътикод билан боғлиқ равишда рух қуввати устувор бўлса, бундай одам бемисл салоҳият соҳиби бўладики, бу ҳолда у банданинг мададига мухтож бўлмайди.

Бу илтижо Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг ибодат ҳақидаги тагин бир рубойиси билан чамбарчас боғлиқдир. Мана ўшал рубойи: «Дард тилдию кўксимни, дили чок бўлдим. Ерга тўшаб қон - гиламим, пок бўлдим. Кўзёшима тўлди ҳовучим лимо-лим, Айб айламангиз, начора, шўрхок бўлдим.» Яраланган вужуддан оқаётган қоннинг жойнамоз қилиб тўшалиши ва дуога очилган қўлнинг кўз ёш билан лимо-лим тўлиши – булар инсон эътиқодининг теран ботиний сувратларидир-ки, бу тасвирдан Огаҳий ҳазратлари ўз лирик қаҳрамонининг ибодат чоғида тиз чўкиб, бошини ерга қўйишини оёғида қувват қолмаганлик сабабли деб кўрсатиб, уни Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари тасвирлаган обид билан ҳамдардлаштиради.

Огаҳий ҳазратлари Паҳлавон Маҳмуд билан маслакдошлик оҳанглирида рубойилар битар экан, устози қайси иллатларни қаламга олган бўлса, аксар, ўзини ана шу иллатларга гирифтор бўлган одам сифатида кўрсатиб, камтарлик қилади. Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари ўз рубойиларидан бирида зиёли киши, ориф инсон рухан мустақил бўлиши нақадар зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Бундай одамнинг ҳукмдорлар таъзимида бўлишини қоралайди. Паҳлавон Маҳмуд рубойиларидан бирида «Дарвеш ила шоҳ бўлса агар улфат, бу Шоҳ бахти эрур, дарвеш учун кулфат бу» деб, ақл аҳлининг, маърифат аҳлининг бош вазифаси ҳамма билан баравар муносабатда бўлиб, одамларни ўзаро тенглик асосида бир-бирлари билан муносабатда бўлишга, бу дунёнинг манфаатларига муте бўлиб, бир-бирларининг дилларига озор ет-казмасликка даъват қилади. Яна бошқа бир рубойисида Паҳлавон Маҳмуд ёзади: «Ё раб, мени сен зору адо айламғил,

Шоҳларга куним кўйма, гадо айламағил. Лутфинг ила соч-соқолим оппоқ бўлди, кўй, энди мени юзи қаро айламағил». Огаҳий ҳазратлари Паҳлавон Маҳмуд пийримизнинг маърифат аҳли зиммасига юклаб кетган мана шу руҳан боқимсиз бўлиш, фақат Оллоҳ олдидагина ўзни жавобгар билмак масъулиятини теран ҳис қилиб, қалам тебратгани яққол кўзга ташланиб туради, шоиримиз ўзини ҳамиша устоз олдида имтиҳон топшираётгандек тутади, унинг талабларига гўё жавоб бера олмаётганидан ўкинади. Ўзининг Паҳлавон Пийримиз рубойиси билан ҳамоҳанг бир асариди Огаҳий ёзади, рубойи: «Умрим ўтибон, қилиб гадолиғ, ё раб, Комимға етушмади раволиғ, ё раб. Мақсадға ҳама етти, вале қолди манго Оқ соққол ила юзи қаролиғ, ё раб!» Бу мисралар Огаҳийнинг аввало Аллоҳи таоло олдида тазарруси, қолаверса, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари олдидаги узрхоҳлигидир-ки, ўзининг бу руҳий ҳолатини шоир қуйидаги мисралар билан тўлдиради. «Неча умрлар қилдинг аҳли жоҳға хизмат, Тарк этиб они эмди фақр аҳлига хизмат қил».

Огаҳий рубойларини мутолаа қила борганимиз сайин, унинг ижодига Паҳлавон Маҳмуд меросининг таъсири нақадар баракали ва изчил эканлигига гувоҳлиги-миз тобора теранлаша боради. Бу таъсирнинг кўп қирраллиги, Паҳлавон Маҳмуднинг оташин рубоиёти таъсиридагина қолиб кетмаганлиги бизни қаноат-лантиради.

Бу баракали таъсирнинг муҳим жиҳатларидан бири Огаҳийнинг Паҳлавон Маҳмуд поэтик жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ, тарғиб ва ташвиқ қилган инсон маънавий фазилатлари ҳақида битган рубойлари билан ҳамо-ҳанглиқда ижод этган мисраларида намоён бўлади. Масалан, Паҳлавон Маҳмуднинг инсоннинг ўз феъл-атворининг табиий моҳиятидан келиб чиқиб ҳатти-ҳаракатлар қилишини, ҳар бир кишининг ўз табиатига ҳилоф фаолият кўрсатиши амри маҳол эканлигини таъкидлаб ёзган рубойлари билан Огаҳийнинг худди шу оҳангдаги рубойлари ўртасидаги муштараклик ҳамда

тафовутлар шу жиҳатдан ниҳоятда ибратлидир. Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари ёзади, рубоий: « Ҳеч қора тош дур каби маъдан бўлмас, Мурч ила занжабил ширин таъм бўлмас. Тинглаки, Пурёрвали айтади сўз, Аслида номард сира одам бўлмас». Огаҳий қаламида бу фикр яна ҳам муроса-сизлашади, яна ҳам кескин тус олади. Рубоий: «Зарра учубон найири аъзам бўлмас, Ер болиш этиб, авжи фалак ҳам бўлмас. Инсон аро нодонни билинг, ҳайвондур, Ҳайвон неча зўр айласа, одам бўлмас».

Халқимизда беайб – парвардигор, деган матал бор. Паҳлавон Маҳмуд инсонларнинг ҳамиша ҳам нуқсонли бўлишини, умуман, бу мулки борлиқнинг, коинотнинг қусурли эканлиги билан боғлайди. Фалакнинг ўзида-ки нуқсонлар бор экан, демак, ана шу фалакнинг таркибий бир қисми бўлган замин ҳамда ушбу заминда ҳаёт кечираётган инсонлар жамиятида, уларнинг ҳозирги истилоҳ билан ифода этадиган бўлсак, ижтимоий ҳаётларидаги номукам-маллик олдиндан инсоният тақдирига ёзуқ қилинган, фақатгина илоҳиётга талпиниб қилинадиган саъй-ҳаракатлар, чекиладиган ранжу машаққатлар туфайлигина бир қадар холос бўлиш мумкин бўлган қисматдир. Рубоий: «Ҳақни ҳақ эт, ноҳақни малъун қил сен, Яхшини шод, ёмонни дилхун қил сен. Доно оёқ остинда-ю, нодон бошда. Ё раб, бу фалакни остин-устун қил сен». Огаҳийнинг рубоийётида бу мавзу бир қадар маишийроқ нуқтаи назардан келиб чиқилиб, ёритилгандир. Рубоий: «То кажлик ила кирди фалак давронға... Доно ҳамма нон гадосидир нодонға. Тузлик била айланса эди гар гардун, Нодоннинг юзи тушмас эди бир нонға». Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари билан Огаҳий рубоийларидаги бу хил ҳамоҳангликларнинг яна бир жиҳати фалакнинг оқибат-сизлиги билан инсонлар ўртасидаги бевафоликнинг муштараклиги мавзусидир. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоий: «Чарх урфи ситамдирки яралган дамдин, Сидқ аҳли халос бўлмади дард-мотамдин. Ит бўлайин вафоси бор одамга, Ит яхши, билинг, вафоси йўқ одамдин». Огаҳий, рубоий: «Ваҳким, яна зулмини аён этти фалак, Бағримни ғами ҳажр

аро қон этди фалак. Кўз йўлидин ул қонни равон этти фалак, Оҳ, менга, кўринг, не қасди жон этти фалак». Шуниси диққатга сазовар-ки, мазкур ҳамоҳангликларда ҳамиша ҳам фикр муштарақлиги учрайвермайди. Масалан, биз юқорида қайд этиб ўтган инсон ўз табиатида келиб чиқиб ҳатти-ҳаракатлар қилиши тўғрисидаги фикр Паҳлавон Маҳмуд ижодида мутлақлик касб этмайди, яъни бу синоатни буюк бобоқалонимиз ўзгармас бир ҳолат деб тушунмайди. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ўз рубойларидан бирида Паҳлавон Маҳмуд «Аслида номард сира одам бўлмас» деб ёзса, бошқа бир жойди Паҳлавон Маҳмуд «Жой олса чумоли гар бизим сафлардан, Давлатимиз туфайли арслон бўлғай» деб, инсонинг тарбия воситасида қудрат касб этиши мумкинлигини, чумоли арслонга айланиши эҳтимолдан холи эмаслигини таъкидлайди. Муҳаммад Ризо Огаҳий бу жиҳатдан бирмунча собитфикрдир. У ўзининг «Инсон аро нодонни билинг ҳайвондир, Ҳайвон неча зўр айласа, одам бўлмас» фикрини бошқа бир мисраларда «Бад тийнат улус бум каби шумдурур, Тарбият анго ким этса, мазмумдурур», яъни феъли ёмон одам бойқуш каби айёр ва совук, уни тарбия қиламан деганлар ҳақоратга қолади» деб, яна ҳам қуюқлаштиради. Бу ўринда, албатта, Паҳлавон Маҳмуд билан Огаҳий ҳазратларининг тарбия масалаларидаги қарашларида тафовут борлигини айтар эканмиз, бу тафовутлар, моҳиятан, шоирлар яшаган турли-турли даврларнинг ўзига хослиги билан изоҳланишини ҳам таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Дейлик, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари «Жой олса чумоли гар бизим сафлардан, Давлатимиз туфайли арслон бўлғай» деб ёзар экан, ташқи ҳодисотлар, яъни турли тажовузу истилолардан руҳан чўккан ватандошларининг бир кун келиб яна аввалгидек баҳодир хоразмийларга айланишига ишонч бил-дирса, инсоннинг тарбия топиб, ўз атворининг ўзгартиришига умид боғласа, Огаҳий ўз лирик қаҳрамонининг ахволи руҳиясини унинг мўътадил бир шароитлардаги одам эканлигидан келиб чиқиб шарҳлайди. Ўзининг инсон

табиатининг ўзгармаслиги ҳақидаги қарашларини «қилмоқ ила парвариш тикан гул бўлмас, Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас. Гар асли ёмонга яхшилиқ минг қилсанг, Яхшилиқ анинг нияти билкулл бўлмас», рубойси билан мустаҳкамлайди.

Паҳлавон Маҳмуд рубоиётининг Огаҳий ижодига таъсири бу жиҳатлар билангина чекланмайди. Ҳар иккала шоирнинг тафаккур чақинидан таралган ёғду инсон ҳаётининг, унинг зоҳирий ва ботиний жиҳатларининг турли қирраларини ёритиб туради. Масалан: Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари «Шароб ичиб, майли, гўзал айб этгил, Боғ сайрига чик, ғамнинг ишин хайф этгил, Тонгдан то сахар суриб юриб айшингни, Шомдан то қуёш ботғунича кайф этгил», дея ҳаёт-севарлик, завқпарварлик мисраларини битган бўлса, Огаҳий «Эй мутриби гулчеҳра, тузиб созингни, Созингга ҳамоҳанг айла овозингни. Лутфингни бугун базм аҳлига вофир эт, То субҳгача кам айлагил нозингни» дея асрлар оша унга жўр бўлади.

Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий меросини теранрок мутолаа қила борганимиз сайин, икки шоир қаламлари ўзаро тутшиб чақнатган учқунлардан таралган ёғдуларнинг миқёси кенглигига амин бўламиз. Айтиш мумкинки, Паҳлавон Маҳмуд қайси мавзуда қалам сурган бўлса, худди шу мавзуда Огаҳий ҳам ижод қилган ва икки буюк мутафаккиримизнинг фикрлаш муштараклиги шеъриятнинг бош мавзуси бўлмиш муҳаббат оҳанглирида айниқса самаралидир.

«Дилбарга дедимки, сўзларинг чил-чилдир, Бунга сира борми сабаб, айт, билдир. Айтдики, сўзлаганда оғзим тор деб қимтинаман ҳаёда, боис шулдир». Мана шу лаблардан, яъни Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари сувратини чизиб бериб кетган соҳибжамолнинг лаълларидан Огаҳий ҳазратларининг лирик қаҳрамони жон топади, ўзининг заволига барҳам беради, ўзини йўқликдан халос қилади. Рубойи: «Бир сўз дегали гар очса жонон ики лаб, Бехадду адад бўлур дурафшон ики лаб. Юз қатла ғами ишқдан ўлсам айб эмас, Ким бергусидир бир сўз ила жон ики лаб».

Огаҳий битган рубойларда Паҳлавон Маҳмуд меросидаги ишқи инсоний мавзусининг маҳбубага узоқ умр ташал оҳанглари ҳам алоҳида диққатга молик. Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари бу мавзудаги рубойларда бирмунча илоҳийрок тафаккур қилиб, инсоний маҳбубани илоҳий маҳбуба билан муайян маънода муштарақлаштириб юборади. Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг оташин мисраларидаги маҳбубанинг умри завол билмасдир. Шунинг учун ҳам у ошиқнинг умри ўткинчилигига шафқат билан қарайди, раҳмдилликлар қилади. Рубойи: «Тушди-ю жаҳлидин, келиб қошимға, Раҳм этди, не бахт, менинг шаҳид лошимға. Бир лаҳза туриб очиқ мозорим узра, Хокимни сочиб кетди у ўз бошимға». Кўриб турганимиздек, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари тасвиридаги лирик қаҳрамоннинг маҳбубаси учун инсон вафотидан кейинги, унинг тани хокка айлангунча кетадиган вақт бу – «бир лаҳза». Огаҳий устозининг тасвиридаги маҳбуба ана шундай асрларга лаҳзаларни жо қилиб яшайдиган ҳикмат эгаси, тилсимлар соҳибаси, мангуликка дахлдор зотдир.

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўгли Огаҳийнинг Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари рубоётига ҳамоҳанг ижод қилганлиги ҳар иккала шоирнинг ижтимоий адолат юзасидан юргизган фикрлари ҳамоҳанглигида айниқса яққол намоён бўлади. Бу ҳамоҳанглик, албатта, ҳар бир мутафаккирнинг ўзи ҳаёт кечирган даврига монанд фикрлаши билан ўзига хослик касб этиши, Огаҳий ҳазратларининг Паҳлавон Маҳмуд шеъриятидан, ҳамма мавзуларда бўлгани каби, бу мавзуда ҳам баракали таъсирланганлиги билан изоҳланади.

Одамларнинг, юқорида зикр этганимиз фалак хиёнаткорлигига монанд бевафоликларидаги сингари, ижтимоий адолатсизликда ҳам қисматнинг муҳри бордир. Мавриди келганда, шуни қайд этиб ўтиш керакки, Огаҳий ҳазратлари бу мавзуда қалам тебратганида ҳам Паҳлавон Маҳмуд қарашлари билан маълум даражада ҳамоҳанг фикрласа, маълум маънода ўз салафидан тафовутланарли пардаларда наво қилади. Зимдан мунозара юритади.

Бу йўналишда Паҳлавон Маҳмуднинг фикрлаш хусусияти шундан иборатки, ижтимоий ҳаёт ўзининг энг улкан адолатсизликларида фалакнинг ёзғитига таклид қилади. Рубойи: « Ҳақни ҳақ эт, ноҳақни малъун қил сен, Яхшини шод, ёмонни дилхун қил сен. Доно оёқ остинда-ю нодон бошда, Ё раб, бу фалакни остин-устин қил сен». Огаҳийнинг рубойларида эса бу фалсафа бошқа мавзулардаги сингари бирмунча маишийлашади. Бироқ Огаҳий рубоийетида бу маишийлик ҳам ўзига хос бир адабий мажоз бўлиб, бунинг замирида инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган турли жиҳатларнинг ўзига хос бир поэтик тажассуми пинҳондир. Рубойи: «То кажлик ила кирди фалак давронга, Доно ҳама нон гадосидир нодонга. Тузлик била айланса эди гар гардун, Нодоннинг юзи тушмас эди бир нонга».

Паҳлавон Маҳмуд ҳамда Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг шеърояти доноларнинг юзи тушиб турадиган нондир. Ҳар иккала буюк шоиримиз ҳам инсон фаолияти билан фалак ҳукмининг бир-бири билан боғлиқлигини ҳар қанча таъкид этмасинлар, шуни яхши укқанлар ва уқтирганларки, инсон ўзининг барча ҳатти-ҳаракатларини тафтиш қилиб, мутгасил камолотга интилса, саодатга эришади. Бунинг учун у ўз фазилатларини мустаҳкамлаб, гуноҳларидан истиғфор қилмоғи лозим. Паҳлавон Маҳмуд, рубойи: «Ё раб, не ажаб қилса мени қон тавба, Айладим излаб сени, паймон, тавба. Этдимки пушаймон, бу пушаймонимдан Қилдирди яна бошқа пушаймон тавба». Бу рубойида ваҳдат оҳанглари, лирик қаҳрамони тасаввуф аҳлидан бўлмиш инсоннинг Оллоҳ васлига интилиши ва бу йўлда камолотга эришув ғояси устуворлик қилади. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий эса ўз рубоийларидаги сингари, ушбу мавзудаги инсоннинг заминий ҳаётидаги аъмолларига бирмунча яқинроқ. Рубойи: «Бордур манго кўп журму фаровон тавба, Журм асру кавий, жумлаи вайрон тавба. Ё раб, караминг бирла онингдекки нусух, Бу журм ила тавбадин қил эҳсон тавба». Бу ўринда шуни алоҳида

таъкидлаш лозимки, тавба мавзусидаги иккала буюк шоиримизнинг руҳий кечинмалари тафовутларига қарамасдан, уларда бир муштараклик мавжуд, бу ҳам бўлса истиғфор риёзати, ўз қилмишларидан пушаймон қилишнинг инсон учун руҳий жиҳатдан осон кечмаслиги, бироқ, қанча душвор бўлмасин, ушбу риёзатни кечинув эвазига, маънавий покликка эришмак саодатининг заруратини таъкидлаш мақсадидир.

Паҳлавон Маҳмуд ҳазрати ҳамда Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли Огаҳий рубоийётининг қиёсий ҳамоҳангликларига бағишланган ушбу ихчам тадқиқотимизни яқунлар эканмиз, ҳар иккала буюк шоирнинг бадиий ижоддан мақсади одамларга уларнинг ўз ўзларини англаш бахтини уқтиришдан, бу бахтга эришув туфайли инсоний камолотга ва бу камолотнинг мантиқий натижаси ўлароқ, ҳақ дийдорига етишмак йўсинларини тарғиб қилмоқдан иборатдир. Агар инсон ана шундай даражага эриша олса, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг, Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли Огаҳийларнинг асрлар оша устоз-шогирдлик мақомидаги жўравозлик билан битган рубоийларидан кўзлаган муродлари ҳосил бўлади. «Ушбу жаҳонга қош сену, кўз ҳам сен, Ер чехрасини очғувчи наврўз ҳам сен» деб ёзган эди Паҳлавон Маҳмуд бундай комил инсон ҳақида. «Эй ёр, санго тангри таборак бўлсин, Наврўз ила тоза йил муборак бўлсин. Аҳбоб сарафроз бўлубон лутфингдан, Аъдо боши манқуби балорак бўлсин» - деб тилак билдирганди ёри тимсолидаги бундай инсонга Огаҳий ҳазратлари.

Ҳар бир инсонга мана шундай маънавий наврўзлик бахти муяссар бўлсин.

ФАҚИЙРЛИКДАГИ ҚУДРАТ

Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳазратларининг қаламига мансуб «Ашъори форсий» манзумалар туркуми исломий шеърятнинг муборак анъаналари асосида битилган, моҳиятан, тасаввуфий шеърятнинг улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оҳанглирида ижод этилган.

*Ё раб, сенинг туфайлидир мартаба, ашқу оҳимиз,
Сен айбимизни айла авф, кечир бизим гуноҳимиз.*

Шоирнинг «Таъвиз – ул- ошиқин» девонидаги бошқа шеърлардан фақат тил масаласидагина тафовут қиладиган жузви бўлмиш «Ашъори форсий» туркумининг дастлабки ғазали мана шундай мисралар билан бошланади. Ва дастлабки ушбу мисралардан шуниси аён бўладики, шоир қаламга олган мавзуларнинг мавзуси, инсонни камолотга сазовор қиладиган фазилатларнинг манбаи, унга барча неъматларни турли воситалар орқали тухфа этгувчи бу Оллоҳдир. Шунини алоҳида таъкид этмоғимиз керакки, инсоний ҳаётнинг мана шу нуқтаи назардан талқин этилиши бизнинг бир-бирларимизга қилган эзгулик-ларимизнинг аввалбоши Оллоҳ экан, бир - бирларимизнинг мазкур эзгуликларимизни бир – бирларимизнинг юзимизга солиб, таъна қилишга ҳаққимиз йўқ, билъақс, бу эзгуликларга бизни сазовор қилишга воситачи қилиб танлаганлиги учун бизлар, аввало, Оллоҳдан, қолаверса, бир - бирларимиздан миннатдор бўлмоғимиз, бу миннатдорлигимизнинг мантиқий натижаси ўлароқ, шук-роналик тарзида, мазкур яхшиликларимизни яна ҳам зиёда қилиб ҳамда мустаҳкамлаб бормоғимиз керак бўлади.

Огахийнинг талқинича, бундан бошқа йўл таназзулга маҳкумдир, гумроҳликка элтгувчидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир одам фақат мана шу йўлни изламоғи, мана шу йўлни топтоғи, мана шу йўлдан юрмоғи керакдир.

***Саргаштамыз биз бир умр айрилигингда дашт аро,
Қил илтифот, кўйинга элтсин бизи рост роҳимиз.***

Юқоридаги мисралардан тагин шуниси аён бўладики, бу «ростроҳ»га, яъни тўғри йўлга мушарраф бўлишнинг бирдан - бир иложи тинимсиз риёзатдир. Модомики, шоир «Саргаштадирмыз бир умр айрилигингда» деб ёзган экан, демак бу тўғри йўлга мутлақ тушиб олиш ниҳоятда душвордир, бир умр интилиниши ҳамда эришилдими - йўқми, бир умр шубҳа билдирилиши мумкин ва лозим бўлган фазилатларнинг фазилатидир. Шоир фикрича бу муваффақиятга бир умрлик тўғри изланиш ва бу изланиш учун Оллоҳ илтифотига мушарраф бўлиш туфайлигина эришилади.

Навбатдаги байт ҳам худди аввалгиларидек Оллоҳ маърифатига, яъни илоҳий ёғдуни кўнгил кўзи билан илғай олиш туфайли эришиладиган маънавий жамолга бағишлангандир:

***Ғам тунида қолиб кетурмыз, оҳ, биз саҳарсифат
Қоронғудан фориг этиб, ёрут, ки, субҳгоҳимиз.***

Маърифатли ҳар бир инсон учун энг кўрқинчли ҳол бу жаҳолат зулматига тутқун бўлиб қолиб кетишдир. Шунинг учун ҳам ушбу байтда лирик қахрамон Оллоҳдан ёруғлик илтижо қилади, нур ўтинади. Бу байтда қоронғуликдан озурдалик билан ёруғлик умиди бир - бирига омукта бўлиб кетганки, шунинг учун ҳам Огахий бобомизнинг мана шу зиддиятли ҳолатни ифода этиши ўқувчида маслакдошлик кайфиятини уйғотади. Негаки, ҳар бир одамнинг ҳаётида ҳам ёғду ва қоронғулик, сурур ва ғам, умид ва умидсизлик туйғулари ҳамиша ёнма – ён

яшайди ва ҳар бир одам ўз ишончу эътиқодига муносиб равишда манфий ҳолатлардан халос бўлиб, мусбатликларга восил бўлмоқ умидинда ҳаёт кечиради.

Инсон андуҳлар гирдобида қанчалик қолиб кетса, ана шу андуҳларни бартараф қилиш ниятида чекилган машаққатлар туфайли, шодликларга эришув умидида шунчалик устувор бўлмоғи, кулфатни бахтга, ғамни шодликка айлантириш йўлида шу қадар қаттиқ курашлар олиб бормоғи ва ғалабага эришмоғи жоиз.

*Қақраса жисму жонимиз гоҳ оҳ самуми бирлаким,
Илиқ булутларинг билан кўкарт бизим гиёҳимиз.*

Мана шу байт юқоридаги фикримизга далилдир. Ва бу далолат, умуман, Огаҳий шеърятининг умидворлик йўналишини белгилайдиган фазилатлардандир. Ва шуниси эътиборга молиқдирки, бордию, Огаҳий лирик қаҳрамони-нинг, ғазалда таъкидлаганидек, «Гоҳ оҳ самуми бирла жисму жони қақраб», «Илиқ булутлар ила гиёҳи кўкармаган» тақдирда ҳам, Яратгандан ношукур бўлишга ҳаққи йўқ. Бордию, Оллоҳи таолонинг раво кўрган жабри билан, унга бу жаҳон тор келган тақдирда ҳам, Унинг лутфи туфайли у такрор ва такрор иноятдаг умидвор бўлавермоғи лозим: Бундай тақдирда, шоирнинг таъкидлашича, банда:

*Бош олибон чарх жавридан қочиб чиқиб кетар эсак,
Кўланканг, оҳ, бўлур бизим бошимиза паноҳимиз,*

деб шукур қилавермоғи лозим. Чунки Ҳақнинг иноятлари, ғазалда таъкидланаётганидек, самонинг ҳайбати янглиғ беҳудуддир ва ҳатто, шоир муболағасича, «Бош олиб чарх жавридан қочиб чиқиб кетар эсак» дегудек даражада чексизликдан-да чексизроқдир. Ҳақ субҳонаху ва таолонинг чексиз илтифотидан умидвор бўлган шоиргина мана шундай некбин оҳангларда наво қила олади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий инсон ҳаётда йўл қўйиши мумкин бўлган нуқсонларидан фориг бўлишнинг имконини ибодатда кўради.

У ёзади:

*Йўлингга бошимиз қўйиб, сажда қилиш билан санго
Шоистаи сужудинг, о, бўлсак эди, илоҳимиз.*

Бироқ, мисралардан англашилаётганидек, гап фақат саждада эмас, балки «Шоистаи сужуд»да, яъни саждага ноил бўла билишда ҳамдир.

Шоирнинг уқтиришича, саждага боргунча мавжуд йўлни босиб ўтиш ҳам инсондан ўзига яраша фазилатларни талаб қилади.

Шу ўринда ҳадиси шарифлардан бири ёдга тушади. Бир куни Оллоҳ Расули Муҳаммад с.а.в. айтган эканларки, «яҳши амалларингиз бўлмаса, фақатгина ибодатларингиз билан жаннатга туша олмайсизлар!» «Сиз ҳамми, ё Расулиллоҳ?» деб сўрашибди ундан. «Ҳа, мен ҳам!» жавоб берибди Муҳаммад с.а.в. Албатта, бу ҳадиси шариф ибодатнинг аҳамиятини пасайтирмайди, балки яҳши амалларнинг нақадар муборак эканлигини таъкидлайди. Демак, илоҳий амаллар дунёвий амаллар билан мустаҳкамлангандагина, савобли самаралар беради. Шунинг учун ҳам:

*Ҳам бошимиз билан юриб, йўлингга тушсак эрди бир,
Самодан ҳам баланд бўлур эди бизим кулоҳимиз.*

Маълумки, дарвешлик кулоҳи Ҳақ субҳонаху ва таолога бўлган эътиқод туфайли эришиладиган ғариблик, фақр даражаси. Бироқ бу маснаднинг, шоир талқинича, «самодан ҳам баланд бўлиши» алоҳида диққатга сазовордир.

*Куллимиз қабул эса гар эшигингда ногаҳон,
Қайдаки бахт, баридан ҳам баланд бўлурди жоҳимиз.*

Маълумки, Огаҳий ҳазратлари қуллик тузуми мавжуд бўлган замонда яшади. Гарчи бу даврда жамият қулликни ҳали очикдан очик инкор қилишгача етиб келмаган бўлса ҳам, халқ ўртасида бу мудҳиш иллатдан халос бўлиш ҳақидаги фикрлар очик-ойдин тилга олинаётган, ҳатто одамлардаги бу табиий истакни ниқоб қилиб олиб, бирмунча тараққий топган давлатлар колоқ мамлакатларга қўшин торта бошлаган вақтлар эди. Огаҳийнинг мазкур байгида ҳам ана шундай заминий исённинг илоҳий садоларини кўриш мумкин.

Яъни Оллоҳга қулликдан бошқа қуллик рағбатлантириладиган жиҳат эмас. Шунинг учун ҳам инқирозга маҳкуmdir... Шуниси ҳам борки, бундай руҳий-маънавий машаққатларни бошидан кечирган одамнинг жисмоний жиҳатдан ҳам дардманд бўлиши табиийдир. Огаҳийнинг мисраларига қараганда, ул зоти Шариф ҳам (мас: «Қарилғ дардин афтода бўлган Огаҳингдурман» ва ш. к.) жисмоний дардлардан озор чекиб яшаган кўринади ва бу ҳолни шоир ўзининг маънавий риёзатлари билан боғлайди:

*Огаҳийдек гаминг аро бўлибмиз ожизинг сенинг,
Эгик қаду сариқ юзи эрур бунга гувоҳимиз.*

Шарқ донишмандларидан бири айтганидек, икки дунё, аслида, бир ўрилган кокил янглиғ чамбарчасдир. Айтмоқчимизки, шеърятимиздаги, хусусан, тасаввуф шеърятидаги «дудамалик», қўштиғилиликнинг мутлақо мантиқий асослари бор. Бу, бир жиҳатдан, инсонни ўлимдан кейинги иккинчи ҳаётга тайёрлаб, хотиржам қилса, иккинчи тарафдан, ушбу жаҳоннинг муаммоларини ҳам ана шу аснода бартараф қилишни ўргатадики, бу сабоқ унга ҳар қадамда асқотиб туради. Шуниси ҳам муҳимдирки, шоирларимиз ўзларининг қамровли, кенг миқёс манзумаларида инсон руҳий ҳамда моддий ҳаётининг турли жиҳатларини олиб, поэтик таҳлил чиғириғидан ўтказганлар, кўламдор ҳаётнинг ниҳоятда кенг салтанатига турли эшиклардан олиб кириб, мазкур

шукухли мулкнинг бор мураккаблигини унинг кўз олдида намоён қилганлар, уни ҳаётга қомусий бир тарзда тайёрлаганлар. Буни улар, албатта, эпик жанрлардагига қараганда тафовутли бир тарзда, шеърятнинг ўзига хос бадиий имкониятлари даражасидан келиб чиқиб амалга оширганлар.

Чунончи, биз юқоридаги ғазал таҳлилида Огаҳий форсий шеърятдаги оддий инсонни тарбиялашни, тарбиялаганда ҳам уни тавба - тазарру, маънавий риёзат, ҳаётнинг турли жиҳатларидан келиб чиқиб, яшаш жараёнида орттирилган руҳий ғуборлардан илоҳий кайфият ёрдамида фориг қилиб, мағфират оҳанглирида тарбиялаганлигини кўрсак, навбатдаги ғазалда бу тарбиянинг бўлак бир жиҳатини, яъни, унинг, агар таъбир жоиз бўлса, салтанатга таъсир қилиш йўли билан амалга оширилишини кўзатамиз.

Бу оҳангда қалам сураб экан, Огаҳий ҳазратлари энди бир мунча ҳайбатли тарзда, глобалроқ қўламда фикрлайди. Яхши бир маънода «осмондан келиб» ижод этади. Одамни дабдабали иллатлардан фориг қилиш учун, заҳарни заҳар кесади, деганларидек, дабдабали оҳангларда наволар қилади:

*Ки эй, сендан бўлиб пурзёб қулоҳ, иқболу давлатлар,
Кўйингга бош кўйиб топди неча Хисравлар иззатлар.*

Огаҳий бобомизнинг бу мисралари бевосита илоҳий бир жамолга қаратилган хитоб бўлса ҳамки, шубҳасиз, у билвосита инсоннинг идрокига таъсир қилиш мақсадида битилган байтдир. Хусусан, иқболу давлат соҳибларини огоҳлантириш оҳанглирининг ўзига хос бир пешрав-саромадидир. Огаҳий бу байтда, хусусан, ўз даврининг хисравларига, уларнинг салтанати қандай илтифот эвазига ҳаёт кечириб турганлигини, улар бунинг билан керилмас-ликларини, балки мунтазам бир шукуроналик ҳамда огоҳлик ҳолатида ҳаёт кечиришлари лозимлигини уқтиради.

Огаҳий талқинича, инсон ва табиат, ҳар бир одамзод билан мазкур одамзод истиқоматда бўлган мулки борлик мустаҳкам боғлиқликдадирлар. Чунки шоир юқоридаги мисрада муайян атрибут ва шахслар («кулоҳ», «иқбол», «давлат», «Хисрав») атрофида фикрини айлантириб, мушоҳада юргизган ҳамда Оллоҳга ана шуларнинг мураббийсига қарата мурожаат қилгандек хитоб этган бўлса, энди илоҳий ижодкорга мутлақо бошқа «минбар»дан туриб, пурҳикмат мисраларини жаранглатади:

*Фалак юксаклигидан, офтоб ўз нуридин ҳайрон,
Кўйиб остонинга юз, топдилар меърожи рифъатлар.*

Оллоҳ даргоҳи шу қадар кенги, унинг остонасига нафақат офтоб, балки фалакнинг ўзи бош кўяди. Юксак даража топади. Бу буюкликнинг чинакам ўлчови, ҳақиқий мезонидир. Модомики шундай экан, салтанат эгаларининг керилишига ўрин қолмаслиги керак. Улар Оллоҳ бандаларининг бир меъёрда ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун яратилган тагин бир гуруҳ бандаларидирлар.

*Бўлиб офтоб тожинга гуҳар, тахтинга Зухро дур,
Бўлиб шоҳлар қулинг, орзу қилар қилмоқни хизматлар.*

Мана, ҳақиқий салтанат қаерда ва ҳақиқий султон ким! Модомики шундай экан, биринчи ғазалда таърифланган, илоҳий илтифотдан умидвор бандаларнинг ният ларига етмак учун иккинчи ғазалда тавсифланаётган бандалардан, яъни сохиби салтанатлардан хизмат зарур, адолат билан салтанат юргизмак лозим. Огаҳий ҳазратлари атайлаб, бир байтда салтанат аҳлини кўзда тутиб, Оллоҳи таолога мурожаат қилса, навбатдаги байтда самовот воси тасида фикрлаб, ҳақ субҳонаху ва таолонинг кудратига таҳсинлар ўқийди. Бироқ бу таҳсинлар таҳсин учунгина бўлмай, ҳар иккала, яъни инсоний ва самовий жиҳатларнинг бир-

бирларининг таъсирларидан ҳамда бу таъсирларнинг натижасида келиб чиқадиган оқибатлардан эмин эмасликларига ишора ҳамдир.

*Азиз бўлди гуҳар тожсингда, тахтингдан топиб дур зеб,
Бошингдан айланиб қилмиш фалак изҳор суръатлар.*

Биз товуш тезлиги деймиз, нур тезлиги деймиз. Булар фалакнинг Оллоҳга хизмати асносида кўрсатадиган тезликлар олдида нима бўлибди. Чунки товуш тезлиги фалакнинг майда бир жисмларининг бир - бирларига тўкнашувидан ҳосил бўладиган саслар, нур тезлиги бўлса ана шу фалакнинг бағрида, измида бўлмиш жисмлардан таралаётган ёруғликнинг тарқалиш тезлиги. Бу тезликларнинг барчаси фалакнинг ўзи кўрсатаётган тезликлари қошида тошбақа одимларидан ҳам соноқсиз карра оҳистароқ бир силжишлардир, холос.

Фалакки Оллоҳнинг хизматига шундай тезликлар билан шошилар экан, бандаларнинг Оллоҳ ҳамда бир - бирларининг хизматларига нақадар камарбаста бўлишлари лозимлигини англаб олиш қийин эмас. Негаки, инсоннинг инсонга хизмати инсоннинг Оллоҳга хизмати ҳамдир.

Оллоҳ илтифоти умид қилинади, бироқ талаб қилинмайди. Бу ҳақиқатни биз куйидаги байтдан идрок қилиши-миз мумкин:

*Бўлиб афкандаинг шоҳлар, кулоҳлар шармисорингдир,
Бўлиб арзандаинг Руму, Сифоҳон топди шавкатлар.*

*Топиб лутфинг-ла бахт шоҳлар, кулоҳлар фурқатинг ичра,
Сенинг ҳукмингда эрку, узлату, таҳқику суннатлар.*

Шуниси диққатга сазоворки, Огаҳийнинг ўзи, аниқроғи, шахси унинг тахаллуси билан ифода қилинаётган лирик қахрамон ана шу ҳақиқий салтанат эгасининг хизмату мадҳида бўлса ҳам, ўзини Оллоҳ кўйига бош

кўйган имтиёзли одам ўрнида кўрмайди. У ўзини камтарин тутиб дейдики:

*Бу музтар охири бир кун кўяр хоки кўйингга бош,
Дуоингни қилиб ҳаддин фузун кутгай ижобатлар.*

Бирок умидини узмайди:

*Ки эй хўблар шаҳи, Огоҳийингни сарфароз айла,
Ғамингдин қолмади жисминда онинг шавқу қувватлар.*

Эзгуликдан умидворлик ва бу йўлда муттасил саъй ҳаракатда яшамок, аён бўладики, Огоҳийнинг ижоддан мақсади, Оллоҳдан умидидир.



ДИЛ ТАЗАРРУСИ

Ҳазрат Огаҳийнинг «Ашъори форсий» мажмуасидан дасталанган шеърлари мутолааси жараёнида, мумтоз шоирлар ижодида бўлганидек, лирик қаҳрамоннинг илоҳий тавба-тазарруси оҳангларини теран ҳис қилиб турамиз.

Истиғфор оҳанглари мумтоз шеърятда ўзига хос талқин қилиб келинган, хусусан, бу оҳанглар ҳазрат Огаҳий каби аллома шоирлар ижодида тарбия кучига янада кўпроқ эга бўлади.

Огаҳий шеърятида лирик қаҳрамон тавба – тазаррусининг муҳим қирраларидан бири, инсоннинг ўз фаолиятида илоҳий бир ҳалолликка интилиб, беғараз яшамоғи лозимлиги, агар бундай ҳаёт тарзи насиб бўлмаса, бу ҳолдан ўқинч оҳанглариدير. Гарчи Огаҳийнинг бу мазмундаги шеърлари илоҳий жамол орзусидан жамолнинг ўзи мақсад бўлиб қолганидан пушаймонлиги руҳида эса-да, бу пушаймонлик замирида инсоний муносабатлардаги мурод-мақсадлар мавжудлигидан чекиладиган изтироблар ҳам муайян салмоққа эгадир:

*Висолини таманно айлабон қилди адабсизлик,
Бу қилмиш бирла Огоҳий юрар ҳеч кўркмаган кўйи.*

Шоир риёзатлар гирдобида ўз қаҳрамони билан ҳамнафас яшайди. Ўз тазарруси орқали камолотга эришиб, ҳақиқий ошиқлик бахтидан баҳраманд бўлмоқни орзу қилади. Бироқ бу орзу рўёбининг нақадар душвор эканлигидан огоҳ бир инсон сифатида шундай ёзади:

*Бу гўша аҳли аршин Огаҳийдан сўрмагил асло,
Тили ожиз жавобга, довдираб у алкан оқшом бу.*

У ўз шеърхонларига ушбу ҳаётнинг ниҳоятда улуғ бир неъмат эканлиги, аини пайтда, бу ҳаёт эртами – кечми

қандай яшаганлиги учун илоҳий бир сарҳисоб берилиши лозим бўлган армуғонлигини таъкидлайди:

*Дуоסי Огаҳийнингким қабул бўлмоққа оз қолди,
Умидим яхишироқ бўлгай бу дунёдин у дунёинг.*

Огаҳий ижодиётида тавба-тазарру мавзусидаги шеърлар икки хил тарзда учрайди. Биринчи хилдаги оҳанглар кум зарралари орасидаги олтин каби, умуман, лирик мавзуларнинг саноксиз жилоларига аралаш тарзда зоҳир бўлиб турса, иккинчи хилдаги зухурот мутлақо соф, «ёмби» тарзда рўй беради. Шоирнинг «Ашъори форсий» мажмуасига киритилган «Худовандо, баланд қилғил, чекаркан оҳ сахаргоҳ ман» мисраси билан бошланувчи ғазали ана шу иккинчи тоифадаги асарлар сирасига киради.

Мазкур ғазалдаги истиғфор нолалари ниҳоятда авж пардаларда бўлиб, дастлабки мисраларданок ўқувчини теранлиги ҳамда юксаклиги билан ҳайратга солади ва шунга яраша унга ҳам мана шу кайфиятни юқтиради. Байт:

*Заминни тобакай эзгай менинг залварли бу жоним,
Фалак сайрин насиб эт, то бўлай нурдек ёруғ оҳ ман.*

Англашиладики, рўйи замин шу қадар муборак ҳамда уқпардек самовий бир мавжудотдирки, ҳатто, ҳеч қандай бир жисмоний салмоққа эга бўлмаган, турган - битгани руҳонийликдан иборат жоннинг нисбатида ҳам у шундай бир нафосатли. Шу боисдан мазкур жон ўз залвари билан уни эзиб ташламоғи мумкин. Шунинг учун ҳам шоир илоҳий бир юксакликка ноил бўлмоқ учун, жисмнинг қандайдир бир олис улушлари таркибида мавжуд бўлган нафасли оҳни эмас, балки «ёруғ оҳ»ни, нурли фарёдни орзу қилади, ана шундай нола билан тавба-тазарру этмакни истайди. Бироқ бундай тавба-тазарруга ҳам, унинг қарашича, муносиб бўла билмоқ керак. Акс ҳолда бундай орзу-умид ҳам хомхаёллигича қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам шоирнинг лирик қаҳрамони «Нечун мақсудима

етгум, Менинг эрса қўлим қисқа ва чорам йўқ, дилим доғман»
деб изтироб чекади, бироқ ноумид бўлиб қолмайди:

*Этай васлингга, то йўл бошлагил лутфу иноятдин,
Фирогинг даштида ҳайрону саргардон, гумроҳман.*

Бу байтнинг ўзидан олдин келган «Нечун максудима», деб бошланувчи байтдаги умиднинг заиф оҳанглари бартараф қилиб жаранглаши Огаҳий ўз шеъриятида тавба-тазарру мавзусини нақадар теран поэтик таҳлил қилганлигини кўрсатади. Аён бўладики, инсоннинг ақли ҳамда юрагида тавба-тазарру жараёни ниҳоятда мураккаб ва машаққатли кечади. Огаҳий, таъбир жоиз бўлса, бу кечинмалар кардиограммасининг бирон-бир тебраниш чизигини ҳам шеърхондан пинҳон тутмайди.

Бу хол, ўз навбатида, шоир меросидаги истиғфор оҳанглари самимиятини таъмин этади. Ишонтиради. Шеърый асарнинг тарбияловчилик хусусиятини яна ҳам зиёда қилади.

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ғазалларидаги лирик қаҳрамоннинг пушаймон ва умиди шу қадар мустаҳкам ҳамда чамбарчасдирки, ҳатто, бир байтнинг ўзида ҳам униси, ҳам бунисига тааллуқли, ўқувчи фикратини ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлаб турадиган даражада зиддиятли оҳанглар мавжуд. Байт:

*Бари мақбуллар ҳаққи қувма иззат остонангдан,
Агар мен гарқи исён бўлмайин, мардуди даргоҳ ман.*

Огаҳий манзумаларидаги ўқувчи диққатини алоҳида тортадиган жозибали жиҳат шундаки, амал сўздан афзал кўринади. Эзгу амал билан мустаҳкамланмаган суҳанбозлик, Огаҳий фикрича, нуқсондир, иллатдир. Шоирнинг ғоясига кўра, юқори маънавий даражаларга фэйзсиз сўзлар, қуруқ насиҳатлар билан эмас, балки ибратлар билан эришилади. Шунинг учун ҳам шоир «Мени бефайзу носих тўдасидан сен халос айла, Ахир сув бирла ўт бир ерда бўлмас, бундан огоҳман», деб илтижо қилади.

Шоир талқинича, парвозлар пайтида инсон руҳиятининг қанотини қайириб, оёғига тош боғлайдиган яна бир офат бу-таъма, ғаразғўйлик. Шунинг учун ҳам Огаҳий бу офатни айнан юксалишнинг, айнан парвознинг зидди бўлмиш чоҳга ўхшатади:

*Халос айла таъма қопқонидан, лойиқи иззат қил,
Макон айлаб қозибдурман ғараздин ўзима чоҳ ман.*

Мутафаккир бобомиз инсоннинг муҳим фазилат-ларидан бири – унинг маънан озодлиги, инсоний ғурури эканлигини оғишмай илгари суради. Огаҳий шуни алоҳида таъкидлайдики, инсон инсонга муҳтож бўлмаслиги, инсон инсондан ҳеч бир нимарса тиламаслиги лозим. Инсон нимаики илтифот таъма қилса, Оллоҳдан таъма қилмоғи, нимаики тиламоқчи бўлса, фақат Оллоҳдан тиламоғи даркор. Ана шундагина унинг инсоний ғурури лат емайди, фазилатлари оёқости бўлмайди. «Мени фақру ғариблик тахтида сен барқарор қилғил, киё боқмай агар бўлса не мулку, давлату жоҳ ман». Мазкур байтдаги ҳолат Огаҳийнинг орзуси. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон билан ҳамнафас муаллиф ўзини бундай ҳолатга насиби рўзи қилмоқни Оллоҳдан тиланиш оҳангида қалам суради. Шоирнинг самимият даражаси шундаки, дил изтиробларини ўқувчисидан яширмайди, уни ўзига маҳрами роз, яъни энг яқин сирдош деб билади, унинг кўнгил кўзи олдида ўз юрагини урён бир аҳволда намоён этади. Шунинг учун ҳам у «Ажабмас ғафлатим авф айласанг рўзи жазоларда, Бошимдан, оҳ, кечирмишман бари солу, бари моҳ ман» деб ўз умидида барқарор туради, бу илтижосининг сабабини «Гуноҳи беҳисобимни афу айла ҳисоб пайти, Бўлибман анда, қайда бўлса ки ихфо ва ишбоҳ ман» каби байтда изҳор қилади.

Огаҳий ўз лирик қаҳрамони гуноҳлари сабабини ғафлатда деб билиши диққатга сазовордир. Бир вақтлар Сукрот «Барча эзгулик илмда, барча ёвузлик жаҳолатда» деган экан. Гуноҳга йўл қўймаслик учун савоб нима эканлигини яхши билмоқ, эзгулик сирларидан огоҳ бўлмоқ зарур.

Шунинг учун ҳам, Огаҳий, маърифатни ҳақиқат изловчиларнинг йўлчи юлдузи деб билади.

Одам бўлиш қийин, деймиз. Бу нима дегани? Ҳазрат Огаҳийнинг «Ашъори форсий» мажмуасида, хусусан, ундаги тавба-тазарру оҳангларида битилган мисраларда бу нақлнинг ҳикмати ўзининг бор мураккаблиги билан аён бўла боради. Одамийлик машаққати таҳлили, айниқса, мазкур мавзуда битилган шеърларнинг гултожи бўлмиш «Муножот»да яққол кўзга ташланади.

Огаҳий «Муножот»да Парвардигори оламга илтижосини «Йўлим йўк, ё илоҳо, дилда доғман, Бошимдан то оёқ тегру гуноҳман», деб бошлар экан, ўйлаймизки, фақат ўз шахсини эмас, балки, умуман, инсон табиатини кўзда тутди. Дарҳақиқат, Белинский таъбири билан айтганда, одам ҳайвон ҳам, фаришта ҳам эмас, балки одам. Огаҳий бобомизнинг оташин мисраларидан эса шу аён бўладики, одамнинг бахти ҳам, кулфати ҳам унинг ана шу одам эканлигидадир. Шу туфайли ҳам у, агар саъй-ҳаракатда бўлса, фариштадан ҳам афзал бўлмоғи, бордию, ўз-ўзини тарбиялаш, камолга етказишдек илоҳий ишни ташлаб қўйса, ҳайвонниқидан ҳам бадтар бир аҳволга тушиб қолмоғи ҳеч гап эмасдир. Огаҳийнинг шеър ёзишдан мақсади ҳам ўзидаги шу одамийликни мақомига етказишда, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам маърифий мадад кўрсатишда эканлиги «Ашъори форсий»нинг ҳар бир байтидан яққол англашилиб туради. Огаҳийнинг ўз ўқувчисини зиддиятли фикрлар гирдобига ташлаб туриши ҳам оҳангарнинг темирни ўтдан олиб сувга солиш орқали тоблашларини ёдга солади. Байт: «Бузуғ бир фикри дунё бирла мастман, магар, бир кофири дунёпарстман».

Муҳаммад Ризо Огаҳий «Худовандо, ба ҳаққи аҳли урфон!» деб хитоб қилар экан, ўзининг ана шу урфон аҳли сарварларидан бири эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ўзини хору забун бир гуноҳкор банди тарзида, ўз ўқувчилари билан бир сафда тутди. Шеърхон эса унинг маънавий даражалари юксак эканлигини теран англайди. Шунинг учун ҳам ўз маънавий манфаатларимиз йўлида ҳазрат Огаҳийга ғойибона қўшилиб, нидо қиламиз, илтижо этамиз, ўтинамиз:

Қабул қил Огаҳийнинг ҳам дуосин!...

ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ

Бошқа ижодкорларга кўр-кўрона тақлид билан шеър ёзиб бўлмайди. Бу ҳақда Навоий ҳазратлари шундай байт иншо этган.

*Хосса маъниларим эл ўзники қилса, қилдуқ
Кимса фарзанди қачон кимсага фарзанд бўлмиш.*

Ўзингдан пешқадам шоирларнинг таъсиридан баҳраманд бўлмасдан ҳам шеър ёзиб бўлмайди. Бу ҳақда ҳам Алишер Навоий ўзининг ноёб асари «Хамса»да айтиб ўтган:

*Ғазалда уч киши тавредур ул навъ,
Ки андин яхши йўқ назм эҳтимоли.
Бири мўъжазбаёнлиг соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли.
Бири Ийсонафаслиг ринди Шероз,
Фано дайринда масту лоуболи.
Бири қудсий асарлиг орифи жом,
Ки Жоми Жамдурур, сингон сафоли.
Навоий назмига боқсанг, эмастур
Аларнинг байтидин бир байти холи.*

Ижодига Мирзо Бедил шеърятининг таъсири ҳақида сўз юритмоқчи бўлаётганимиз ҳазрат Огаҳий ҳам куйидаги фикрни баён этган эди:

*Огаҳий, ким топгай эрди соз назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго.*

Огаҳий ижодиёти ҳудудсиз уммон, мазкур уммон кўплаб дарёлардан баҳравардир. Ва Мирзо Абдулқодир Бедил деб аталган дарё шундай таъсир манбаларидан биттаси. Шунинг учун ҳам биз Огаҳий тафаккур теранлигини, фавқулудда кўламдорлигини, мазмун кўпқатламлилигини Мирзо Абдулқодир Бедил таъсирининг ҳам самараси деб дадил айта оламиз.

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ҳам, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ҳам «Шабнамлар» радифли ғазаллари бор. Мазкур таъсир масаласида таҳлилу муқояса қилишга шу икки ғазалдан киришсак.

***Ёниқ дил гавҳари ё қатра – қатра ноб шабнамлар,
Ё кўз ёшдек жаҳон сирри ниҳон, ноёб шамнамлар,***

деб бошлайди ўз ғазалини Мирзо Бедил ҳазратлари. Шабнам мажоз тариқасида шоирга мусаффоликни, тиниқликни ифода этиш учун хизмат қилади. «Шабнам» сўзи шундай фикрлашга изн берадики, тиниқликда ҳам тиниқлик, мусаффоликда ҳам мусаффолик бор. Шабнамда эса замин билан боғлиқ бир самовий тиниқлик муайян маънода илоҳийлик касб этади. Огаҳийнинг «Шабнамлар»и бўлса бир мунча бўлак оҳангларда жаранглайди. Киётлик аллома шабнамларда ўз руҳияти билан ҳамдардлик мазмуни мавжуд эканлигини бўрттиради. Бу мажозни лирик қахрамон изтиробларининг мезони сифатида таъриф этади.

***Билолмам, не сабаб солди жигарга тоб шабнамлар
Эриб бошдан оёқ, дур эрди, бўлди об шабнамлар.***

Демак, шабнамлар илоҳий бир тиниқликдан мужда, дур бўлган ва дур бўладиган, бироқ муваққат бир равишда сувга айланиб, келажagini заминдаги ҳаётдан кутаётган, ўз қисматига маҳкум бир мўъжиза:

***Ки гафлат зулматин огоҳлик нурига жам қилмас,
Саҳар бедор ёнар милт-милт, ютиб зардоб, шабнамлар.***

Мирзо Бедил ҳазратларининг шабнамлари теран бир маънавий риёзатда яшаётган инсонларнинг умумлаш-тирилган қиёфасидирки, шунинг учун ҳам ҳазрат Огаҳийнинг «Шабнамлари» улар билан ҳамнафас, ҳамтақдир, ҳамфёълдир.

Шабнам – тун самараси. Шунинг учун ҳам «Ғафлат зулмати» дан огоҳдир ва табиийки, бу зулмат билан ўз борлигидан унга тонг туҳфа этаётган «Огоҳлик нури»нинг иттифоқини истамайди.

Чунки, шабнам учун «Жаҳолат зулмати» бўлмиш окшом нақадар мудҳиш бўлса, уни умридан Мосуво қилгувчи «Огоҳлик нури» ҳам шу қадар дахшатлидир.

Шоир буни, афтидан, икки дунё ғамида ҳаёт кечирмоқда бўлган камолотга толиб инсоннинг чекаётган дардларига ўхшатади. «Мурда ҳам маҳшар учун оввора, ором олмоқ не қадар душвордур!» деб хитоб қилган эди Бедил ҳазратлари бошқа бир ғазалида. Инсоннинг икки дунё ғамида бир умр изтироб чекиши шундан. Шабнамнинг ўз табиатига хилоф бир тарзда «зардоб ютиши» шундан. Инсон ҳам, шабнам ҳам дунёга мусаффолик рамзи сифатида ташриф буюрадилар. Бироқ фано уларни тинимсиз равишда ҳаёт-мамот имтиҳонлари гирдобига ташлаб туради. Шунинг учун ҳам Огаҳий бобомиз Мирзо Бедил ҳазратлари билан ҳамнафас фикрлайди. Гоҳ Огаҳийнинг фикрлари Мирзо Бедил фикрлари тўфайли тўлақонлик касб этса, гоҳ мўъжиза юз бериб, Мирзо Бедилнинг фикрлари Огаҳий бобомизнинг қаламидан тўкилган дурлар билан зеб топаётгандек туюлади гўё. Мана Огаҳий ҳазратларининг Мирзо Абдулқодир Бедилга ҳамоҳанг мисралари:

*Эди гул барглари устига кўрпа, бошига ёстик,
Нега ҳеч ухламай, тунлар эрур бехоб шабнамлар.*

Эътибор берсангиз, Бедил ҳазратларининг «Шабнамлари» «Ғафлат зулматин огоҳлик нурига жам» этмасдан, сахар милт-милт зардоб ютаётган риёзатсеварлар эди. Огаҳий ҳазратларининг «шабнамлари» эса гулбарглардан устига кўрпа

ёпиб, бошига ёстиқ солишларига қарамасдан, тунлари уйқудан маҳрум бўлиб, изтиробдадурлар. Нақадар қардош бу шабнамлар, тўғри эмасми?

Матлаъда Мирзо Бедил ҳазратлари «кўз ёшдек жаҳон сирри ниҳон» деб шабнамни сифатлаган ва бу билан жаҳонни қай даражада яхши билса, унинг сирларидан қай даражада кенг вокиф бўлса, шу даражада сердард бўлишини ифода этган эди, инсоннинг. Устоз шоир ўзининг навбатдаги байтида шу фикрни яна ҳам чуқурлаштиради, мустаҳкамлайди.

*Қаерга бормаин, кўз ёшларим менга ватан бўлди,
Жаҳонни қатралардан айлади селоб шабнамлар.*

Бу гал энди кўз ёш уни тўкаётган одам учун ватан. Шу қадар тансиқ, шу қадар мўътабар. Шоир фикрича, ҳар бир инсон ўзи чеккан дардларга мутаносиб равишда инсонийлашиб, боради. Демак, Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг «Дард чекса киши, ахийри инсон бўлғай» тарзидаги фикрини Бедил Мирзо байтидан «Киши қай даражада дард чекса, шу даражада инсонийроқ бўлиб борғай» деб ўқишимиз мумкин. Ва Мирзо Бедил талқинидаги шабнамлар шу кўз ёшга монанд камолот йўлида чекилган изтиробларнинг хос бир самараси, хазинасидир.

Бу байтдан келиб чиқадиган хулоса шуки, дард инсонни инсон тарзида шакллантирувчи изтиробли саодат ёхуд саодатли изтиробдир.

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг навбатдаги байтидаги шабнамлар энди бир мунча тафовутли мажозлардир:

*Бошидур саждада, шундан бу гулшан хокида бори,
Қилиб дилдор оёқин изларин меҳроб шабнамлар.*

Огаҳий бу байтда, Мирзо Бедил ҳазратларининг юқорида зикр қилинган мисраларидаги шабнамларга бахш этган сифати учун Оллоҳга шукроналар айтади. Улар, яъни шабнамлар ўзларини бу қадар муборак бунёд этганлиги

учун ҳар бир дамда милтиллаб Оллоҳга таҳсину тавозеъда, саждададирлар. Аён бўладики, шабнамлар ўзларининг мусаффо хизматлари билангина эмас, айти бир пайтда шу хизматларининг мубораклигини англаб етганликлари билан ҳам бахтиёрдирлар. Шу боис ҳам яратганга ибодат устига ибодатдадурлар. Демак, Мирзо Бедил ҳамда Муҳаммад Ризо Огаҳийларнинг талқинларича, инсон ўзига туҳфа қилинган неъматлари учунгина эмас, айти пайтда, ўзининг бошқаларга неъматлар туҳфа қилишига лаёқатли қилиб яратилганлиги ҳамда буни англаганлиги эвазига ҳам Оллоҳдан муттасил миннатдорликда бўлмоғи зарур. Боши Оллоҳнинг «Оёқ излари»да бўлмоғи лозим.

*Ўзингдан кетма дардинга бўлиб мазрур, кўзим ёши,
Ки сутдек нурларин қилди бу тун маҳтоб шабнамлар.*

Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратларининг мазкур байти дарднинг шунчаки дардмаслиги, аксинча у ҳаётий самаралар бергувчи қутлуғ бир илоҳий восита эканлиги тўғрисида даста-даста китоблар мазмунини бера олади.

Дарҳақиқат, инсон, тўлин ой ўзининг сутдек нурларини гўё тиник шабнамларга айлантиргани каби, ўзининг яхши ниятларини эзгу амалларга айлантириб иш кўрмаса, ундан на ўзи, на ўзгалар манфаат кўра олмайдилар.

Огаҳий ҳазратлари бўлса, гарчи инсоннинг умри шабнамники янглиг, мағрурлигининг нисбатига бор-йўғи бир лаҳза бўлса ҳам, ўзининг дардлилиги ҳамда ҳаётбахшлиги билан мазмунли эканлигини таъкидлайди. Илдизи Мирзо Бедил ғазалиётидан баҳраманд бўлган бу байт ҳам ўз салафи сингари инсонни камолотга ундайди.

Ҳар иккала байтдан келиб чиқадиган хулосаларни ўз фаолияти учун дастуриламал қилган ҳар бир одам, албатта, Мирзо Абдулқодир Бедил ҳамда Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳазратлари шеъриятини ўзи учун муҳим бир ҳаёт мактаби сифатида эътироф қилмоғи шубҳасиздир. Мана, Огаҳий ҳазратларининг юқорида фикр юритганимиздек байтдан баҳраманд мисралари:

*Бу бўстон ичра борлиқнинг фирибин ема сен асло,
Агарчи умри бир лаҳза, эрур ноёб шабнамлар.*

Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари ўзининг «Шабнамлар» радифли ғазалининг бешинчи байтида биринчи радифдаги «ё кўз ёшдек жаҳон сирри ниҳон, ноёб шабнамлар» мисрасидаги фикрни тараққий топтиради:

*Ажабмас кўз ёшим бўлса агар жононима манзур,
Не янглиз, оҳ, чарақлар, кўрса гар офтоб шабнамлар.*

Чиндан ҳам, «Ғафлат зулматини огоҳликка раво кўрмайдиган» «Жаҳон сирлари ниҳон» шабнамларга ўхшаганлиги туфайли кўз ёшга айланиб, лирик қаҳрамон учун «Ватан бўлган» кўз ёшлар «Жаҳонга» яъни Оллоҳга манзур бўлмаслиги мумкинми? Албатта, йўқ. Шунинг учун ҳам шабнамларни кўриб қувончдан чарақлаётган офтобнинг мазкур феъли инсоннинг хайрли амалларидан юз бераётган Оллоҳнинг розилигига ўхшайди, демоқчи бўлади шоир. Огаҳийнинг навбатдаги байтларидан бирида бу фикрга ҳамоҳанглик янгича бир поэтик талқинларда жаранглаб, айти пайтда, ўзининг аслиги билан ўқувчини хайратга солади:

Мирзо Бедил ғазалида шабнам образи орқали ифодаланаётган сиймонинг Огаҳий ғазалидаги худди шундай «Шабнам» билан қардошлиги бир онадан туғишган биродарлардек, бир-бирига ҳам ўхшаш ҳамда бир-биридан тафовутлидир. Мирзо Бедил ҳазратлари «юзи гуллар висолида кўринмас бахт нишони ҳеч, шу боис лолалар бағридадир хуноб шабнамлар», деб ҳар қандай етукликнинг ҳам фожеасиз бўлмаслигини ифодалайди. Инсон камолот йўлида машаққатларга шай туриши лозимлигини уқтиради. Маънавий юксалик қурбонлар талаб қилишини айтади. Огаҳий ҳазратлари эса ёзадилар:

*Агар ёр чехрасин кўрсам, ажабмас титрамоғим ҳеч,
Нечоғ титрар кўринганда, қаранг, офтоб шабнамлар.*

Бу демак, инсоннинг илоҳий дийдори, мутлақ камолот қошидаги масъулиятини англаш, олий бир жамол олдида шу масъулият туфайли довдирашидирки, бунинг, лирик қаҳрамон ихлос эътиқидан келиб чиқиб фикрласак, ажабланарли жиҳати йўқдир. Бу ҳолатни лирик қаҳрамон асл саодат деб англашини ҳисобга олсак, мазкур маъсулиятнинг аҳамияти яна ҳам ойдинлашади. Бироқ мавриди келганда Огаҳий шуни алоҳида уқтириб ўтишни ҳам ортиқча деб билмайдик, бу саодатдан мағрурланиш, ортиқча кибрга берилиш ҳам таҳликалидир. Фикрлаб кўринг:

*Баланд эрсангда паст бўл хокисорлар қошида доим,
Кўеш кўргач, ҳаво айлаб, бўлурлар соб шабнамлар.*

Мақтаъда ҳам Мирзо Бедил ва Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳазратлари бирдек юксак пардаларда, илоҳий оҳангларда наво киладилар. Устоз:

*Заифлик тавқи бўйнимда, ки юксакликка дахлим қўқ.
Оёқ остимда минг юлдуз каби сероб шабнамлар,*

деб, ўз руҳини камтарин ва улуғвор тутса, шогирд ҳам:

*Соқолим оқига ҳижронда кўз ёшим томиб тушиди,
Томибдир, Огаҳий, денглар, чиқиб маҳтоб, шабнамлар.*

деб, кексаликнинг шарофатига, муборак бир ҳислатларига ишора қилади. Ҳар иккала аллома ўзларини ҳам ерга уриб, осмонга юксалтиридилар гўё.

Ижодий таъсир хусусияти шундайки, икки ижодкор ҳаёти ўртасидаги вақтдан қатъий назар, руҳиятида, ижодий услубларда табиий муштаралик мавжуд бўлсагина, шогирд устознинг маҳоратидан баҳраманд бўла олади. Юқоридаги кузатишлардан аён бўладики, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг табиатида Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари билан табиий бир биродарликдан келиб чиққан маънавий эзгуликлар бор. Мана шу руҳий муштаракликнинг шарофати адабиётлар тарихида кўп кузатилган

мутаассирлик бахтини Огаҳий ҳазратларига тухфа қилганки, бу ҳам ўзбек шеърятининг саодат қирралардан биридир. Биз Мирзо Бедил ҳазратларининг Огаҳий ижодига таъсирини кузата борар эканмиз, бу таъсир аллома ғазалларидаги хусусиятлардан эмас, бошқа жанрлардаги асарларидан ҳам яққол намоён бўлганлигига гувоҳлик келтира оламиз.

Бу таъсирнинг баракоти, табиийки, айниқса Огаҳийнинг Мирзо Бедил ғазалларига боғлаган мухаммасларида яққол кўзга ташланади. Бизнинг қўлимизда Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг Мирзо Абдулқодир Бедил ғазалига боғлаган иккита мухаммаси бор. Маълумки, анъанавий шарқ шеърятда, хусусан, форсий ҳамда туркийзабон, шунингдек, уларнинг таъсиридаги арузнавис шоирларнинг ижодида бошқа бировнинг ғазалларига мухаммас боғлаш, яъни тахмис санъати тараққий топган. Бунда мисраларнинг бешга айлантирилиши масаланинг зоҳирий томони, холос. Муҳими, ана шу зоҳирий ҳамнафасликка ботиний бир муштараклик руҳини бахш этиш, икки одамнинг қаламига мансуб ҳамда ҳар банди беш мисрадан иборат яхлит бир асар – мухаммасни бир одам ёзгандек таассурот қолдирадиган даражага келтириш мухаммас боғлаш санъатининг моҳиятини ташкил этади. Бунда муаллифларнинг савиядошлиги, салоҳияти даражаларининг мутаносиб эканлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Огаҳий бобомизнинг Мирзо Абдулқодир Бедил ғазалларига боғлаган мухаммаслари ана шундай юксак талабларга жавоб бера оладиган даражадаги бадий сўз санъатининг намунаси бўла олади.

Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратларининг:

*Ки, юксакликнинг авжидан заифлик тутди роҳ анда,
Бошингни бунда эгсанг қилча, буклангай қулоҳ анда,*

матлаъли ғазали бор. Ғазалда тасаввуфий хислатларнинг бири бўлмиш хокисорлик, фақр улуғланади. Бу ҳаётда бошини, майли, қилча бўлсин, эгиб яшаган одам, Оллоҳ даргоҳида олиймақом бўлиши муқаррарлиги таъкидланади.

Ҳазрат Огаҳий бу ғазалга мухаммас боғлар экан, тахмисни илоҳий бир юксаклик даражасидаги фақрни улуғлашдан, яъни фақр аҳли ўз фақирлигини кадрлайдиган даргоҳ топа олса, шу даргоҳ мўътабар бўлишидан бошлайди:

Хуш ул даргоҳки, фақр аҳли қилолса дастигоҳ анда...

Бу даргоҳнинг адолатлилиги шундаки, у ҳақиқий эътиқод аҳлини қабул қилади. «Ўзидан кечиб», эзгу амаллари билан Оллоҳнинг розилигига эришган бандалар учунгина эшик очади.

Яъни:

Ўзидан кечмайин ҳеч ким тутолмас жойигоҳ анда. .

Ана шундай ихлос, эътиқод туфайли ўзида рухий қувватлар топа олганларнинггина маконидир у маъво, шунинг учун ҳам:

Қилибким хокисорлар саъй, гадолар подшоҳ анда...

ва натижада Огаҳий ҳазратлари илоҳий бир тахмисга эришади:

*Хуш ул даргоҳки, фақр аҳли қилолса дастигоҳ анда,
Ўзидан кечмайин ҳеч ким тутолмас жойигоҳ анда,
Қилибким хокисорлар саъй, гадолар подшоҳ анда,
Ки юксакликнинг авжиким, заифлик тутди роҳ анда,
Бошингни бунда эгсанг қилча, буклангай кулоҳ анда.*

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг Мирзо Абдуқодир Бедил ғазалига яна бир мухаммаси қуйидагича бошланади:

*Эй, ки, султони, келубдур сизга қул инсонингиз,
Осмон тушиши заминга, бўлгали дарбонингиз,
Кўрса ҳар бир кўзки бор, бўлмиши шу дам ҳайронингиз,
Барча оят қудратин зоҳир этибдур шонингиз,
Мулки борлиқнинг қийин ҳар иши бор-осонингиз.*

Бу мухаммас ҳам юкорида сўз юритганимиз мухаммас сингари фазилатларга эга бўлиб, Огаҳий ҳазратлари услуби учун хосдир.

Мирзо Абдулқодир Бедил ғазалига Огаҳий боғлаган иккита мухаммасининг биттаси ўн бир, иккинчиси етти банддан иборат бўлиб, жами, тўқсон мисра шеърдир. Бироқ мана шу тўқсон мисранинг ҳар биттасида бутун бошли бир рисолаининг мазмуни, ҳикмати бор.

Маълумингизким, шеър ҳикматининг мезонлари рақамларга итоат қилмайди. Бу ҳикматнинг залворли мураккаблиги сайёралар сингари, юрак томирлари янглиғ ёхуд юракнинг тебраниш чизиклари каби беўлчов ҳамда фавкуллоддир. Биз мана шу тўқсон мисрадан бутун бир дунёнинг мазмуни ва айни пайтда Ҳақ деб, Ҳақиқат деб ҳамнафасликда ураётган икки дил, яъни Мирзо Бедил ҳамда Муҳаммад Ризо Огаҳий юракларининг достонини англаймиз. Бундай идрок бизларни мана шу икки дил билан, икки юрак билан ҳамоҳанг, ҳаммаслак ҳаёт кечирмоқ бахтига мушарраф қилади.



БИР ТАЪРИХ ТАРИХИ

Таърихлар, яъни у ёки бу санага бағишланиб, аксар, китъа ёхуд бошқа турдаги шеърый жанрларда битилган ва асар ниҳоясида мазкур мисраларда тафсилотлари ҳақида сўз юритилаётган воқеа-ҳодисаларнинг санаси абжад ҳисоби воситасида келиб чиқадиган тегишли сўзлар ва иборалар билан зийнатланган обидалар силсиласида Муҳаммад Ризо Огаҳий қаламига мансуб асарлар алоҳида ўрин тутади.

Огаҳий ҳазратлари ўзининг таърихларида таомилга кўра қаламга олинаётган воқеанинг моҳиятини юксак маҳорат билан очиб беради ва пировардда, анъанага кўра, сана келиб чиқарадиган калит сўзни шеър таркибига юксак санъаткорлик билан сингдириб юборади. Шу жиҳатдан шоирнинг «Оллақулихон вафоти ва Раҳимқулихоннинг тахтга чиқиш таърихи»ни кузатиш мароқлидир. Таърихнинг дастлабки мисралари Оллақулихонни васф этишга бағишланади.

Бундай услуб, умуман таърихларга хос бўлиб, мазкур жанр ўзининг бу жиҳати билан, жиддий тафовутларга қарамасдан қасида билан ҳамоҳанг келади.

*Оллоқулихон, ки, хони одил,
Ул шоҳи фалакжаноб келди.*

Дастлабки мисраларданок шоир ўқувчи олдида ҳукмдор қандай бўлиши керак деган масалага ўз муносабатини билдиради. Огаҳий фикрича, ҳукмдордан даставвалига талаб қилинадиган фазилат бу – адолатдир. Бундай хислат соҳиби бўлган подшоҳ «Шоҳифалакжаноб», яъни даражаси осмон қадар юксак саналади. Шоирнинг эътирофича, марҳум Оллақулихон ана шундай сифатга эга ҳукмдор.

Шу ўринда нозик бир масалага аниқлик киритиб ўтиш зарур. Ҳамма ҳукмдорлар ҳам таърих ёхуд қасидаларда таърифлангандек фозил бўлганларми? Йўқ, албатта. Бу жиҳатдан Оллақулихон ҳам мустасно эмасдир. Бироқ қасида ва таърихлар анъанага кўра асарга қаҳрамон қилиб олинаётган шахсни фақат мадҳ этишдан иборат бўладики, бунда фақат мавжуд сифатлар эмас, балки орзу қилинган фазилатлар ҳам ҳақиқат тарзида ўқувчига тақдим этилган.

Таърихларда бу жиҳат аждодларимизга хос бўлган удум – марҳумлар ҳақида ёмон гапирмаслик анъанаси билан ҳам ўз изоҳини топиши мумкин. Бироқ шунини ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Оллоқулихоннинг фазилатлари тарихий манбаларда ҳам ўзининг тўла тасдиғини топади. Масалан:

*Халқ неъматини илтифоти бирлан
Олам ҳама баҳриёб келди,*

мисраларини ўқир эканмиз, таърих қаҳрамонининг тарихда ўчмас из қолдирган бунёдкорлик фаолиятини эсга оламиз. Оллақулихон карвонсаройи ва тимининг аҳли тужжор ҳамда бутун Хоразм аҳлига етказган манфаатини, инсонларга қанчадан-қанча ажойиб зиёлиларни етказиб берган Оллақулихон мадрасасини, Хиванинг серфайз обидаларидан бўлмиш Тошҳовлини, Оқ масжид, Сайидбой масжиди ва бошқа кўпгина иншоотларни эътиборда тутсак, Огаҳийнинг юқоридаги бир байтни бежиз битмаганлигига ишонамиз. Таърихда бошқа бир ҳақиқат ўзига хос аксини топганлигини кўриш мумкин. Маълумки, Оллоқулихон даврида Хоразм қўшинлари Хуросонга беш марта юриш қилдилар, бундан ташқари Хива хонлиги таркибига кирган халқларнинг ғалаёнлари бостирилди, Россия билан эса, аксинча, савдо – сотиқ ва дипломатик муносабатлар кучайтирилди. Оллоқулихоннинг шу ва шунга ўхшаш мураккаб сиёсий фаолияти шоир бобомизнинг:

*Йўлинда анинг-ки етти иқлим
Подшоҳлари бир туроб келди.
Зир титради қаҳридан бари ёв,
Чекмакка-ки изтироб келди,*

мисраларида ифода қилинганлигини кўрамыз.

Шоир ушбу таърихда бир ҳикматни қатъият билан уқтиради. Қарими-ёшми, гадоми-шоҳми ўлим ҳаммага баробар. Демак, жоҳ аҳли кибрланмаслиги, факр аҳли ўқинмаслиги керак. Чунки гарчи «Йўлинда етти иқлим подшоҳлари туроб келиб», «Қаҳридан бари ёв изтироб чекмоққа келган» бўлса ҳам, куйидаги кулфат юз беради:

*Чарх гардишига тушиб-ки ларза,
Сўнг аста бир инқилоб келди.*

Ва, энг ёмони:

*Етгач ажали, ўлим тўшақда,
Кўзига чу сўнгги хоб келди.
Дилларни ёқиблар мотаминда,
Ёш, кексага дард, азоб келди.*

Дарҳақиқат, шоирнинггина эмас, шоҳнинг-да мотами даҳшатлидир. Чунки бу ўлим юртда фавқулудда бир вазиятни келтириб чиқаради, халқ руҳини кўнгилсиз бир мавҳумот забт этади:

*Ҳар унга яқин юракни оташ
Қилмоққа атай кабоб келди.*

Огаҳий ҳам давр фарзанди эди. Бинобарин, у чигал вазият ечимини куйидаги мисраларда акс этган имкониятда кўради.

*Лек ворис анга Раҳимқулихон,
Чун шоҳи қамаррикоб келди.*

Ва..

*Ўлтурди атоси ўрнига ул,
Ҳақ ҳукмила комёб келди.*

Бу мисралар поэтик самимиятнинг юксак намунасидир. Бу байтнинг моҳиятини англаш учун “Комёб” сўзига алоҳида эҳтибор қаратмоқ лозим. “Комёб” бу – «ниятига етган», «орзуси ушалган» демакдир. Бир қарашда Раҳимқулихон ўз отасининг вафотини ва шу туфайли тахтга ўтиришни орзу қилгандек. Бирок, қанчалик эриш туюлмасин, инсон, хусусан, у тахт вориси бўлса, отасининг ўлимини орзу қилмайди, бироқ тахтга ўтиришни умид этади. Бу мураккабликни холис баён қилиши билан шоир психологик жиҳатдан юксак аниқликка эришган. Риёдан қочган.

Шундай қилиб, «Қирол ўлди, яшасин қирол» қабилидаги воқеа юз беради, яъни:

*Жон ёқзучи мотам ўтди, сўнгра
Шодлик бари беҳисоб келди.*

Шоир бу мураккаб жараёни холис ёритишда давом қилади:

*Қошига анинг дуога эл-юрт
Бепардау бениқоб келди.
Оламда не дўст, барин дуоси,
Юз шукурки, мустажоб келди.*

Оллоқулихоннинг вафоти нақадар қайғули бўлса, Раҳимқулихоннинг тахтга чиқиши шу қадар қувончли бўлганлигини шоир шахсий кўламда таъкидлаш билан кифояланиб қолмасдан, ижтимоий миқёсда ҳам алоҳида бўрттириб кўрсатади:

*Оҳ, кетдию кекса бу жаҳоннинг
Тахти уза ёш – шабоб келди.*

Шоир таърихнинг охирида бу мантиқни яна ҳам қиёмига етказди:

*Осмонга бошинг етиб, дединг сен,
“Ой кетди-ю, офтоб келди”.*

«Ой кетди-ю офтоб келди» аслиятда «Маҳ рафту, офтоб омад» тарзида бўлиб, мазкур мисра харфларининг рақам кийматлари 1843 сонини (яъни шу сон ифодалаётган йилни) кўрсатадики, ана шу мисра таърих яратилишидан қисман кўзда тутилган мақсаддир. «Қисман» деяётганимиз шу боисданки, мақсад фақат воқеа санасини кўрсатишдангина иборат бўлмай, балки шу воқеани вужудга келтирган ижтимоий-сиёсий шарт-шароитни, иштирокчи шахслар хусусиятларини ва буларнинг барчасига муаллифнинг муносабатини кўрсатишдан ҳам иборатдир. Шу боисдан ҳам таърихлар ўзига хос шеърий йилнома, тирик тарихнинг мисраларга нақш қилиниб, келажак учун асраб қўйиладиган хазинаси, таърихнавис шоир эса хазинабонидир.



АСРЛАРНИ ЯШНАТГАН БОҒЛАР

Устоз Эркин Самандарга

Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўгли Огаҳий ижодида боғлар мавзуси алоҳида бир файз билан жаранглаб туради. Шоир меросидаги ушбу мавзуга тааллуқли кўплаб мисраларни мутолаа қилар экансан, беҳудуд бир боғистонга, боғистон бўлганда ҳам, бир кириб қолсанг, тарк этишни хаёлга ҳам келтира олмайдиган боғистонга, яна ҳам аниқроғи, боғистон-ларнинг маржон тизимларига дуч келгандай сезасан ўзингни.

Шоирга, аввало, дунёнинг ўзи бир боғ, бир бўстон бўлиб туюлишида улкан ҳикмат бор. «Кенга кенг дунё, торга тор дунё», деганларидек, «Бориб аҳбоб бир-бир, мен қолиб бир гўшада ёлғиз, маконим чўгздек доим хароб ўлғонга йиғларман» - деб фиғону нолалар қилган шоир, ўз ҳаётининг сурурли лаҳзаларида, боғлар тўғрисидаги туркум маснавийларини:

*Даҳрики, бир боғи мусаффодурур,
Бошдан аёқ зеб ила ородурур,*

мисралари билан бошланадиган масрур манзума билан ибтидолантиради.

Шоирнинг бу маснавийси, унинг бутун мероси сингари, фалсафий мушоҳадаларга бой, ҳаётсеварлик руҳи билан суғорилган. Огаҳий таърифлаган боғларга хаёлан кириб қолиб, чиққинг келмагани каби, унинг шеърларини, хусусан, боғлар тўғрисида битган мисраларини ўқиганинг сайин – яшагинг, яшаганинг сари бундай бетимсол шеърларни ўқийвергинг келади.

Огаҳий даҳр боғини таърифлар экан, бу боғда ҳаёт кечириши керак бўлган одамларнинг инсоний

фазилатларига, бир қарашда, батафсил тўхталиб ўтирмайди. Уларни «айш ила ишрат аҳли» деб қўя қолади. Бироқ бу боғнинг жаннатга ўхшатилишидан билса бўладики, унда яшаш керак бўлганлар, табиатан, жаннатга муносиб одамлардир. Шунга кўра, Огаҳий боғлар гўзаллигини таъриф этар экан, ўз замондошларига гўё сўзсиз бир савол билан мурожаат қилиб туради: «Даҳр боғи шундай. Хўш, сизлар унда яшашга лойиқмисизлар?»

Огаҳий таърифича, шамоллари Исо алайҳиссалом нафасидек бу боғ замондошларига, замондошлари бу боғга муносиб бўлганлари билан, бу боғда кечириладиган ҳаёт бениҳоя мураккаб ва қалтисдир. Бу боғда ҳар бир одамга кўрсатиладиган илоҳий илтифот мазкур одамнинг ана шу илтифотга мутаносиб инсоний ҳаёт кечиришини тақозо қилади. Ҳаёт боғининг бу қонуни шоҳу гадога баробардир. Чунки бу боғнинг:

*Давлатига ҳар киши гар топса даст,
Бўлса неча кун онго мағруру маст,
Борғуси давлат, қолибон ҳасрати,
Ҳасратига орзимагай давлати.
Онда агар шоҳу гадо гар дурур,
Чекқали ҳасратни баробардурур.
Кўрки, Скандар била Баҳрому Жам
Ёлғиз олар йўққи, неча шоҳ ҳам ...
Ҳосил эта олмайин аммо мурод,
Ҳасрат ила борди бари номурод.*

Модомики шундай экан, Огаҳий маслаҳатича, ҳар бир инсон:

*Кўргай онинг айшию ранжсини тенг,
Билгай онинг фақрию ганжсини тенг.
Одат ўлиб сабру қаноат анга,
Иш туну кун бўлгай ибодат анго.*

Шундан сўнг Огаҳий хазратлари ўзига мурожаат қилиб, дейдики:

*Халқ аро гар огаҳ эсанг, Огаҳий,
Бегараз ар сўзни десанг, Огаҳий,
Чунки эрур бошдан аёқ чин сўзинг,
Лек керакдур амал этсанг ўзинг.
Гар амалинг бўлмаса, не фойда,
Барча сўзинг бўлгуси бефойда.*

Огаҳий умр бўйи ўз сўзига амал қилиб яшади. У ўзи тараннум этган «Даҳр боғи»ни, яъни ўзи истиқомат қилаётган замин ва замонни инсоний ҳаётга муносиб қилиш, уни яшнат-иш, ўз даврининг илм-фани, адабиёт ва санъатини тараққий топтириш, Хоразм тупроғидан, бу тупроқ нимагаки лаёқатли бўлса, ана шу ноз неъматларни ундириб-ўстириш учун шеърлар ижод этди, тарихнавислик қилди, телба Жайхунга «ақл киргизиб», унинг сувларини ўз мадҳига муносиб, серфайз боғларга «етаклаб» келиш учун мироблик мартабасида бўлди.

«Даҳр боғи» маснавийси, албатта, шоир ва унинг замондошлари ҳаёт кечираётган дунё тўғрисидаги мажозий асар. Бироқ, Хоразмнинг Огаҳий ҳаёт кечирган ҳамда ундан олдинги ва ундан кейинги даврларида ақл бовар қилмайдиган даражада серҳосил ва анвойи мевалари билан машхур боғлари, полизлари, ноз-неъматларга кон тупроғи мавжуд эдики, Жайхун дарёмизнинг ҳар бир ҳовуч суви бу тупроқнинг бир парчасини ҳам тўйдирарди, ҳам кондирарди. Огаҳий бобомиз ўзининг мироблик фаолияти билан бу тупроқда юз бераётган мўъжизаларни яратибгина колмасдан, ана шу тупроқда қад ростлаган боғлар тўғрисида, уларнинг одамларга етказаетган муайян ҳам моддий, ҳам рухий манфаатлари хусусида ижод этди. Гарчи у бир байтида:

*Даҳр қасриким ҳақиқатда кўҳан вайронадур,
Они ҳар ким маскан этмак истади-девонадур,*

деб ҳасрат чеккан бўлса ҳам, бу «Қаср», аслида, инсонларча ҳаёт кечиршига муносиб эканлигини қайта – қайта таъкидлади.

Огаҳий шеърларининг ҳар биттаси муайян боғларнинг муайян тавсифларига бағишланган бўлсада, уларда « даҳр боғи» маснавийсидагидек ҳаёт, унинг роҳату машаққатлари тўғрисидагидек фалсафий мулоҳазалар, бадий тафаккур йўсинлари маснавийдан маснавийга «мерос» бўлиб ўта боради.

Навбатдаги «Рафинак боғи тасвири» маснавийси ҳам, табиийки, ана шундай руҳ билан суғорилган. Огаҳий Ушбу маснавийсидан гўёки ҳар бир туп дарахтни алоҳида шарафлайди. Уларни бирма-бир шеърий тухфалар билан ардоқлайди. Шоир ўзининг истездоди шарофатидан боғнинг баҳраманд бўлишига, ҳар бир ниҳолнинг шеърий хушомаддан янада гуллаб –яшнаб, аввалгидан баракалироқ ҳосилга киришидан умидвор бир қалам миришкори сифатида шеър битади:

*Ажиб боге дурур ҳадду гаронсиз,
Бутуб онда дарахт аснофи сонсиз.*

Шоир мана шу «Сонсиз дарахт аснофи»дан, турларидан ҳайратланиб чарчамайди, ўзининг ҳайратини шеърга солиб, толмайди:

*Очиб гул саҳнида ҳар ён шажаралар,
Аён айлаб неча турлук самаралар.
Агар бир кўрса они ҳури жаннат,
Мудом айлар тамошосига рағбат ...*

Огаҳий ҳар боғнинг бўлак бир файзи, алоҳида бир фариштаси борлигини яхши англайди. Ҳар бир боғ ташналигини мироб сифатида Жайхуннинг зилол сувлари билан кондиргани учунми, ана шу фариштани осонликча кашф этади.

Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир боғга бағишланган маснавийси алоҳида бир файзли. Шунинг учун, Огаҳий ҳар бир боғни таърифлаётиб, унинг учун алоҳида бир оҳанг, бўлакча бир бадий воситаларни танлайди. Масалан, Хива боғининг мадҳига битилган шеър ҳар бир зироатнинг, ҳар бир мевали дарахтнинг бетакрор сифатларини тараннум қилиши билан алоҳида жозиблага эга:

*Пишиб мевалар ҳар тараф беҳисоб,
Жаҳон лаззатидан бўлиб комёб.
Туман минг гул атрофида очилиб,
Гул устига сунбул доғи сочилиб.
Агар қилса ҳар ким тамошосини,
Йўқ этгувси жаннат таманносини*

Кўҳна Урганч боғи эса шоир назарида мусаффолиги, ҳавосининг тозалиги билан ажралиб туради. Ҳавоси мусаффо бўлган боғлар орасидан биттасининг хушҳаволигини алоҳида бўрттириб кўрсатиш учун мазкур боғ ҳавоси нақадар тоза бўлиши кераклигини тасаввур қилиш ўқувчига алоҳида бир маънавий қаноатланиш кайфиятини тухфа қилиши муқаррар.

*Мусаффоликда йўқ монанди онинг,
Жинон аҳли эрур дилбанди онинг.
Қусури қасри жаннатдин муалло,
Фазоси равза сахнидин дилоро.
Келиб назҳатда боғи дилкушоси,
Риёзу хулднинг равнақфизоси.*

Абадий боғлар бўлмайди, бироқ абадият боғлари бўлади. Қасрлари жаннат қасрларидан юксак, ҳавоси жаннат сахнидан ҳам дилга оро бергувчироқ бу боғлар шоир руҳига фарах бахш этиб, дилини хушнуд қилади. Жонига Сафо бахш этади. Фақатгина боғ эмас, ҳовузлари ҳам шоир кайфиятини зийнатлайди...

Шуни таъкидлаш жоизки, Огаҳий ўз давридаги Хоразм боғларини тавсифлар экан, мазкур боғларга ёндоштириб қурилган, аниқроғи, мазкур боғларнинг таркибий бир қисми бўлган боғ биноларини ҳам тасвирлайди. Уларни қуришга сарфланган меҳнатни, меъморларнинг истеъдодини, бинокорларнинг салоҳиятини алоҳида бир ихлос ва маҳорат билан ифодалайди. Бу хусусиятни биз айниқса «Рафинак боғидаги бино тасвири» ва «Тошовуз боғи» маснавийларида кўраимиз:

*Эрур ҳар бийрида андоқ маҳорат,
Ки, таърифида ожиздир иборат.
Бўлуб қасри фалак тарҳини тузмак,
Аларга бир каттак тарҳини тузмак.*

Шоир мана шундай салоҳияти юксак меъморларга яраша қурувчилар бўлганлигини ҳам алоҳида ифтихор ҳисси билан таъриф этади.

*Йўнарда тош аларни кўрса Фарҳод ,
Борин қилгай эди ўзига устод.*

Огаҳийнинг шоирона нигоҳидан оддий, «қора» ишларни бажараётган дастёрлар ҳам четда қолмайди. У ҳавозалар пастида кетаётган қизғин ишларни ҳам бутун тафсилотлари билан, шунинг билан бир пайтда, жуда мароқли бир тарзда таърифлайди:

*Неча кирпич ташурга боғлабон бел,
Таку пў кўргузиб, ул навъиким ел.*

Мана шундай фидокорона меҳнат натижасида, масалан, Тошовуз боғи маснавийсида таърифланганидек, мухташам боғ қасрлари бунёд бўлганлиги шубҳасиздир:

*Бино ҳар сори топиб неча айвон,
Ҳавоси руҳбахшу, роҳати жон...*

Огаҳий ушбу мисраларнинг ўзидаёқ боғда бино қурмоқдан бош мақсадни эслатади:

*Бутуб онда ниҳоятсиз шажарлар,
Пишиб ҳар ён шажар узра самарлар...*

Шуниси диққатга сазоворки, боғда битган ноз неъматларни, дарахтларни таърифлар экан, шоир ҳар бирини битта инсоний фазилат билан зийнатлаб тавсиф этади. Масалан, шоир токни қўлларини мардона, шоир таъбири билан айтганда, «бебок», яъни қўркувсиз узатаётган одамга ўхшатади:

*Ҳавога майл айлаб ток ҳар ён,
Узотиб қўлларин бебок ҳар ён.*

Огаҳий мадҳидаги боғларда ариқлардан оққан сув жон шираси.

Ҳаётбахш бу боғлар таърифини ўйлаб, шундай фикрга келиш мумкинки, буюк боғлари бор юртдан буюк одамлар етишиб чиқадилар. Бунга мисол Огаҳий ва Огаҳий каби мумтоз аждодларимиз таъриф этган боғлар, Огаҳий ва Огаҳий каби бобокалонларимизнинг ўзлари...

...беихтиёр, қадимий Бобил мамлакатадаги Семирами-данинг юксак боғлари ёдга тушади. Манбаларнинг хабар беришларича («Википедия қомуси»- Интернет) Бобил подшоҳи Навуходносор эрамиздан аввалги (605-562 йй.) Ассириянинг талончиликдан иборат адолатсиз урушларига чидай олмасдан, Мидия шоҳи Кнаксор билан душманга қарши иттифоқ тузади. Улар ғалаба қозонишгач, душманнинг ерларини бўлиб олишади. Бу зафар Бобил шоҳининг иттифоқчи мамлакат подшоҳининг қизи Семирамидага уйланиши билан мустаҳкамланади.

Тоғли, хушманзара ва салқин ерларда камол топган гўзал Семирамидага шовкин-суронга тўла, жазирама, серчанг Бобил хуш келмайди. Навуходоносор маликанинг кўнглини очиш учун юксак пирамида тиклаб, мана шу пирамиданинг томонларига босқичма –босқич ёндоштириб қурилган осма боғлар бунёд қилади. Бу боғларнинг ҳар бир қавати йигирма беш метр келадиган устунлар устида барпо қилинган эди. Сизот сувлар чаккаламаслиги учун ҳар бир қаватга қамишлар аралаш асфалт ётқизилган, сўнгра ганж билан икки қатлам ғишт ўрилган ҳамда ана шу ғишт қатламларининг устига кўрғошин қопланиб, устига қалин унумдор тупроқ тўшалган ҳар бир тарафи қирқ-эллик метр келадиган нотўғри тўтбурчакдан иборат бу боғлар, бир қарашда, осмонда муаллақ тургандек таассурот қолдирар эди...

Бу боғлар узоқ умр кўрди. Бу боғлар бир неча асрдан сўнг, Бобилни Искандар Мақдуний эгаллаганда ҳам, барҳаёт эдилар. Буюк лашкарбоши шу боғларнинг кучоғида жон берди. Сўнгра Фирот дарёсида устунлар ичига ўрнатилиб, кучли босим билан боғларга бир неча юз йиллар давомида мутгасил берилиб турган сувлар жилдиришдан тўхтади, мўъжаз шаршараларнинг ёқимли овози тинди... Семирамида боғлари аста-секин ташландиқ аҳволга келди. Сув тошқинлари пайтида устунларнинг аввало тошасослари нуради, кейин боғларнинг ўзлари қаватма-қават кулаб тушди. Жаҳондаги етти мўъжизанинг бири ана шу тарзда вайрон бўлди.

* * *

Семирамида боғларига Фирот дарёси ҳаёт бахш этган бўлса, Огаҳий таърифидаги Хоразм боғларига яна шу Огаҳий ҳазратларининг ўзи:

*Ажиб дарёки, кўргузгач талотум,
Қолур қаҳрида онинг чархи анжум.*

*Эрур мағрибга машириқдан равона,
Хирад топмай каноридин нишона.
Демаким, тўлгонур гирдоби онинг,
Юторга кўкни печу тоби онинг,*

деб таърифлаган Жайхун жон бағишлаётган эди.

Огаҳий ҳазратлари бу боғларга шу даражада меҳр кўйган эдики, унинг учун ана шу боғлардаги ҳар бир навниҳолнинг ўзи бир Семирамида эди.

*Чекиб қад ҳар тарафдан сарву ножу,
Тузуб қумри алар ишқида қу-қу.
Тушуб ул зеб ила гул узра сунбул.
Ки, хўблар орази устига коқул.*

Бирок, қайси дарёдан сув ичиб, қайса маъвода униб ўсмасинлар, бирибир боғлар абадий бўлмайдилар. Ҳатто шоҳона парваришлар ҳам, кўриб турганимиздек, уларни таназзулдан саклаб қола билмайди. Бир кунмас, бир кун Семирамиданинг осма боғлари, Семирамиданинг осмон боғлари янглиғ, ҳар қанча юксақда бўлсалар ҳам, уларни, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, «Ҳазон сипоҳи» забт этади. Огаҳий ҳазратларининг атрофидаги боғлар, ҳаёли ва орзу умидларидаги боғлар ҳам, агарчи улар шоҳона бўлсаларда, мангу эмас эдилар. Шоирнинг:

*Топди ул навъ зебу оро боз,
Ки, эрур жонга роҳатафзо боз,*

матлаъси билан бошланадиган ғазали бор. Ана шу ғазалини шоир бундай мисралар билан яқунлайди:

*Жумла олам беҳишт аҳли киби
Шодлик бирла қилди маъво боз.
Лек умрим аро мане маҳзун
Билмадим не эконин асло боз.*

*Байтул аҳзоним ичра субҳу масо
Ўтди умрим, қилиб таманно бог.
Нечун очилсун Огаҳий табъи,
Ки, қилмамиш даме тамошо бог.*

Огаҳий бобомиз орзу қилган боғлар умри боқий жаннат боғлари эди. Илоҳо, бу боғлар ҳамма умидвор одамларга насиб бўлсин...

...Ҳаёт боғлари ҳам, соғинган кўринадилар, бизларни йўқлаб, бир-бир қайтиб келмоқдалар... Барибир, армонли дунё бу. Шоир айтганидек:

*Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санго бир кўлча ер,
Борча умрингдан на ҳосил, айласанг мироблиг.*

Бирок, барибир, умидли дунё бу. Огаҳийнинг устози Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек:

*Хушдурур боги коинот гули,
Лек баридин хушроқдурур ҳаёт гули.*



ТИЛ ТОПИШГАН ДИЛЛАР

Шавкат Абдурахимовга

Тилни тушунмаган, дилни тушунмайди, дейдилар.

Дил, аслида, тушунишдан-да юксак, сўзлардан теран, туйғу билангина илғанадиган, поэтик Сўз билангина ёхуд мусиқа туфайли мушоҳада қилинадиган ҳикматлар ошиёнидир.

Агар шеърда ифодаланса бу улугвор бир муайянликдан иборат мавҳумотни ёхуд ҳайбатли бир мавҳумот туфайли шаклланган муайянликни тилдан тилга, руҳдан руҳга олиб ўтишга шоир – таржимонларгина лаёқатлидир.

Чунончи:

*Эй кўнгил, одам хаёл айлаб дема нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.
Сўздир инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо,
Они хор этма, дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.*

Таржимон бизни сеҳрлай бошлайди. Сеҳр ҳикмати шундайки, бизда бу газални Огаҳий ҳазратлари рус тилида ёзгандек таассуурот қолдирмоқни истайди. Ва бунга у қисман эришади ҳам:

*Не раскрывайся перед глупцом, ему вверяя слово,
Не человек он, лишь поймет душа людская слово.
Оно алмаз в сердцах людей, и неразумной твари
Не должен ты его дарить, зря унижая слово.*

(Р. Д. Моран таржимаси)

Нима учун қисман дедик? Чунки, масалан Огаҳийнинг ўзи дунёга бошқатдан келиб, унга рус тили тақдир қилинганида ҳам, у ўз газалларини ўзбек тилида

ёзганидек даражада бита олмаган бўлур эди. Чунки ҳар бир тилнинг хусусияти, инжиқликлари, анъаналари, сеҳр-жодуси бўлак.

Бир гал эмас, бир гал таржимоннинг “дўпписи тор келиб қолиши” мумкин. Бадий таржима, хусусан, шеър таржимаси, ана шу “тор келиб қолган дўппи”ни ҳам ўрнига туширишдан иборат.

*Бу жаҳонда борча ишдан қоттизу душвордир,
Огаҳий, маъқул қилмоқ беҳаё, нодонга сўз.*

Таржимаси:

*Что ты не скажешь, Агахи, невежда не услышит,
Пусть даже в ухо затрубит сильнее карная слово.*

Юқоридаги бадий таржиманинг сўзма сўз таржимаси: Огаҳий, нимаики айтсанг, жоҳил эшитмайди, сўзни қулоғига карнайдан қаттиқроқ қилиб чалсанг ҳам нафи йўқ. Кўриб турганимиздек, таржимон маъно аниқлигига эришолмаган, бироқ руҳ аниқлиги, мазмун аниқлиги биринчи навбатда талаб қилинадиган жиҳатдир.

Бироқ бундай “дўпписи тор келишлар”, гап моҳир таржимон ҳақида кетаётган бўлса, камдан-кам юз беради. Чунки сеҳргар таржимон шеърнинг, тилнинг бундай инжиқликларига ўз маҳоратини қарши қўя билади.

Огаҳий:

*Сангидил, жоҳилга, тонг йўқ, сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.*

Таржимаси:

*Как невозможно звуком слов влиять на наковальню,
Так и для каменных сердец игра пустая слово.*

Шеър таржимаси ҳамиша эркин бўлади. Биз шеър таржимасининг бундай эркинлигига эътиборни қаратар

эканмиз, икки тилдан ҳам бохабар одамлар у ёки бу шеърни таржима ҳамда аслиятини қиёсий мутәлаа қилган пайтларида, сўзма сўз таржима даражасидаги аниқликни талаб қилаверишлари ножоиз эканлигини алоҳида таъкид-ламоқчимиз. Таржима санъати маъно аниқлигини эмас, мазмун аниқлигини, яна ҳам аниқроғи, руҳий ҳамоҳангликни “ёктириши”ни, бинобарин шоир-таржимон ҳам биринчи навбатда масаланинг ана шу тарафига диққат-эътиборни қаратиши муҳимлигини таъкидламоқчимиз.

Мисолларга мурожаат қиламиз:

*Эсиб ҳар соридин бўстонлар ичра руҳпарвар ел,
Масихо мўъжзидин ҳар нафас урғуси дам сахро.*

Таржимаси:

*Мессия будто снизошел, и даже на чужбине
Повеял нежный ветерок, и к нам не зла пустыня.*

Сўзма сўз таржимаси:

Заминга мессия (масих, иноят, шахсий нажот) тушди-ю, ҳатто мусофирликда ҳам шабада эсиб қолди, бизга сахро жаҳлдор эмас.

Бу пайтда таржимон Исо Масихнинг образи христиан динида ҳам барқарор эканлигини, ҳазрати Исо аввало яхудийлар динида, кейинроқ христианликда ҳам бандаларни ёвузликдан ва ёвузлардан халос қилиш учун заминга қайтиб келиши ҳақидаги ақидани назарда тутган ҳолда ҳамда бундай фикрлаш рус тилли ўқувчига етиб бориши осон бўлишини, шунингдек, аслиятнинг ҳам мазмун моҳиятини бузмаслигини ҳисобга олиб, таржимон ана шу илоҳий “қайтиб келиш”ни ифодалайдиган Мессия истилоҳини қўлайди. Шунга монанд равишда, аслиятда бўлмаган, бироқ “Мессия” каломидан келиб чиқилиб, пайғамбарларнинг, жумладан, Исо алайҳиссаломнинг ҳам умри зору саргардонликда ўтганлигини ҳисобга олиб, “мусофирлик” “гурбат” сўзидаги маънони ифодалайдиган “чужбина” сўзини ишлатади.

Таржимон шоир Н. Гребнев эса туюқларни таржима қилиш соҳасида Огаҳий мисраларини русий забон ўқувчиларга етказишда сезиларли муваффақиятларга эришган. Шеърятдан озми кўпми воқиф кишиларга яхши маълумки, туюқларда маъно жиҳатидан ҳар хил, бироқ зоҳирий шаклдош сўзлардан шеър яратилади. Бу жанрда тажнис санъати фаол иштирок қилади. Амоним сўзларнинг маъно товланишидан бунёд бўлган шеърнинг ҳам шаклий, ҳам мазмун товланиш жилоларини таржима қилиш бир қарашда мумкин бўлмаган иш. Бироқ таржимон-шоирнинг шоирлиги шундаки, у туюқларнинг мазмунини, руҳини иккинчи бир тилга муқобил шеърӣй эквивалентлар яратиш воситасида ўз ижодий максадига эришади.

*Ғам юки то қоматим ё қилмади,
Оҳим ўтига фалак ёқилмади.
Қилмади раҳме манго, худ ўзгага
Билмадимким, қилдимۇ ё қилмади.*

Таржимаси:

*В лук превратила скорбь мой тонкий, стройный стан,
Мой стон воспламенил на небе звездный стан.
Каким же быть должно светил расположенье,
Чтоб проявила ты ко мне расположенье?*

Таржиманинг сўзма сўз таржимаси: “Ҳасрат менинг адл қоматимни камонга айлантирди, менинг инграшим самодаги юлдузлар тўдасини аланга олдирди. Сен менга мойиллик кўрсатишинг учун сайёраларнинг ўзаро жойлашуви қандай бўлиши керак?”

Кўриб турганингиздек, таржима аслиятдан жиддий фарқ қилади. Бироқ бу таржимани рус тилида ўқиб кўрсангиз, кўнглингизда аслият мутолаасидан олганингиз таассуротга монанд туйғулар уйғотади-ки, бу уйғунлик таржима тафовутларини оқлайди.

Аслият ўз қаърига, ўз анъаналарига қанчалик теран томир отган бўлса, таржимонга шунчалик қийин бўлади. Бу ҳолда ана шу анъаналарга хос бўлган маънавий фазилатларни бошқа тилда аслиятдаги залвар, аслиятдаги фазилатлар билан, ҳатто муаллиф билан мутаржимнинг салоҳияти бир хил даражада бўлса ҳам, мутаносиб тарзда қайта тиклаш ниҳоятда душвордир.

Дейлик, Огаҳий ҳазратлари:

*Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина
Қатлим учун “нас” келтирур “нун” элтибон “сод” устина,*

деб ёзар экан, аслиятни рус тилига ўтираётган таржимон нима ҳам қила олсин. Бу мисрада мазмун яратиш, яратганда ҳам ҳарфлар воситасида жуда ҳам мураккаб мазмун яратиш ҳодисаси юз бермоқда. Бу ердаги мазмун араб ҳарфида “нас”, яъни, “амру фармон” маъносини яратиб, мисрада мана шу фармоннинг лирик қаҳрамон қатли учун бўлаётганлигига ишора бор. Қолаверса, бу ўринда адабиётдаги сўфийлик анъаналаридан келиб чиқиб, бу “чашми жаллод” фармон бергувчи Оллоҳга мансуб эканлиги ҳамда бу илоҳий нигоҳ мутгасил равишда одамлардаги иллатларни “ўлдириб” туриши кўзда тутилган. Бунинг устига, бу матлаъда хуруфийлик тариқатига кўра инсон юзидаги ҳар бир аъзонинг муайян араб ҳарфига ўхшатилиб, унда, яъни инсон юзида Қуръони Карим мавжудлигининг ҳикмати жаранглаётган бўлса...

...анъанаси, тил таснифи жиҳатидан бошқа гуруҳга мансублиги, асосий ифода воситаларининг аслиятникидан тамомила бошқача эканлиги ва ҳ.к. жиҳатлар қаршисида таржимон нима ҳам қила олсин!

Оқибатда:

*Две брови черные над выгибами глаз
Как палачи, которм дан меня убить приказ,*

кабилидаги матлаъ мазмунини тўлиқ ифодалай олмаса ҳамки, ҳар қалай, руҳини бера оладиган мисралар дунёга келади.

Китобда:

*Эй шўҳ, кўзу қошингга олам гадо, мен ҳам гадо,
Лаъли лаби дурпошингга олам гадо, мен ҳам гадо,*

байтини

*Твоими, милая, бровями пленен весь мир, и я пленен,
Красноречивыми устами пленен весь мир, и я пленен,*

тарзида амалга оширилган ажойиб таржималар борки, бундай таржималар, шубҳасиз, Огаҳий ҳазратлари руҳини шод этгувсидир.

Таржима қилишининг имкони бўлмаган бўшлиқларни рус тилида ўқийдиган китобхон ўзининг билвосита билимдонлиги, қўшимча адабиётлардан олган қимматли маълумотлари билан тўлдириши шубҳасиз. Шеърят шунинг учун ҳам шеърятки, у ўзининг сўзлар замиридаги маънавий гўзалликлари билан китобхонни, шеърхоннинг фикр уфқларини кенгайтириб, фаҳмини чуқурлаштириб, руҳини юксалтириб туради.

Моҳир таржимонлардан бўлмиш Р. Моран ва Н. Гребневларнинг Огаҳий ҳазратлари меросидан амалга оширган мазкур жозибали таржималари ҳам бундан мустасно эмас.



МУБОРАК ҲАМНАФАСЛИК

Огаҳий ҳазратларининг “Ашъори форсий”си ҳақида фикрлаганда, шоирнинг давр жиҳатидан бевосита туташ вақтларда ва мазкур тилда ижод этган салаф ҳамда ворисларининг манзумаларига тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. Чунки, Огаҳийнинг мероси мана шу шоирларнинг ижоди билан вақт жиҳатидангина эмас, балки ғоявий – маънавий жиҳатдан ҳам, табиийки, муштаракдир. Бу ғоявий – маънавий мақсад эса ҳар бир ўқувчини эзгу сўз воситасида комил инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз ижодлари ҳақида фикрламоқчи бўлган муаллифларимиз адабиётнинг, умуман, бош мақсади бўлган мана шу кўштинг вазифасини, аввало, ўз она тиллари бўлмиш ўзбек тилидаги мисраларида адо этиб кетганлар ва, бинобарин, бу вазифани бажаришни адабий тил сифатида иккинчи анъанавий она тилларида ҳам давом қилдирмасликлари мумкин эмас эди. Огаҳийга салаф ҳамда ворис ижодкорларнинг бу борадаги маслақдошлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, гапни биринчи бўлиб Шермуҳаммад Мунис ижодидан бошлашимиз ўринли бўлади. Тўғри, бу ҳақда ёзганда буюк форс шеърлятидаги Огаҳийнинг вақт жиҳатидан олис салафлари тўғрисида фикрласак ҳам бўларди, бироқ бу иш бизнинг камтарин вазифамиз доирасига кирмайди. Ушбу мақолани ёзишдан мақсад, Огаҳий даври форсийзабон Хоразм адабий муҳитини баҳоли кудрат ёритишдир. Бу масалада эса, такрор айтамыз, Огаҳийнинг ўзбек тилидаги ижодда ҳам устози-биродарзодаси бўлмиш Шермуҳаммад Муниснинг форсий манзумалари ҳақида фикр юритишимиз ҳозир айна муддаодир.

Шермуҳаммад Муниснинг кўлимиздаги форсий мероси анча ихчам бўлиб, икки юз мисрага яқиндир.

Мунис ҳазратларининг биз айтмоқчи, ўқувчиларда эзгу сўз билан инсоний камолотни тарбиялайдиган тароналари, шеърлятимиздаги анъанавий услуб – одамларни

Ҳақ йўлига солиш ҳамда уларнинг илоҳий ёрга талпиниши воситасида уларда инсоний сифатларни тарбиялаш оҳанглари билан муштарак жаранглайди.

*Чунон тараққий топди таназзул бизим,
Арш гулшанин ошиён этди булбул бизим.*

Маълумки, илоҳиёт илмида Қуръони Карим азалдан мавжуд бўлиб, у Пайғамбаримиз с.а.в. воситачилигида нозил бўлгач, яъни туширилгач, инсоният тарихида исломий тараққиётнинг янги босқичи бошланганлиги таъкидланади. Юқоридаги байтда тараққиётнинг “таназзул” сўзи билан ифодаланиши ана шу синоатга ишора. Шоир бу мисраларда инсониятнинг илоҳий юксалиши ушбу муқаддас китобнинг одамлар орасига туширилиши билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Илоҳий дийдорни талаб этиб, йўлга чиққанлар қарвонга ўхшатилади. Бу йўл ҳар қанча машаққатли бўлмасин, йўлчиларни, Шермуҳаммад Мунис таъбири билан айтганда, “қарвон”ни ҳеч қандай азоб – укубат “ториктирмайди”, яъни танг аҳволга солиб қўя олмайди. Чунки, бундайин сафар аҳлининг, яъни илоҳий дийдорига қараб йўлга чиққанларнинг ейдиган овқатлари жисмоний егулик бўлмасдан, балки руҳий озикдир.

Бу неъматнинг номини “Таваккул” дейдилар. Таваккул бу – қандай чорасизлик дуч келмасин, бу чорасизликнинг чорасини ҳал қилишни худога солишдир. Чорасизлик қалбаки бўлмасдан, чин бўлса, Таваккул ҳам сохта бўлмасдан, асл бўлса, боболаримиз уқтиришича, барча мушкуллар ўз – ўзидан ҳал бўлган. Мунис ҳазратларининг мисраларида бу ҳикмат мана шундай тарзда ифодаланади:

*Агар эргашар бўлса, торикмагай ҳеч,
Қарвон йўл озиғи биза таваккул бизим.*

Шермуҳаммад Мунис шу қарвон изидан эргашмакни тилаганларга ана шу “йўл озиғи” ни, яъни таваккулнинг ўзини раҳнамо чироқ сифатида тақдим қилмоқдики, бу ҳам ҳар бир

Ўқувчини ҳаёт йўлларида аввало худога, қолаверса ўз – ўзига таяниб иш кўрмоқ руҳида тарбиялайди.

Шундан сўнг Мунис шоир учун камол топишда ўй – андишанинг, мулоҳазанинг нақадар аҳамиятли эканлигини таърифлашга ўтади:

*Мурод жамол кўрсатгич бўлди, зўё миръот,
Тиззагача етиб келди тааммул бизим.*

“Миръот” – ойина, кўзгу. “Тааммул” – ўй – андиша, фикр – мулоҳаза.

Халкимизда “Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайди” деган нақл бор. Шоир дастлабки мисрада одамнинг қандай одам эканлигини унинг орзу- умидларига қараб ҳам билса бўлади, деган ишонч билан қалам суради.

Ҳазрати Муниснинг фикрича, инсоннинг мурод – мақсади унинг сийрати акс этадиган ойина. Мунис лирик қахрамонининг ички дунёси шу жиҳатдан ибратлики, у ўзининг ботаётган ўй- андиша денгизи нафақат тўпиғига, балки тиззасига келгунча фикрлаган ва бир қарорга келган. Унда мустаҳкам ишонч ўз эътиқодига амал қилиш учун қарор шаклланган. Унинг ботиний фазилатлари ана шу қарорда, ана шу кўзгуда акс этиши нур устига нур. Байтнинг тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

Шермуҳаммад Мунис навбатдаги байтда ер юзининг хуснда бекиёс эканлигини илоҳий мисрлар воситасида тараннум этади. Ўқувчида ана шундай саодатли заминда ҳаёт кечириш бахтидан шукроналик ҳиссини парвариш қилади. Шабнамларни ана шу заминий жамолни “ўғирлаш” учун тушган юлдузлар сифатида мадҳ этади:

*Баҳорлар не қуруқ, тароват бериб маст,
Чунон шабнамга файз ўғирлатди гул бизим.*

Инсонлар яшаётган ер ана шу қадар, яъни, фалакка андоза бўлгудек серфайз маъводир.

Бундай улуғвор бир ҳашам ичра, яъни замин аталган бўстонда яшашнинг ўзи бўлмайди. Шунчаки бир тирикчилик

Ўтказмоқ ҳам яшаш, инсонларга муносиб тарзда ҳаёт кечириш ҳам яшаш. Демак, яшашда ҳам яшаш бор. Гап комил инсонларга хос асл ҳаёт кечиришда. Ана шу мақсад учунгина эмас, балки ана шу мақсадга етиб яшашда чинакам маъно мавжуд Мақсад мақсад учунгина бўлмай, мақсад инсонларга хос, муносиб ҳаёт кечириш учун бўлса, бу яхши. Бироқ мақсад мақсад учунгина бўлса, бу қуруқ бир уриниш, шунчаки бир саъй-ҳаракатга айланиб қолади. Ҳаёт ҳаёт эмас, балки шунчаки бир тирикчилик ўтказишдан иборат бўлади. Ҳар қандай кураш, тўсиқларга ҳар қандай қарши туриш ҳам ўз маъносини йўқотади.

*Кўз очайлик, мақсудга биз маҳв,
Не ҳождат қарши келмаги ойинаи тақобул бизим.*

Беихтиёр, ойнадаги ўз аксига тикилиб боқса, вужуди нураб тушадиган афсонавий махлуқни эслайсан киши. Инсон шундай махлуқмидики, қаршисидаги ойнага қараганда маҳв бўладиган бўлса. Бу махлуқнинг иши ёвузлик, инсоннинг иши эса эзгулик. Чунки инсоннинг илоҳий вазифаси ўз манфаати йўлида эмас, балки Ҳақ йўлида Ҳақ деб яшаётганлар манфаати учун ҳаёт кечиришдир. Дунёга келишдан мақсад ҳам ана шу.

Шоир навбатдаги мисрада ана шундай даражага эришган инсоннинг руҳий – маънавий дунёси салмоғини белгилайди. Бундай одам ушалган орзуларининг залвори бу ёқда турсин, ҳатто унга мансуб ҳаёллар юкида ҳам тоғчалик қудрат бордир. Бу қудратнинг маънисини шундаки, одам ана шу сомон умрини беҳуда ўтказмади, у ўз ҳаётини қанчалаб ҳосил етказишга сарфлади. Шунинг учун бу сомон топган савоб унга тоғларни кўтаргудек қудрат бахш қилади:

*Енгилтаклик талаб этма мендан, ки, тоғ бўлгудек
Агар бир хасга тушар бўлса сояи тахайюл бизим.*

Одамларга мана шундай илоҳий аниқ ўлчовлар билан муносабатда бўладиган инсоннинг майхонаси ҳам шунга яраша илоҳийдир. Унга ташриф буюрган инсон ҳушини йўқотмайди, билъақс ҳуш топади. Бу майхонанинг

баракотидан эътиқодга мушарраф бўлади. Шу аснода умумгафлатнинг илдиизи очилади:

*Қачон етса майхонамизга, эс – ҳушини топиб олгай,
Ўтсирама, оқар жойи майимизнинг шул бизим.*

Шоир ғазал ниҳоясига яқинлашгач, илоҳий тафаккурни ғамгинлаштиради. Ғамгинликнинг боиси, мана шундай даражадаги, яъни у орзу қилган одамларнинг ниҳоятда камлигидир. Шунинг учун ҳам бундай одамларнинг фазилатлари кўпчилик назарида нуқсон ҳисобланади. Фазилатлар нуқсон, нуқсонлар фазилат саналадиган жойда эса азизлар хор, хорлар азиз.

Бу мисрада “хор” сўзининг “тикан” мазмуни мавжудлигини эсга олсак, шоир бу ўринда тажнис санъатидан қандай юксак маҳорат билан фойдалан-ганлигини ҳам кўриш мумкин:

*Сен бу замонда тавозени хорлик белгиси бил,
Тикан такаббурлик қулли тагофул бизим.*

Боболаримизнинг дунёқараши, бутун олам одамзод манфаатига хизмат қилиши керак, деган фалсафадан иборат бўлган. Бунинг далили учун Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сидаги “Аввалғи муножот”га мансуб:

*Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек баридин гараз инсон эди,*

дейилган байтни эслаш кифоя.

Бу илоҳий фалсафанинг илоҳий талқини ушбу ғазал мактаъсида бундай жаранглайди:

*Фалак эгик қомати билан хизматдадир,
Адаб нигоҳ била боқ мунга, деб “тажаммул бизим...”*

Дарҳақиқат, ўзлигини билган инсон учун фалакнинг эгиклиги унинг аҳли башарга хизмат учун бажо келтираётган таъзими эканлигини англаш ана шу аҳли башар, хусусан, унинг маърифатли қисми учун асл ифтихордир. “Тажаммул”, яъни маҳобатдир, яхши маънода ўзини кўз-кўзлашдир.

XXX

Шермуҳаммад Мунис ғазалдан-ғазалга мана шундай ниҳоятда мураккаб ва мўътабар илоҳий ҳамда инсоний ҳаётда яшашнинг шарофати тўғрисида фикрлайди. Бу саодатга мушарраф бўлиш осонликча юз бермайди. Бу саодат ҳақ йўлида чекилган дардларнинг, тортилган риёзатларнинг самарасидир. Бу натижанинг, бу меванинг тотлилиги ҳам шунда. Фикримизга навбатдаги ғазал мисол бўла олади:

*Ул ойюз солмиш ҳайратга, шу боис кўз, ки, тар бўлмиш,
Тизилмиш қатралар киприклара, саф-саф гуҳар бўлмиш.*

Байтда таърифланаётган ҳолат лирик қаҳрамон эътиқодининг поэтик сувратидир. Бундай ҳолатга эришмоқ улкан ихлос, азоб-уқубатлар эвазигагина юз бериши мумкин. Кўзга нам қалқадиган даражада кечиниш ва бу кечиниш, бундай илоҳий интизорлик, илҳақлик туфайли киприкларга тизилган томчилар оддий бир қатралар эмас, чиндан ҳам асл дурдоналардир. Шоир таъкидлаганидек, “саф-саф гуҳар”дир. Бундай улуғвор меҳрга муносиб зот шарафига битилган ҳар қандай муболағалар бемуболағадир. Чунки бу илоҳий манбанинг умри абадий ва у чексиз бир даражада ҳаёлидир. Куёш эса бешарм, қанднинг бўлса умри чеклангандир.

*Юзин офтоб деган қилгай хато, офтоб бешармдир,
Лаби қандмас, тугар қанд, у туганмас бир шакар бўлмиш*

Бу ўринда Мунис ҳазратларининг беҳаёликни қуёшга айб қилиб қўйиши, айниқса, диққатга сазавордир. Тўғри, аслан олиб қараганда очиқ нур сочиш қуёшнинг самовий вазифаси. Бирок шоир ўзи яратган қуёшнинг мажозий хусусиятига чунон маҳлиё бўлиб кетдики, у қуёшнинг ҳақиқий бурчини гўё “кўрмайди”, унутади. Натижада инсонга ҳаёнинг нақадар зарурлиги, инсон ҳаёси туфайлигина инсон эканлиги айниқса бўртиб кўзга ташланади. Бу, ўз навбатида, ғазалнинг тарбиявий аҳамиятини оширади.

*Агар султонга басдур тушса маъқул Мунис ашъори
Чун Искандардин Афлотуннинг илмига назар бўлмиш.*

Мунис мазкур байтда ўз хизматининг султонга, яъни Хива хониға маъқул бўлишини умид қилиб, агар орзуси рўёб бўлса, бу ҳолни Искандарнинг Афлотунга, яъни минг йиллик академияга асос солган юнон ҳақийми илмига Искандар кўрсатган эътибор билан тенглаш-тиради. Искандарнинг Шарқ адабиётида бадиий образ сифатидаги сиймоси тўғрисида тасаввур ҳосил қилишингиз учун эса, азиз ўқувчи, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарини мутоала қилишингизни тавсия қиламиз. Бу асарда, жумладан, шундай сатрлар бор: “...Искандар подшоҳе эрдиким, андин бурунқи ва сўнгги салотин бу кунгача ул қилғон ишни қилмадилар. Тўрт юз ҳақийм хизматида эрдилар. Афлотун бошлиғ...”¹

Тахмин қилиш мумкинки, мазкур сатрларда Мунис хонга илтифот қилиб, уни Искандарга, ўзини Афлотунга ўхшатиш билан, ўз ҳуқумдорини мақтабгина қолмасдан, уни адолатли бўлишга ундайди. Унга Искандарнинг тақдирини зимдан эслатади. Чунки Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да ёзган эди: “Машҳурдирким, васият қилдики (Искандар кўзда тутилади) ялон (яланг) илкани тобутдан ташқори чикорсинларким, олам аҳлига мужиби танбиҳ, балки ибрат бўлғайким, оламдан илик (қўл) торта тутқойлар”²

Мана шундай бемеъёр дадиллигидан, балки пинҳон бир густоҳлигидан андиша қилибми, Мунис навбатдаги ғазалини шундай бир байт билан яқунлайди:

*Мунис ихлосини изҳор қиларкан шоҳга,
Бил, анинг қуллигидин шони исқандар синадир.*

Шермухаммад Мунис ўзининг форсий манзума-ларида ҳам максималист нозим сифатида қалам суради. У ўзининг илоҳий ҳамсуҳбатига қарата гоҳ:

*Не қилай мен бу жаҳон шоҳлигини,
Айтсалар, дебки, гадоинг басдир,*

деб каматарин қаноатлар соҳиби сифатида фикр қилса, гоҳида:

*Чавандозман, фалак тулпори ожиз,
Бўлак бир кучлироқ чорпоя йўқдир*

дея мағрур ижод этади. Мунис, хусусан, Муҳаммад Раҳимхон ~~Раҳимхон~~ бағишланган қасидасида бемисл муболағалар ғалаёни ҳукмида бўлади. Унинг ушбу қасидасидаги юксак оҳангларда фикрлаши табиий. Негаки, жанр талаби мана шундай авж пардаларни тақозо қилади. Бундай муболағаларнинг айна пайтда асосли ҳам эканлигини мазкур қасида битилган вақтда навқирон ёшда бўлган Муҳаммад Раҳимхон ўз умри билан тасдиқлади.

* * *

Хоразм форсийзабон адабий муҳитига Амирийнинг ҳам муайян таъсирини кузатиш мумкин. Ушбу таъсир, айниқса, Амирийнинг:

*Асар, эй гулбадан, жонимга қилмиш сарви болоинг,
Не тонг, илҳақларинг - гуллар аросинда сенинг жойинг,*

матлаъси билан бошланган ғазалга боғланган мухаммаслар, битилган таттабуълар тарзида яққол намоён бўлган. Аҳамиятли жиҳати шундаки. Амирийнинг ушбу оҳангдаги ғазалига Огаҳий ҳам, Комил ҳам мухаммас ва таттабуълар боғлаганлар. Мисолларга мурожаат қиламиз.

Огаҳий:

Таттабуъ

*Зиҳи дилларга меърож остони чархи фарсойинг
Ва кўзларга бўлибдир сурмасо хоки кафи пойинг.*

Мухаммас

*Чаманларда бўлолмас бир гул ҳам рухсори зебойинг,
Қилолмас жилва ҳеч бир сарв бўлибким қадди раънойинг,
На гул, на сарв бўлмайдир жамол бобинда ҳамтойинг,
Мен, оҳ, жоним билан бўлғум асири сарви болойинг,
Икав, минг хоҳласин, дилда ололмастар сенинг жойинг,
Комил:*

Таттабуъ


*Менинг заъфимга куч баҳш этгусидир фитна яғмойинг,
Менинг жоним аросинда алиф ўрнидадир жойинг.*

Мухаммас

*Бошимга тушгали, токим, гули хандон, савдойинг,
Кўринмас ёш тўло кўзга на офтобинг ва на ойинг,
Бошидан аҳли ушшоққа бўлиб афзал кафи пойинг,
Асар, эй гулбадан, жонимга қилмиш сарви болойинг,
Не тонг, илҳақларинг гуллар аросинда сенинг жойинг.*

Ушбу мисралардан кўринадики, Комил Огаҳийдан фақат бевосита таъсирланиб қолмасдан, билвосита, устозлардан таъсирланиш бобида ҳам мутаассир бўлганки, бу Мунис бошлаган ва Огаҳий шаклантирган Хоразм форсийзабон шеърият мактабининг миқёси қандай кенг ҳамда бу мактаб қай даражада сермахсул бўлганлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида бир мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу таттабуълар, бу мухаммасларнинг бадий савияси юксак. Бу таъсирлар тақлид эмас, мутлақо ижодий ўрганишнинг самарали сабоқлари эди. Буни форсийнавис шоирларимиз ҳам ўз асарлари билан тасдиқладилар, ўз давридаги ўзбек ҳамда форсий шеърият ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажардилар.



НАЗМ

Форсийдан муаллиф таржималари



Шермухаммад МУНИС

Чунон тараққий топди таназзул бизим,
Арш гулшанин ошиён этди булбул бизим.

Агар эргашар бўлса, ториқмагай ҳеч,
Карвон йўл озиги биза таваккул бизим.

Мурод жасомлкўрсаткич бўлди, гўё миръот,
Тиззагача етиб келди тааммул бизим.

Баҳор ҳар не қуруқ, тароват бериб маст,
Чунон шабнамга файз ўғирлатди гул бизим.

Кўз очайлик, нечун мақсудга биз маҳв,
Не ҳожат қарши келмаги ойинаи тақобул бизим.

Енгилтаклик талаб этма менданки, тоғ бўлурдек зил
Агар бир хасга тушар бўлса сояи тахайюл бизим.

Кимки етса майхонамизга эс-хушин топиб олгай,
Ётсирама, оқар жойи майимизнинг шул бизим.

Сен бу замонада тавозени хорлик белгиси бил,
Тикан такаббурликдан қулли тагофул бизим

Фалак эгик қомати билан хизматдадур,
Адаб нигоҳи билан боқ мунга деб тажаммул бизим.

* * *

*Ул ойюз солмиш ҳайратга, шу боис кўзга тар бўлмиш
Тизилмиш қатралар кирпиклара, саф-саф гуҳар бўлмиш.*

*Юзин офтоб деган қилгай хато, офтоб бешармдур,
Лаби қандмас, тугар қанд, у туганмас бир шакар бўлмиш.*

*Осон олмоқ муҳаббат мулкани ҳеч мумкин эрмасдур,
Бу мулк ошуфтаҳоллар оҳ ўқидин забт, магар, бўлмиш.*

*Менинг оҳим билан очилмамиш чарх пардаси асло,
Шамоллардан бу бешероза дафтар дарбадар бўлмиш.*

*Сомон рангимни қон ёшим бўяб ол айлаган янглиз,
Сариқ қозғоз қизил хатдан топиб зеб, зар асар бўлмиш.*

*Кўрингизлар кучоғин бўш мақсад ҳурлиқосидан,
Ки мол дунё келини кимга жуфт ногоҳ гар бўлмиш.*

*Агар султонга басдур тушса маъкул Мунис ашъори,
Чун Искандардин Афлотуннинг илмига назар бўлмиш.*



* * *

*Сарви қадинг жылвасидан сарви санобар синадир,
Қора зулфинг ҳидидан қиймати анбар синадир.*

*Бўлди дучор жунунга дилим ишқинг гамида,
Салгина шўхлигидан шўриши маҳшар синадир.*

*Подшоҳлар бўсаганга кўядир бош қулдек,
Ҳар бир ой бошим уза, чун, кулаҳи зар, синадир.*

*Ғаминг айёмига, муз, банд бу юрак, қуй бода,
Минг туман тилсими гам шунда муқаррар синадир.*

*Мунис ихлосини изҳор қиларкан шоҳга,
Бил, анинг қуллигидан шони Искандар синадир.*



* * *

*Бошима тожи ҳавойинг басдур,
Лашкари хайли балойинг басдир.*

*Не қилай мен бу жаҳон шоҳлигини,
Айтсалар деб, ки, «гадойинг басдур».*

*Ҳеч керакмас шағм кулбамга менинг,
Ой юзингдан, ки, зийинг басдур.*

*Аҳли ишқ коми раво бўлмоги- чун,
Бодаи руҳфизойинг басдур.*

*Дўстлиг аҳли жаҳондин кутма,
Сени қўлловчи худойинг басдур.*

*Хоҳу нохоҳ адаштира ажал,
Нафсинг-ўз роҳинамойинг басдур.*

*Мунис, ҳеч қолма толиб дўст йўлидин,
Қадни ростлашга асойинг басдир.*



* * *

Чечанман гарчи, ҳеч киноя йўқдир,
Бўлиб ёв улфатим, риоя йўқдир.

Қуёшман, нури йўқ бир тола бўлсин
Ва лекин кафтдек бир соя йўқдир.

Фалак чархи деган золдан бўлак ҳеч,
Бешикка боғлиман мен, доя йўқдир.

Дилим доғи билан васлинг умиди,
Шу дирҳамдан бўлак дастмоя йўқдир.

Чавандозман, фалак тулпори ожсиз,
Бўлак бир кучлироқ чорпоя йўқдир.

Умидим жим қилар тинмай шикоят,
Сукутдан бошқа бир ҳамсоя йўқдир.

Тафовутсиз жаҳоннинг наст - баланди,
Қилиш чун арз, Мунис, поя йўқдир.

Таваккулдир суянган бир сипоҳим,
Ўзимни айлағум ҳеч зое йўқдир.



*Бўлди сўз олмоси бирла тил тигим хўб обдор,
Забт ўлубдур менга шундан мулки шоҳи комкор.*

*Ул шаҳанишоҳи Фаридуннур, Искандарҳашам,
Барча аждоди саодатбахшу ҳам волотобор.*

*Борча дунё хони, тожи офтоб, тахти само,
Хисраву Жамшидсиёк, Дорову Баҳромиктидор.*

*Бахти офтобдек баланд ҳам толеин буржи жалол,
Лағли ноб, кони гуҳар янглиз азиз, денгизвиқор.*

*Довюрак, арслонсифат, шаккарзабон, ҳам боадаб,
Зўр Наримондек ва феъли мисли Рустам пойидор.*

*Осмон тахти уза чиқмогидир бахтдан дарак,
Бўлди шоҳлик тахти чарх курсисидек, чун, пойидор.*

*Тахт топмишидир жавоҳирлар билан мангу безак,
Шу сабаб даргоҳида иззу шараф хуршидвор.*

*Қаҳрамоним қаҳридан бўлди сиёсат тийғи тез,
Чун адам дашти сари қочмоққа ёв қилди қарор.*

*Довруғи оламга кетди ном қозонгач шоҳимиз,
Жуфт муқаддас исм ила исми бўлиб, чун, барқарор.*

*Ул биринжиси эрур Султон Расулнинг номлари,
Ул иккинжиси учинжи исминг, Хаййи Кирдигор.*

*Айтишимни истасанг исми шарифини онинг,
Тақдири қилмиш Муҳаммад ҳам Раҳимни анга ёр.*

*Зоти онинг яхшиликда эрди машхури жаҳон,
Қаҳри ҳамдардликка дўнди, раҳми келгач, неча бор.*

*Хотами Хоразмишоҳдир ул, кўлида неча мулк,
Тобеъдир фармонига атрофда ҳар шох, ҳар диёр.*

*Билки, юксакликдадир тахти анинг осмонга тенг,
Ҳам гулистони аро ушбу жаҳон бир мургзор.*

*Офтобу моҳи тобондан бўлиб бунёд, эмиш,
Боргоҳи олий ҳам ҳар қуббаси хўб, зарнигор.*

*Хорижий фисқ наслини чопган маҳалда парчалаб,
Икки бўлгандек Али душманни, тортиб Зулфиқор.*

*Ёв сафига кирганида чақнатиб шамширини,
Барчасин қийратдию, ўт қўйди абри барқвор.*

*Бош қўйиб остонига онинг сипехри сарбаланд,
Ҳам ҳам айлаб қоматин, қошинда онинг хору зор.*

*Ифтихору шони тегмиш чарх фалакнинг тоқиға,
Шу сабаб пойига чарх қўймиш бошини хокисор.*

*Моҳи тобон эшигинда қуллар аҳлидан эрур,
Ҳар тун айлар теграсида посбонлик ихтиёр.*

*Хисраву анжум бари чокарларидирлар анинг,
Нурларин ҳар тонг сочиб, қилгайлар унга зар нисор.*

*То ўқибдур Муштарий иқболиға, чун, рутбани,
Минбари чарх авжидан сайқал топиб, тутмиш қарор.*

*Номига офтоб сочиб нур, урса давлат мухрини,
Курганидир бу синаб, топмишми нури эътибор.*

*Ёрушиб, эй ботини пок ойина бирлан азал,
Эй, ҳаё мулки аро қутлуг вужуди шахриёр.*

*Соф хаёли богида ҳақ йўлин абри файз тўкиб,
Манглайин ёгдусидан нури халофат ошкор.*

*Даргаҳин тунрогин ўпмиш, бахт билиб, Афросиёб.
Давлатин остонасига бош кўйиб Исфандиёр.*

*Ўтса елиб давлатиндан гар насийм дарвиш қўлин,
Ўстирар у гам тиконидан гуле иқболвор.*

*Берса танбеҳ файзи иқболи хазонлар елига,
Хислатидан топгусидир неча минглаб ранг баҳор.*

*Боргаҳинда ким агар хизмат учун бел бозласа,
Бахти дарҳол тоғ каби бўлгуси соҳиб иқтидор.*

*Бош яқодан гар чиқориб, улғайиб юксалса ким,
Дўстлигин домонида қилди қўлини устувор.*

*Олса лутфин офтобидин агар тош парвариш,
Дурри ноёбга дўниб, ул тош топғай эътибор.*

*Ханжари насри мин оллоҳ жавҳаридан тездам,
Болтаси тованта фотаҳно туфайли зарнигор.*

*Бўлса бас Феруз саркарда, кейин ҳеч шубҳа йўқ,
Бир нафар аскар билан минг ёвни қилғай тору мор.*

*Шунчалар оғир эрурким, ҳашмати сомонларин
Торта олмай чарх тулпори*

*Каъбаи кўйи зиёратгоҳдир бахт аҳлига,
Ўтмаса андин агар ким, бўлгуси кулфатга ёр*

*Шахриёрлар сажда қилмиш эҳтиром бирлан анго,
Олий базмига муносиб бўлганидин бахтиёр.*

*Бош кўтарса Ким агар айлаб гурур бирлан ҳаво,
Қилгуси унга фалак қаҳру итобин ошкор.*

*Соя деб бошига ёздирди Хумога чарх қанот,
Офтоб отланди юксалтмоққа баҳш айлаб виқор.*

*Офтоб ўз кўзларига тўтиё қилгусидир
Тўзгитар бўлса азиз ҳар бир чавандози губор.*

*Кўйса гар деб «Ё пирим!» жаҳдла узангига оёқ,
Ҳар пиёда ўспирин бўлгай жаҳоний шаҳсувор.*

*Душманин қилгай қароюз тун киби қаҳри билан,
Илтифот меҳри қилур дўстни ёругюз, чун, наҳор.*

*Заббахш адли кўлидан олгуси тўй кунлари
Тоза рухсорин юзи ишратсиёқ бу рўзигор.*

*Ул фаромушлик уйига итқитиб зулм дафтарин,
Ҳукм юритди сўнг адолат қасрида мардонавор.*

*Фавқи аъзамнинг иккинжийси дебон айтсам бўлар,
Чун камол топгач азиз адли, зулмлар бўлди хор.*

*Ёв сафига кирганида чақнатиб шамшиёрларин,
Барчасин қийратди- куйди мисли абри барқвор.*

*То абад ҳақ лутфидан аҳли жаҳон атрофини
Қуршаган чарх чодирин тарк этмасин ҳаргиз мадор.*

*Чун баҳористони зотиндан уриб барқ гулишанин,
Давлати қасри анинг бўлсин ҳамиша пойидор.*

*Яхши бўлгайдир онинг Мунис дуосин айласа,
Гар насийб ўлса ангаким ҳазрати Парвардигор.*

*Айлабон аъло адл, берди шариатга ривож,
Бўлса Навишарвон эгиз унга, қиларди ифтихор.*

*Жабру зулм бидъат мисол давринда бўлди бартараф,
Тинди қон тўкмоқ бамисликим шароби хушқвор.*

*Ҳукми шарр ҳаддини кўрсатди шаробхўрларга ул,
Бўлдилар кўрқиб хумор кўзлар май ичмай бадхумор.*

*Суврати ҳар қилмишин онинг, ки, Хисравинтизом,
Сийрати ҳар феълин онинг шубҳасиз дарवेशвор.*

*Зоҳири Ҳақ жомидин бўлмишки саршори Жалол,
Ботини огоҳлик жоми биландир ифтикор.*

*Ҳар сўзинда мингта маъни тўлганиблар топди зеб,
Кўп баланд табъи сабаб топди, сўз айтиб, эътибор.*

*Сўзда бўлса минг чигал, фаҳми ечар бир лаҳзада,
Зоҳир ҳар бир нуктадан қилгай у маъни бешумор.*

*Кўллари тўкди чунон ганж беҳисоб фақр аҳлига,
Бўлди Хотам қўлочикликда қошинда шармисор.*

*Қайдаки кўрса етим, ул раҳмдил ҳам дўстдир,
Қайда гар кўрса гариб, бўлди унга ҳам гамгусор.*

*Бахраманд чексиз анинг файзиндин элнинг барчаси,
Ям-яшил шох қўлларини очгани янглиз чинор.*

*Гарчи чўндек хокисордир, матлабим шулдир халос
Илтифот неъматлариндан мен мудом уммидвор.*

*Давлатин давринда топгай то бари ишлар якун,
Қарз балосидан мени айла халос сен зийнҳор.*

*Не қилиб журъат этай, айтгил ахир, бедасту но,
Васф этишга ониким, хислатларидир беканор.*



РУБОИЙ

*Ғам домига, эй, сенки, йўлим бошлабсен,
Жисмим не бало эзиб, кўзим ёшлабсен.
Келган маҳалинг асир қилиб жсонимни,
Халқ пойига, кетган маҳалинг, ташлабсен.*

*Ҳовлингдаги ер юксалиб осмон бўлди,
Чехранг, ки мурод майидан алвон бўлди.
Гул мисли юзинг фироқининг хоридан
Мунис дили, оҳ, гунча мисол қон бўлди.*



Муҳаммад Ризо Огаҳий

* * *

Ё, раб! Сенинг туфайлидир мартаба, ашқу оҳимиз,
Сен айбимизни айла авф, кечир бизим гуноҳимиз.

Саргаштамиз биз бир умр айрилигингда дашт аро,
Қил илтифот, кўйинга элтсин бизи рост роҳимиз.

Ғам тунда қолиб кетурмиз, оҳ, биз... саҳарсифат,
Қоронгудан фориз этиб, ёрут, ки. субҳгоҳимиз.

Қақраса жисму жонимиз гоҳ оҳ самуми бирлаким,
Илиқ булутларинг билан кўкарт бизим гиёҳимиз.

Бош олибон чарх жавридан қочиб чиқиб кетар эсак,
Кўланканг, оҳ, бўлур бизим бошимиза паноҳимиз,

Йўлингга бошимиз қўйиб сажда қилиш билан сенга
Шоистваи сужудинг, о, бўлсак эди, илоҳимиз.

Ҳам бошимиз билан юриб, йўлингга тушсак эрди бир
Самодан ҳам баланд бўлур эди бизим қулоҳимиз,

Қуллимиз қабул эса гар эшигингда ногаҳон,
Қайдаки бахт, баридан ҳам баланд бўлурди жоҳимиз,

Огаҳийдек гаминг аро бўлибмиз оғизинг сенинг,
Эгик қаду сариқ юзи эрур бунга гувоҳимиз.

* * *

*Ки, эй, сендан бўлиб пурзёб қулоҳ, иқболу давлатлар,
Кўйингга бош қўйиб топди неча Хисравлар иззатлар.*

*Фалак юксақлигидан, офтоб ўз нуридим ҳайрон,
Кўйиб остонанга юз, топдилар меърожи рифъатлар*

*Бўлиб офтоб тожсингга гуҳар, тахтингга Зухро дур,
Бўлиб шоҳлар қулинг, орзу қилар қилмоқни хизматлар.*

*Азиз бўлди гуҳар тожсингда, тахтингдан толиб дур зеб,
Бошингдан айланиб қилмиш фалак изҳори суръатлар.*

*Бўлиб афкандаинг шоҳлар, қулоҳлар шармисорингдир,
Бўлиб арзандаинг Руму, Сифоҳон топди шавкатлар.*

*Бўлиб ардоқли зотингдан, ўқиб таҳсин лутфингга,
Жами олам топиб хайр, неъматингдаи чекди миннатлар,*

*Топиб лутфинг-ла бахт шоҳлар, қулоҳлар фурқатинг ичра,
Сенинг ҳукмингда эрку, узлату таҳқиқу суннатлар.*

*Бу музтар охири бир кун қўяр хоки қўйингга бош,
Дуоингни қилиб ҳаддин фузун. кутгай ижобатлар.*

*Ки, эй, хўблар шаҳи, Огоҳийингни сарфароз айла.
Ғамингдан қолмади жисминда онинг шавқу қувватлар.*



* * *

*Эшит жондан, сен, эй дил, ҳам қабул эт ҳукму фармонин,
Сира сундиргали дам урмагил. чун, аҳди паймонин.*

*Умиддан бир бўлак тавҳиддан ҳеч бир самар йўқдир,
Сенга бас бир ширин сўз деб у очса лағли хандонин.*

*Унинг тотлиг лабиндан таъм тотмоқ бўлмади мумкин,
Умид этма қиларман нўш деб, ким, чашми фаттонин.*

*Агар жонинг яросизга кўюрман деб эсанг малҳам,
Ншон эт кўксинг, айт, отсин анго у тийри мужгонин.*

*Сен ҳижрон зулматинда ташналик пайти қаноат қил,
Ки васлинда насиб бўлмогин ўйлаб оби ҳайвонин.*

*Жафоу жабрини тортарда ҳар лаҳза муҳайё бўл,
Кечиб воз сен умид этмоқдан онинг лутфу эҳсонин.*

*Паривашнинг тагофил расми бор эрмиш агар бундоқ,
Раҳмдил кўзларига боқ, топиб боринча имконин.*

*Рақиб топса хабар ишқингдан, ҳайдаб сол ани дарҳол,
Дунур дўзахга жаннат, қувмасанг шак-шубҳа шайтонин.*

*Баланддир мисли меъроже ул гўзалнинг ноз-фироғиким,
Ки, йўқдир Огаҳийга иш, бўлак чекмакдан афгонин.*



* * *

*Жамол гулзориға келди гули жаннатфизо рўйи,
Бу бўстон ичра бўлмиш сунбулистон энди гесуйи*

*Камандини бўшатсин бир, бу ҳам эҳсон эрур, ё раб,
Ики дунёни тутқуи айлағай, бир боқса, жодуйи.*

*Ики кўзин хаёли чиқмаса дилдан, ажаб эрмас,
Ҳадик билмас Хўтан даштида юрган пайтда охуйи.*

*У моҳ боқса бўлур, ҳайратга гарқ ойналар барча,
Хусн дарёларин Жунбушига солмиш анбарин мўйи.*

*Қамашгайлар жаҳоннинг кўзлари унга боқолмасдан,
Эрур ноз авжидида нозик ниҳолим икки абрўйи.*

*Бу борлиқ бозига дил майл этарми аҳли зуҳд бирлан,
Муяссар бўлса-да кўйи, риёда барча фикр-ўйи.*

*Уни қизгананимдан барча олам бўлса кўр дейман,
Ки ундан кўзни узмаслик бари сурбетнинг орзуйи.*

*Бу гулшан ичра ҳар гулдан ол ибрат ҳар дам, ҳар соат,
Бўйидан рўй яралмишдир, яралмиш рўйидан - бўйи.*

*Висолини таманно айлабон қилди адабсизлик,
Бу қилмиш бирла Огоҳий юрар ҳеч кўрқмаган кўйи.*

* * *

Бебаҳо умридан, оҳ ё бўлдими огоҳ субҳ,
Ўз - ўзидан кетганиданми чекар ё оҳ субҳ.

Ё бўлиб мўйи сафид, у уздими ўздан умид,
Келмагини кетмагига қилдими ҳамроҳ субҳ.

Ваҳшатишга ушбу гулшан ичра нафсимдир далил,
Чун, олиб оғир нафас, олислашар ҳар гоҳ субҳ.

Истасанг ёр жилвасин, бўлгил бу борлиқдан йирик,
Офтобни истару, кетгай у чиққан чоғ субҳ.

Қайда у фурсатки, қилсанг захминга марҳам талаб,
Йўқ бўлар, бағринг яросиндан қилиб огоҳ, субҳ.

Гар сен ҳақ асроридан воқиф бўлишни истасанг,
Бўлма гофил бир нафас ҳам-ҳоҳи шомдир. хоҳ субҳ.

Истасанг мақсадга етмоқни, замиринг пок тут,
Бор тубинда бир кўёш – Юсуф, шунингдек чоҳ субҳ.

Тонгда уйгонмоқ саодатдан нишон инсон учун,
Бахтсиз айлар, уйқуда бўлса гадоу шоҳ, субҳ.

Оғаҳий, дилдан талаб қил жилваи матлубни,
Матлабинг офтобидан қилгай сени огоҳ субҳ.

* * *

*Менга такрор, чун, нигин узра битик-номинг сенинг,
Бўлди кўйинг кўзгуси, ёр, рўйи гулфоминг сенинг.*

*Хок бу тан бўлди сенинг йўлингда тупроқ, эй нигор,
Менга бергай бўса ҳар дам нақши иқдоминг сенинг.*

*Жон аро мисли алиф мен асрагайман бир умр,
Согиниб ҳижрон аро, ёр, сарви андоминг сенинг.*

*Базми васлингга сенинг, жонон, етурман не қилиб,
Кўз тутарман келгуси деб энди пайғомиг сенинг.*

*Халқ дастурхонинг атрофида лутфинг бирла тўқ,
Бенасиб бир қуртни ҳам қолдирмас инъоминг сенинг.*

*Ҳеч киши эҳсони нашъангдан сенинг маҳрум эмас,
Жумлаи аҳли жаҳон масти майи жоминг сенинг.*

*Кўз ёшингнинг дурларин соч, Огаҳий, шому саҳар,
Токи ёр лутф қушларин ром айламас доминг сенинг.*



* * *

Юзи гуллар висолидин нигоҳим гулшан оқшом бу,
Ки, булбуллар фигони бирла борлиқ гулхан оқшом бу.

Чарогонлик аём бўлди юзи гуллар жамолидин,
Қаро бахтимни тонг монанд қилган равшан оқшом бу.

Муҳайё мутрибу соқий, муҳайё нуқлу ҳам бода,
Базм асбоблари сероб, хирман-хирман оқшом бу.

Шаробхўрларнинг айшу базмини, эй дўст, сўраб нетгунг,
Кулиб- йиғлаб, мисоли шиша, ҳам шўх, ҳам шаън оқшом бу.

Бўлиб мастлик билан маъшуқалар ошиқларига ром,
Қўлимда қўл, лабимда лабки, жуфт-жуфт бўлган оқшом бу.

Бўлиб сармаст мен қаттиқ, қучоқлаб моҳитобимни,
Танимга жон у, жонига ман ҳам тан бўлган оқшом бу.

Яди байзо аён эттинг қилиб тухфа май, эй соқий,
Балолардан омон тутган мени, билгил, сан-оқшом бу.

Мукаррар айлагил менга, карам айлаб, шароб бермак,
Куйиш сенга, ичиш менга, не бахтдир-ки, тан оқшом бу,

Йигит бош тортса бу оқшом шаробдан, бил, йигит эрмас,
Хотиндир... йўқ, хотиндан ҳам батарроқ бўлган оқшом бу.

Бу гўша аҳли айшин Огаҳийдан сўрмагил асло,
Тили оғиз жавобга, довдираб у алкан оқшом бу.

* * *

*Олибдур зеб зеболар Сенинг ҳусну жамолингдин,
Камол топмиш, ки, ишқ аҳлининг ишқи, чун, камолингдин.*

*Сенн васф айлабон машқин бажарди барча булбуллар,
Томиб чак-чак асал ҳар чаҳ-чаҳинда шаҳд мақолингдин.*

*Тил очсанг лаъл лабингдан кўп ширин мазмун бўлур пайдо,
Узиб томир қочолмас ҳеч юрак нозик хаёлингдин.*

*Сочингинг торлари девоналарни қилди занжирбанд,
Паришон барчаси, бахш айлаган ошуфта ҳолингдин.*

*Фироқинг дардига ҳар кимки ногоҳ мубтало бўлса,
Даво топмайди, бир топса топар оби зилолингдин.*

*Агар бир томчи тотса бодаи васлингдин ҳар кимса,
Ётар маҳрум қиёмат кунгача, берган мажолингдин.*

*Сенга дўстликни шарҳ айлаш иложи йўқ, ки, тил бирлан,
Агар ким қилса шарҳ, фарқи бўлурму гунгу лолингдин.*

*Сен, эй зоҳид, ки таҳқир этма риндларни ибодатда,
Улар афзал эрур ҳам кўп йироқлар лоуболингдин.*

*Сенинг ҳамдинг ҳавосига гирифтор Огаҳий табъин
Ҳамиша баҳраманд қил ҳикмати олий мақолингдин.*



* * *

*Билолмам, не сабаб солди жигарга тоб шабнамдар,
Эриб бошдан оёқ, дур эрди, бўлди об шабнамлар.*

*Эди гул барглари устига кўрпа, бошига ёстик,
Нега ҳеч ухламай, тунлар эрур беҳоб шабнамлар?*

*Бошидур саждада, шундан бу гулшан хокида бори,
Қилиб дилдор оёғи изларин меҳроб шабнамлар,*

*Бу бўстон ичра борлиқнинг фирибин ема сен асло,
Агарчи умри бир лаҳза, эрур ноёб шабнамлар.*

*Агар шодлик нишонин истасанг, тўккил ҳаёдан тер,
Бўларлар терларинг шунда шароби ноб шабнамлар.*

*Бошингдан то оёгинг кўзга айлансун, ки, ҳайратда,
Бу гулзорда шунингдек бир азиз асбоб шабнамлар.*

*Агар ёр чехрасин кўрсам ажабмас титрамогим ҳеч,
Нечоз титрар кўринганда, қаранг, офтоб шабнамлар.*

*Баланд эрсангда наст бўл ҳоқисорлар қошида ҳар дам,
Қўёш кўргач, ҳаво айлаб бўлурлар соб шабнамлар.*

*Соқолим оқига ҳижронда кўзёшим томиб тушиди,
Томибдур Огаҳий, денглар, чиқиб маҳтоб, шабнамлар.*



* * *

Мушарраф бўлди бахтим юлдузи, дўстлар, манго бу тун,
Юзи бирла кўзумни равшан этди маҳлиқо бу тун.

Фироқи дардидан ўлмакка етгандим, келиб топди
Буюрган таширфи бирла у дардимга даво бу тун.

Бари роҳатларим жабру жафо елига совуртач,
Келиб ногоҳ, оҳ, қилди у изҳори вафо бу тун.

Кеча-кундуз унинг лаълидан ўпмак эрди орзум,
Биҳамдуллаҳки, ҳосил бўлди, не бахт, муддао бу тун.

Манго кўрсатма йўл, эй, сен, Хизр, ҳайвон суйи сори,
Меннинг-чун ёр лаби бўлғай фақат оби бақо бу тун.

Ҳама майхўр муродига етиб турган бу маҳфилда
Менинг ҳам, эй ёронлар, булди орзум раво бу тун.

Туну кун гофил ўлма, Огаҳий, сен шукри неъматдан,
Майи лутф бирла комингни ширин қилмиш худо бу тун.



* * *

Даво бўлди менинг дардимга, жсоним, икки шаҳлойинг,
Манга мангу тирикликдир ақиқинг, лаъли гўёйинг.

Десанг менга агар ногаҳ «менинг бир бенавойимсан»,
Бу бўлгай манга бир тухфа, бу бўлгай лутфи аълоинг.

Ки жаннат бўстонидан ватан мен тутмагум асло,
Раво кўрсанг агар менга бу давра -жаннатосойинг.

Олурман етти иқлимни, бўлурлар ҳукмима тобеъ,
Кўзингнинг қирларндин етса менга битта иймойинг.

Ики оламда султондек бўларди соҳиби қудрат,
Агар ҳолини сўрсанг ишқинг ичра якка, танҳойинг.

Топиб мен сарфарозлиглар, кўрардим аршу курсини,
Кўзимга сурма қилсанг бас эди гарди кафи пойинг.

Бу олам ганжсини олган киби тухфа, бўлардим шод,
Агар жилмайса бир ул икки лаъли гавҳаройинг.

Ки "эй мажнуни шайдойим" десанг бўлгай бошим осмон,
Начунким. мен эрурман чиндан ҳам мажнуни шайдойинг.

Дуоци Огаҳийнингким қабул бўлмоққа оз қолди,
Умидим - яхшироқ бўлгай бу дунёдан у дунёинг.



* * *

*Сен яна ширин лаълинг сўз била гулистон қил,
Шаккар қийматин снндир, дур баҳосин арзон қил.*

*Ҳар иафас аён айлаб жонфизо табассумлар,
Кавсар чашмаси мавжсин лабингда намоён қил.*

*Бу гулшан ичра банданг бўлсин сарви озода,
Сарв қоматинг бирлан ҳар тараф хиромон қил.*

*Сенсиз суҳбату айшим қаҳратон қаро қишдир,
Сен баҳор янглиг келгил, юртни боги ризвон қил.*

*Сен ҳусн тахти узра соҳибэҳсон бир шоҳсан,
Ошиқи фақирингга бўса нақдин эҳсон қил.*

*Лаъли лабингдан узук тухфалар айлаб, бизни
Умминг мулки ичра то абад Сулаймон қил.*

*Тобакай қошинг ёйи ноз ўқин отар менга,
Бир имо бирла руҳим шод этгилу. қурбон қил.*

*Бўлмади варағ бирла зоҳидинг коми ҳосил,
Соқиб, бериб бир жом, ишидин пушаймон қил.*

*Май ўти бирла бу тун шамъи оразинг равшан,
Дийдори чирогингдан мажлисим чарогон қил.*

*Кувнабон кириб келгил бениқобу мастона,
Базм аҳли барин бир-бир маҳву, лолу, ҳайрон қил.*

*Чун қарилг заъфинда Огаҳий толиқди кўп,
Ҳаққиға ики лаълинг шарбатини чандон қил*

* * *

Узоқ-узоқ тутса мақом дилимни хаёлинг сенинг,
Тамом бўлмаса кўзимда ҳеч ийди жамолинг сенинг.

Сенинг фурқатингда ўтиб борар умрим ва лекин,
Бир дам бўлмади ҳануз муяссар висолинг сенинг.

Меҳринг кўёшини сен то сочларинг аро ёшурдинг,
Ғам шони қоронгусидадирман ошуфта ҳолинг сенинг.

Бир лола янглиг жоним кўюбдур бошимга доғлар,
Оташин лаъл аро жо бўлгани каби холинг сенинг.

Янги ойга нигоҳ солмасман, то кўрибдурмен,
Ҳуснинг поёнсиз осмонида ики ҳилолинг сенинг.

Дилим осмонида акс этмади на ўзим, на сандин ўзга,
Кўзим кўзгусида кўринмади ҳеч бир мисолинг сенинг.

Бир кун келиб Огаҳийнинг боши фалакка етар,
Бу бош тупроқ киби бўлгач, кўзум, поймолинг сенинг.



* * *

*Худовандо! Баланд қилгил, чекаркан ох, саҳаргоҳ ман
Пуридурман қамишининг, ёқ, ёнай меҳрингда бу чоғ ман.*

*Заминни табакай эзгай менинг залварли бу жоним,
Фалак сайрин насиб эт, то бўлай нурдек ёруғ оҳ ман,*

*Нечук. мақсудима етгум, бу мақсуд кўп баландпарвоз,
Менинг эрса кўлим қисқа ва чорам йўқ, дилим доғман,*

*Этай васлингга то, йўл бошлагил лутфу иноятдин,
Фирогинг даштида ҳайрону саргардону гумроҳман.*

*Бари мақбуллар ҳаққи қувма иззат остонангдан,
Агар мен зарқи исён, бўлмайин мардуди даргоҳ ман.*

*Мени бефайзу носих тўдасидин сен халос айла,
Ахир сув бирла ўт бир ерда бўлмас, бундан огоҳ ман.*

*Халос айла тамағ қопқонидин, лойиқи иззат қил,
Макон айлаб қазибдурман гараздан ўзима чоҳ ман.*

*Бу дунё ишларига дил чидам бермас, ажаб йўқдур
Кечирма, беҳуд ишлар айлабон бўлсам, ки, икроҳ ман.*

*Мени фақру зариблик тахтида сен барқарор қилгил,
Қиё боқмай, агар бўлса не мулку, давлату жоҳ ман.*



*Сенинг неъматларингни мен тилаб такрор ва такрорлар,
Сенга муҳтож тиланчингман, йўлингда бир шайиллоҳман,*

*Ажабмас гафлатим авф айласанг рўзи жазоларда,
Бошимдан, оҳ, кечирмишман бари солу, бари моҳ ман.*

*Гуноҳи беҳисобимни афу айла ҳисоб пайти,
Бўлибман анда, қайда бўлса, ки, иқфо ва ишбоҳ ман.*

*Қари бечорадирман, йўқ мажолим ҳеч, тараҳҳум кил,
Эшит дилсўз фигоним, соҳиби фарёди жонкоҳман,*

*Қўлим тут, раҳнамо бўлгил, қийин йўлга чиқибдурман.
Ики оламда мақсадга етай деб кўкси кўп доғ ман*

*Ҳақиқат сирлари деб Огаҳийдек бўлмишам гофил,
Ҳақиқат аҳли ҳаққиким, бўлай сирлардан огоҳ ман.*



М У Х А М М А С

Кокиллари деб тўлганибон, танда шикандур,
 Чашми гамидин танда мудом дарду миҳандур,
 Хам қошлари деб аклу хушим дардлара банддур,
 Рухсори умидинда юрак боғу чамдандур,
 Айлабки умид лағл лабин жсон-Ямандур.

Хуш бўй сочибон бўлди атр анбари зулфи,
 Минг ҳалқаланиб тўлганадур зейвари зулфи,
 Бир-бирларидин бўлди узунким бари зулфи,
 Машимота ечиб борини очган сари зулфи,
 Мен телбани боғлашга ажойибки расандур.

Чун, лағлида хатларни ўқиб, роҳати жсонман,
 Фикр айлагач озгин, йўқолиб, руҳситонман,
 Шунданки сўзим тотлиғу, хўб шаҳдбаёнман,
 То васфига тил очгач у, ишқ қилгач аён ман,
 Ҳар нуқтаи софимга баҳо-дурри Адандур.

Чун қилгали ноз-ишва ўшал дилбари гулрў,
 Ўз чехрасига ташлади минг сунбули гесу,
 Сўйлатди манго шеър сочи, чун, эди дилжў,
 Ҳам бўлди сочин. васфида шеърим бари хушбў,
 Хушбўлигининг тарзи-гулистони Хўтандур.

Кўл қисқа, висолига етолмам сира, эй воҳ,
 Ҳам ҳажрида тунлар чекаман нолаи жсонкоҳ,
 Мен гамзадага қилди раҳм охири ул моҳ,
 Оҳ, лутф этибон келди менинг бошимга ногоҳ,
 Чун, руҳи равон соҳиби

Мен кўнглини олгач, ки ўшал дилбари зебо,
 Минг лутфу адо бирла ичиб созари саҳбо,
 Мақсадга етурда қилибои нозу таманно,
 Фахримга ажаб йўқ шу сабабким менинг асло,
 Ул қилди карам, лутфининг. ох, боиси мандур.

Шўх очди ниқобини ўшал гул юзи анвар,
 Бир-бир ечибон барча тугунлар, ки, муаттар,
 Ох, қулбама жо бўлди маним ул маҳи ховар,
 Рухсори шами қилдию қулбамни мунаввар,
 Сўнг бўлди бу жон фонусу, кўзлар-чи—лагандур.

Юз файзи билан қилди юзим маъмани фирдавс,
 Дур нутқи билан бўлди бу жон махзани фирдавс,
 Йўқдир ҳеч ажаб истамасам маскани фирдавс,
 Бу борлигим, ох, бўлдию бир гулшани фирдавс,
 Ул бу кеча гулчехрага ардоқли ватандур.

Юз шукрки, дилдор ўшал ҳангоми иноят,
 Чун, берди дилимга майи гулфоми иноят,
 Гар топса ажабмас юрагим коми иноят,
 Ичганча сахий қўлларидан жсоми иноят,
 Огоҳийга ишқинда бу сўз матлубу фандур.



* * *

АМИРИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Чаманларда бўлолмас бир гул ҳам рухсори зебойинг,
Қилолмас жилва ҳеч бир сарв бўлибким қадди раънойинг,
На гул, на сарв бўлолмайди рамаол бобинда ҳамтойинг
Мен, оҳ, жоним билан бўлзум асири сарви болойинг,
Икав, минг хоҳласин, дилдан ололмаслар сенинг жойинг.

Мане саргаштаи гирён санго, чун, ошиқи зордур,
Тўкиб дам-дам юрак қонин, йўлингда зору афкордур,
Денгиз қилмиш ики кўзи заминни-чаши хунбордур;
Бугун қон кўнглиму, гирён кўзим, чун, зору абгордур,
Фидо қилмиш икисин, ёр, сенинг жуфт чаши шаҳлойинг.

Юзингдан нур сочибдурлар табаррук ошнолиглар,
Сенинг лаълинг фан этмишидир гаройиб жонфизиолиглар,
Гапирсанг бас, аён бўлғай бари нозук адолиглар,
Киройи шундайин бўлса рамузи дилраболиглар,
Бўлур, эй офтоб, олам менингдек зарра шайдойинг.

Қуёш чехраи сенинг қўймиш, таажжуб, кўнглима минг доғ,
Фироқинг қўрқувиндан заррадек титраб чекарман оҳ,
Жамоли баркамолингни узоқдан қўрмасам ногоҳ,
Юзинг холин созинтиргач, бўлиб қўй, маҳвашим, огоҳ,
Менинг кўнглимни банд айлар сенинг зулфи сумансойинг.

Фалакни қул қилар чеккан маҳалда оҳи сўзоним,
Замин гарқ бўлғуси ёш тўкса гарқи чаши гирёним,
Табассум қилганинг пайтда бўлибдур баҳравар жоним,
Бу не, билмам, биларман лек шуни, сарви хиромоним,
Такаллум чоги мисли гунча ул лаъли шакархойинг.

*Чекиб сарвқоматинг шавқида мен кўкка узун оҳлар,
 Мажолим йўқлигидан оҳларим ҳасса бўлур гоҳлар,
 Нисор этмоққа йўлингга ўзин гоҳ борлигим чоғлар,
 Йўлингнинг кўзларим чангин қилишни тўтиё хоҳлар,
 Нечунким, қолдирибдур нақш йўлинг ҳар жойида пойинг.*

*Қарору тоқатимни ёқди оҳи жонгудозим, бил,
 Басе, бечораман, сендан бўлак йўқ чорасозим, бил,
 Қийин ҳолим, сўраб лутф этмасанг, эй сарвинозим, бил,
 Эмасдир сенга манзур ҳеч менинг ушбу ниёзим, бил,
 Ахир мен хок бўлибдурман, нечун йўқ зарра парвойинг.*

*Сенинг зулмингда Огоҳий каби ноламни сўрмассан
 Ва ноламдан бўлиб тор, титраган оламни сўрмассан,
 Тараҳхум айлабон сен бағри парголамни сўрмассан,
 Мени ишқингда беҳуд айлаган жоламни сўрмассан,
 Дегил, бас ҳусн Амиридан бўлак йўқ зарра парвойинг.*



* * *

М У С А М М А Н

Кимки келар жаҳонга, чун, бўлганича зор кетар,
 Мажлиси қизмайин туриб, бесару ночор кетар,
 Мақсади бирлан кўришолмайин, ки, дийдор, кетар,
 Ғам била гирён тўкибон ёшларин, абгор кетар,
 Косадаги май оғзига етмаги душвор кетар,
 Тонггача то нуқлу шароб айлару хуммор, кетар,
 Кимки келар замонага, бўлар-да безор, кетар,
 Мутриби маҳлиқолар ҳам чалиб-чалиб тор, кетар.

Жаҳонда бор ҳар нимаким, аслида ул эрур адам,
 Ёлзон эрур нишоту май ва рост эмас хумори ҳам,
 Ранжу машаққати узун, қисқа севинч, сафоси ҳам,
 Ким кўяман деса унга шод бўламан дея қадам,
 Йўқ бўладур бахт кечаси, оҳ чекиб, ки, субҳи ҳам,
 Мажлисидан бадар кетар чекиб алам, чекиб ситам,
 Кимки келар замонага, бўлар-да безор, кетар,
 Мутриби маҳлиқолар ҳам чалиб-чалиб тор, кетар.

Халқ-ҳамага эгиз бўлиб андуху ҳасрати келур,
 Лойиқи-кулфату гами, жуфти-машаққати келур,
 Яқийни-меҳнату гами, узоги-роҳати келур,
 Келганича изза қилиб, ори, хижолати келур,
 Титратибон жаҳонниким, оҳи-надомати келур,
 Кимки келар замонага, бўлар-да безор, кетар,
 Мутриби маҳлиқолар ҳам чалиб-чалиб тор, кетар.

Боғи жаҳон, ки, гулшани келди гўзал ва дилрабо,
 Бўлди фазои саҳни, оҳ, мисли беҳишт-хушнамо,
 Сарви сановбару, гули, нарғиси хўб тарабфизо,
 Булбулу қумриси, бас-э, хушнафасу ва хуш адо,

*Лек, дариз, фурсати айшидир анинг, ки, бебақо,
Аҳли анинг кўрмади айшу, бўлди озими фано,
Кимки келар замонага, бўлар-да безор, кетар,
Мутриби маҳлиқолар ҳам чалиб-чалиб тор, кетар.*

*Кўр, мана, мен шикастаман, заифу ҳамда нотавон,
Кун бота бошлаган замон майкадага бўлиб равон,
Тутса-да гар ёнимда бир муғбача, май бериб, макон,
Қилмади маст соқий илтифотлари мени ҳамон,
Қилди бироқ зулму ситам дилга фалак, нетай, аён,
Аҳли тараб майкададан кетди чиқиб, чекиб фигон...,
Кимки келар замонага, бўлар-да безор, кетар,
Мутриби маҳлиқолар ҳам чалиб-чалиб тор, кетар.*

*Оҳ, ситами замонадан базми тараб хароб эрур,
Шароб-кўзим ёши, есам-ўз жигарим—кабоб эрур,
Тан тушибон замин аро, кўмилмишим туроб эрур,
Шодлигиминг юзига, бил, оҳи саҳар ниқоб эрур,
Хийра кўзим бу гуссадан, ёш тўкибон, пуроб эрур,
Кимки келар замонага, бўлар-да безор, кетар,
Мутриби маҳлиқолар ҳам чалиб-чалиб тор, кетар.*

*Берди оловга юзтубан самони чаккан оҳларим,
Ўтди тўқиз фалакдан ҳам нолаи субҳгоҳларим,
Қошида йўқ эрур менинг заррача ҳам гуноҳларим,
Мутрибу май ҳоли харобима эрур гувоҳларим,
Оҳ, ситаму жафосидан бошимга йўқ паноҳларим,
Шоҳима оҳим арз эрур, Огаҳий, дилда доғларим,
Кимки келар замонага, бўлар-да безор, кетар,
Мутриби маҳлиқолар ҳам чалиб-чалиб тор, кетар.*



* * *

*Зиҳи дилларга меърож остони чархи фарсойинг
Ва кўзларга бўлибдур сурмасо хоки кафи пойинг.*

*Сенинг эҳсони уммонинг қошинда офтоб қатра,
Кўёш бир ояти мусҳаф эса, юз оламоройинг.*

*Бўлибдур комёб лутфинг билан дунёда ҳар инсон,
Қилиб ноз қош учирганда муяссар бўлса иймойинг.*

*Қиёмат кунгача хушёрлик не эрканин билмас,
Хумор бўлганга гар тушса нигоҳи наишъапаймойинг.*

*Агар кокилларингнинг ҳалқаси шундоқ бўлур эрса,
Бўшатмас домидан мангу бировни зулфи савдойинг.*

*Сенинг лаъди ширинсўзинг фироқида ўлибдурмен,
Бу ён келтир мени ҳажрида ёққан ул Масиҳойинг.*

*Ики оламни менга тухфа қилгандан бўлур афзал,
Агар ҳолинг не деб сўрса сенинг ул лаъли гўёйинг.*

*Қилиб бир жилва, аҳволини сен сўнгра тамошо қил,
Тамошо бўлгуси кўпроқ тамошодан тамошойинг.*

*Сенинг бир бўсайинг завқинда бол томди лабимдан. ёр,
Шакарларнинг ичинда бир шакардирким шакархойинг.*

*Ниҳон кел аҳли номаҳрам кўзидан, маҳвашим, бу тун,
Қилай жонимдаги хилватгаҳимда, ёр, сенинг жойинг.*

*Не айб Огоҳийдан ўтди, билолмасман, аё золим,
Ўтиб кетди унинг жон-жонидинким зулфи савдойинг.*

Боғу бўстон сайрига чик, гулғузор, келмиш баҳор,
Айлабон минг- минг тароват ошкор, келмиш баҳор.

Даштга файзу боғу-бўстонларга ҳам зийнат бериб,
Бу жаҳонни қилмишу жаннатшиор, келмиш баҳор.

Бахш этиб файзу сафо бирлан ўлик аҳлига жон,
Айлабон Исо Масихни шармисор, келмиш баҳор.

Кўрки дарё мавжида абри баҳордан сен нишон,
Айламиш боғу чаманга дур нисор, келмиш баҳор.

Лола, гуллар жомини шабнамга лиммо-лим қилиб,
Ҳар тарафга май сочишга безубор, келмиш баҳор.

Дилдаги ҳижрон хазонин кеткизиб ишрат билан,
Тарқатишга гуссау, ранжу хумор, келмиш баҳор.

Беҳуда ўтказма бу дамларни, сен огоҳ бўл,
Бундан аввал ҳам жаҳонга неча бор келмиш баҳор.

Даҳр гулзоринда айш- ишратга ҳеч дил боғлама,
Ваҳшию, камфурсату, беъэтибор - келмиш баҳор.

Огаҳий бирлан бўлиб ҳамроҳ, моҳ, қил сайри боғ,
Бизга гулгаит дамларин элтиб, нигор, келмиш баҳор.



* * *

*Эй кўнгиш, сен фалакдан ком таманно қилма беҳуда,
Ташиналарга сув дебон ҳеч тавалло қилма беҳуда.*

*Оч эрсанг бу дунёдаи сен агар, аё, оқил дўст,
Очқўз дунёдан луқма умид, илтижо қилма .беҳуда.*

*Рангу, бўю ҳусну, вафодан бирор ном-нишон йўқ,
Бу боғ гулларини ҳидлаб тамошо қилма беҳуда.*

*Қудс қушлари учолмас, чун, бу олам харобадур,
Бу вайронани бойўглидек маъво қилма беҳуда.*

*Шоҳлнк орзуси дардисардир фақат, билиб қўй,
Узингга ўзинг сен дарднсар пайдо қилма беҳуда.*

*Карам аҳлига не илтижоинг бўлса, изҳор эт,
Аммо дуч келган ҳасисга тавалло қилма беҳуда.*

*Факр гавҳари камёб бир ганжи ниҳон эрур, билсанг,
Бу ганжни бедардларга ошкоро қилма беҳуда.*

*Зоҳид, сен қайдадирсену, ишқ жоми майи қайдадур,
Майхонага келиб ўзингни расво қилма беҳуда.*

*Узлат кунжида, Огаҳий, сен мудом барқарор бўлгил,
Боғ сайрини сен ўзингга ҳеч раво қилма беҳуда.*

* * *

Мунозжот

*Йўлим йўқ, ё шлоҳо, дилда догман,
Бошимдан то оёқ тегру гуноҳман.*

*Егум деб хонинг узра неъматингдан,
Қуруқ қолмоқдадурман тоатингдан.*

*Мени гумроҳ этибдур нафси шайтон,
Оёқ қўйган еримдур фисқу исён.*

*Мени банд айламиш ул нафси маккор,
Гирифторман, гирифторман, гирифтор.*

*Йўқотдим умрими вайрон аро ман,
Шу боисдан юзи беҳад қаро ман.*

*Мудом қилган ишим нафс пешасидур.
Бу кажрафтор жаҳон андишасидур.*

*Бузуқ бу фикри дунё бирла мастман,
Магар, бир кофири дунёпарастман.*

*Мени банд айласа шайтони нопок,
Бўлур шум ишларимдан у ҳазарнок.*

*Қўлудан тутмасанг, оҳ, не бўлурман,
Бўлиб расвою гумроҳ, ман ўлурман.*

*Худовандо! Ба ҳаққи зоти покинг,
Бўлиб гумроҳ, бўлмай мен ҳалокинг.*

*Худовандо! Ба ҳаққи Арши Аъло,
Халос этсун ўзидин банди дунё.*

*Тўло тутгил лабимга жоми тавфийқ,
Насиб ҳам менга бўлсун базми таҳқийқ,*

*Худовандо! Бу ҳаққи чарху хуриид,
Мени лутфингдан этма хору навмийд.*

*Худовандо! Ба ҳаққи моху анжум,
Тараҳҳум айла ҳолимга, тараҳҳум.*

*Худовандо! Ба ҳаққи қурбу Жабрайл,
Неки эзгулик ўлса, айлайин майл.*

*Худовандо! Ўзингким ҳаққи мурсал,
Чигал не бўлса-еч, қил мушқулим ҳал.*

*Худовандо! Ба ҳаққи саййиди пок,
Кўзумни айла ишқ дардида намнок.*

*Худовандо! Ба ҳаққи шоҳи мардон,
Бўлай мен мардларингдек шонли инсон.*

*Худовандо! Бу ҳаққи Қутб ул-ақтоб,
Шаробинг шавқидан қил дилни сероб.*

*Худовандо! Ба ҳаққи ашқу оҳим,
Афу қилгил бари журму гуноҳим.*

*Худовандо! Ба ҳаққи аҳли урфон,
Ёрутсин маҳшаримни дурри иймон.*

* * *

*Худовандо! Ба ҳаққи ҳавзи Кавсар
Менга қаҳр этмагил сен ҳавли маҳшар.*

*Худовандо! Ба ҳаққи боғи жаннат,
Насийбим айла жаннат ичра ишрат.*

*Худовандо! Ба ҳаққи ҳуру гилмон,
Менга қил ҳуру гилмонларни ёрон.*

*Ки, ёрон ҳаққи, то олғум ризосин,
Қабул қил Огаҳийнинг ҳам дуосин.*

*У маҳзуну, у мискин икки олам—
Аро бўлсун, илоҳо, шоду хуррам...*



* * *

**ОЛЛОҚУЛИХОН ВАФОТИ ВА
РАХИМҚУЛИХОННИНГ
ТАХТГА ЧИКИШ
Т А Ъ Р И Х И**

*Оллоқулихон, ки, хони одил,
Ул шоҳи фалакжаноб келди.*

*Халқ неъматини илтифоти бирла,
Олам ҳама бахриёб келди.*

*Йўлинда анинг, ки, етти иқлим
Подшоҳлари бир туроб келди.*

*Зир титради қахридан бари ёв
Чекмакка, ки, изтироб келди.*

*Чарх гардишига тушиб, ки, ларза,
Сўнг аста бир инқилоб келди.*

*Етгач ажали, ўлим тўшакда
Кўзига, чу, сўнгги хоб келди.*

*Дилларни ёқиб, ки, мотаминда,
Ёш, кексага дард, азоб келди.*

*Олам ҳама нола чекканидан,
Айвони фалак хароб қелди.*

*Ҳар унга яқин юракни оташ.
Қилмоққа атай кабоб келди.*

*Лек ворис анга Раҳимқулихон
Чун шоҳи қамаррикоб келди.*

*Ўлтурди атоси ўрнига ул,
Ҳақ ҳукми-ла комёб келди.*

*Жон ёқзучи мотам ўтди, сўнгра
Шодлик бари беҳисоб келди.*

*Қошига анинт дуога эл-юрт
Бепардау бениқоб келди.*

*Оламда не дўет, бари дуоси
Юз шуқурки, мустажоб келди.*

*Оҳ, кетдию кекса бу жаҳондин,
Тахти уза ёш - шабоб келди.*

*Тождир, ки, қулоҳ, қадашга унга
Лойиқ, ки дури ҳушоб келди.*

*Ўлмакка аёгини не шоҳлар
Жаҳд кўргузибон, шитоб келди.*

*Огоҳий бу тун тафаккур айлаб,
Кўнглингга ажиб хитоб келди.*

*Таърих дегали сенинг ўйингга
Келди, ки. фикр, савоб келди.*

*Осмонга бошинг етиб дединг сен
«Ой кетди - ю, офтоб келди!» **

** Маҳ рафта(у) офтоб омад -
1259 ҳижрий (1843 м) йил -
(Абжад ҳисобининг бу ва бундан кейинги
ечимларини Комилжон Худойберганов амалга оширган).*

* * *

**МУҲАММАД АМИНХОННИНГ
ТАХТГА ЧИҚИШ
ТАЪРИХИ**

*Юртга файз бахш этган Муҳаммад Амин,
Хисравлар ичра бир соҳиби ҳашам.*

*Шукуҳидан араб изтироб чекди,
Анинг эшигида қул бўлди Ажсам.*

*Юксаклигин унут қилиб чарх саркаш,
Анииз ҳурматига қилди қадин хам.*

*Давлатнинг ҳомийси, диннинг паноҳи,
Дастидан дафъ бўлмиш бидъату ситам.*

*Тарбият топса гар анинг қошида,
Камтарин бир кимса бўлгай мисли Жам.*

*Анинг олий зоти-кунчиқар маъво,
Андин кўёш каби балқади карам.*

*Анинг васфин баён айлагайман деб.
Не-не бийрон тиллар бўлади абкам.*

*Анинг муборак бир замонасида
Юртга бахт устига бахт кўяр қадам.*

*Анинг қадамидан Хоразмзамин
Бўлди афсонавий бир боғи Эрам.*

*Ҳамани шод қилди давлати анинг,
Қолмади не қулфат, қолмади на зам.*

*Айш, ширати афзун бўлди улуснинг,
Янгиланди бутун маҳфили олам.*

*Тахтга чиқишини анинг Огаҳий
«Хони гардуншукуҳ»,* деб қилди рақам,
* 1262 ҳижрий (1846 м.) йил.*

* * *

**АБДУЛЛАХОННИНГ
ТАХТГА ЧИҚИШ
ТАЪРИХИ**

*Хисрави динпаноҳ Абдулла,
Лашкар юлдузлари осмонга ҳашам.*

*Покдилу, покзоту, покнасаб,
Сарвару сарфароз, одил ҳам.*

*Зоҳирда шаҳанишоҳ, ботинда бўлса,
Фақийру мақбули холиқи олам.*

*Шариат дўсти ва бидъат душмани,
Саховат манбаи, соҳиби карам.*

*Холиқ инояти билан у бугун
Шоҳлик тахти узра қўймишдир қадам.*

*Тахтга чиқишидан анинг бўлибдур
Жумла жаҳон беҳад хурсанду хуррам.*

*Огаҳий тахтга бу чиқиш таърихин
«Шаҳ ба маснад нишаст», * деб қилди рақам.*

** 1271 ҳижрий (1855 м.) йил.*



* * *

**САЙИД МУҲАММАДХОННИНГ
ТАХТГА ЧИҚИШ ТАЪРИХИ**

*Шоҳи олийманзалатнинг ҳиммати иқболидан
Ким хабар берса, аниким довари даврон дегай.*

*Подшоҳлик тахтига ўлтурганининг қутловин
Инсу жон гоҳида зоҳир, гоҳида пинҳон дегай.*

*Ким анинг бахт юлдузининг балққанин аҳли башар
Осмон мулкиндаги саъдактари тобон дегай.*

*Бахт—саодатда анинг яктолигиндан шод бўлиб,
Ҳотифи гайб давлату мулк эҳсим эса, ул жон дегай.*

*Ўлтуруб ул тахтга, эл мақсадга етди бирма—бир,
Тун -кун эл ҳамдин анинг беҳадду бепоён дегай.*

*Ҳам топиб осудалиг эл лутфу адлидин анинг,
Ҳокими тақдир ани, чун, сояи субҳон дегай.*

*Тахтга чиққан тарихини сидқидилдан фикр этиб
Огаҳий «Соҳибқирон Саййид Муҳаммадхон» * дегай*

** 1272 (1856 м) ҳижрий йил.*



* * *

МУҲАММАД АМИНҲОН МАДРАСАСИ
Т А Ъ Р И Х И

*Шоҳи олампаҳо Муҳаммад Амин,
 Хисравлар сарвари ҳамда мулкоро.*

*Лутфу карам уммонин тиниқ дурри,
 Улдир оламофтоб, мунири саҳо.*

*Дафъ этиб бидъату, зулму, ситамни,
 Шариатга берди у зеби аъло.*

*Мишлат ҳомийсидир ҳам дин пешвоси,
 Дўстдир у, қайдаки бўлса уламо.*

*Камоли хайр ила айламишидир ул
 Ушбу мадрасани кўп қутлуғ бино.*

*Хужралари қасри хулдибариндур,
 Унга ҳавас қилар бор файз, бор сафо.*

*Саҳну деволари кўркам, мустаҳкам,
 Беҳишт файзи ялғиз ажиб руҳафзо.*

*Тоқлари гўзаллар қоши киби ёй,
 Дилкаш, дилкушодир бошдан охир то.*

*Пештоқи музайян эрур бетимсол,
 Баландликда осмон билан тенгдур, о!*

Жаннатни ҳам орзу қилмасдан кўяр
Кимки бир ҳужрасин айласа маъво.

Гарчи биз тил очдик васфига анинг,
Ҳеч бир васф кўркига лойиқмас асло.

Бир умр юксаклик ўргангай осмон,
Топгандек ўзидан баланд бир само.

Бу жиҳатдан фикр қилиб таърихин
Огаҳий дедики «Хайри беҳамто»*

* 1269 ҳижрий (1853 м) йил.



* * *

ИККИНЧИ ТАЪРИХ

*Шоҳи фалаккоҳ Муҳаммад Амин
Хисраву Жам, шавкати олий жаноб.*

*Бўлди у бидъатга кушанда, ганим,
Қилди жаҳолатга у кескин итоб.*

*Зоти Ҳумоюн, шарафи барқарор,
Хайру сахо чархида бир офтоб.*

*Ҳамда очикқўл, карами зарсочар,
Ёғмурли булут мисли у, элдир пуроб.*

*Шод бўлиб андин гани бирла фақийр
Беғам эрур ҳам бари шайху шабоб.*

*Ҳам уламо лутфи ила бахравар,
Ҳам фузало фазли илан комёб.*

*Бўлди бино хайри билан мадраса,
Бир гарази андин анингким— савоб,*

*Айтди анинг таъриhini Огаҳий,
"Мадрасаи Хисрави воложаиоб".**

* 1269 ҳижрий (1853 м) йил.



* * *

УЧИНЧИ ТАЪРИХ

*Хони саҳопеша Мухаммад Амин,
Хайри ани осмону уфқ дер сахо.*

*Динга паноҳ, шаҳга у ҳомийдурур,
Халқ мушфиқидир ҳамда, ки, зилли худо*

*Зеб топди бино ҳукми туфайли анинг,
Бўлди, ки, бу мадраса хўб босафо.*

*Гар шуаро ул бино васфин деса,
Васфини маҳшаргача қилмас адо.*

*Огаҳий таърихин анинг битмагин
Қилди рақам «Мадрасаи хушбино»,**

** 1268 ҳижерий (1852 м) йил*



* * *

ТЎРТИНЧИ ТАЪРИХ

*Бу мадрасаки, дилкашу жонпарвар эрур,
Кўйсанг, ки, қадам, бўлгуси олдингда беҳишт*

*Арзийдики у бўлса малойикка макон,
Қилди бино шоҳи малойиксиришт.*

*Мисли беҳишт билди ани кўрганлар,
Мушк била тиллодан эрур андаги гишт.*

*Таъриhini Огаҳий фикр айлаб дер
Илҳом ила, сен тинглаки "Сони беҳишт".**

** 1268 ҳижрий (1852 м) йил.*



* * *

МАДРАСА МИНОРАСИННИҒ ТАЪРИХИ

*Анинг олий эрур дилкаш минори,
Боши етмиш бориб то чархи аъзам.*

*Назар солгон киши бўлгуси воқиф,
Белига бўлгонин юз фўта маҳкам.*

*Қилиб ислими Қоши нақшин уста,
Аниким, кўрмаган авлоди одам.*

*Ҳаёт тимсолидир марғубу матлуб,
Келибдур анда руҳлар кўп мужассам.*

*Тамошоси тарабафзо эрур кўп,
Гўзаллар қаддидин хўб эжилваси ҳам.*

*Шунингдек бир бўлибдур олий бунёд,
Бериб фармон шаҳанишоҳи муаззам.*

*Анинг таъриhini Огоҳий айтмиш
«Минори нурукуҳи шоҳи олам»**

** 1268 ҳижрий (1852 м) йил.*



* * *

ИККИНЧИ ТАЪРИХ

Саодатбахш минора бўлди бунёд,
Бунигдек бир минор кўрмовди афлок.

Бўлиб шоҳи жаҳон амри билан тахт,
Бари нуқсону ҳамма айбдин пок.

Чунон зийнатли ҳам зебою марғуб,
Гўзаллар қомати янглиз у чолок.

Нигоҳ солсанг агар кошинларига,
Бошидан охри равшан, тарабнок.

Ақл кўзи билан боқсанг гар унга,
Қошида сарв, сиҳи бўлгай чу хошок.

Дарахти тўби янглиз дилкушодир,
Важоҳатда фалак қошиндадир хок.

Фалакка шу қадар чўзмишки қомат,
Шу боисдан бўлибдур Қаҳқашон чок.

Сутуни осмон тоқига етмиш,
Анинг васфида ночор ақлу идрок.

Бино бўлган йшлини Огаҳий шод
Рақам қилди «Сутуни қоҳи афлок».*

* 1268 ҳижрий (1852 м) йил

* * *

**РАҲМОНБЕРДИ БИЙ МАДРАСАСИ
БИНОСИНИНГ ТАЪРИХИ**

*Соҳибкараму фозилу ҳам покзамир,
Ҳамда сипеҳр кӯеши, ҳам жоҳижамол.*

*Аждодлари дунёга келиб кетмишлар
Мулк ҳокими эрдилар ҳам соҳиб иқбол.*

*Ул-ки саҳо бобида шундай устод.
Қошида Хотам бўладир гунгу лол.*

*Қилмишки бино шунингдайин мадраса бир,
Шифт бирла равоқлари эрур чарх мисол.*

*Аршга анинг буржлари солмиш соя,
Борлиги мангуға эрур фаррухҳол.*

*Девору эшик барчаси кўп дилкашу хўб,
Ҳам саҳни анинг кенг ҳам оқар суйи зилол.*

*Айтди анинг таъриhini Огоҳий
Эл хоҳишини бажаргаликим дарҳол.*

*Ушбу эрур таърихи ҳеч бир шаксиз
«Махзани толибон фазлу камол».**

** 1258 ҳижрий (1842 м) йил.*

* * *

**МУСО ТҶҶРА МАДРАСАСИНИНГГ
Т А Ъ Р И Х И**

*Олийжаноб бек, ки, Мусо Тўра,
Жоҳга анча муддат у восил бўлди.*

*Сўнг Сипехр жавридин шаҳодат топиб,
Беҳиштнинг сайрига у дохил бўлди.*

*Андин сўнг онаси анинг номига
Бино бунёдига, чун, мойил бўлди.*

*Сўнг ушбу муҳташам мадрдсани ул
Қуриб бошламоққа, бас, ношл бўлди.*

*Бунинг шарафидин кўп гариб, мискин
Илму фазилатда кўп комил бўлди.*

*Ақлни ҳайратга солган бинодан
Савоби азиймлар, чун, ҳосил бўлди.*

*Бу юксак бинонинг таърихи шундан
«Маскани олимону фозил» * бўлди.*

** 1273 ҳижрий (1856 м) йил.*



* * *

**МАЗКУР МАДРАСАНИНГ
ТУГАЛЛАНИШ ТАЪРИХИ**

*Олий мартабали ул Мусо Тўра,
Саҳоватда эди бир дурри ятийм.*

*Ҳақ ҳукми билан у шаҳодат топди,
Қабул қилди уни жаннати наийм.*

*Онаси ўз ўглин хотираси деб
Сарф қилди мадраса учун зару сийм.*

*Чунки бунёд бўлди мукамал бино,
Бор айбдан, нуқсондан - эмин у салийм.*

*Тамом бўлиш йилин эшит, Огаҳий
Дер Хотифе «мужиби ажру азийм»**

* 1275 ҳижрий (1856 м) йил.



* * *

АМИР - УЛ УМАРО
САЙЙИД МАҲМУД ТЎРА ҲОВЛИ
БИНОСИННИНГ ТАЪРИХИ

Саййид Маҳмуд Тўра, ки, шаҳзодадир,
Эҳсон манбаидир, саховатга кон.

Улуз Амийр эрур жаҳон ичра у,
Соҳиби иқтидор, соҳиби имкон.

Ҳиммат биносини иморат қилди,
Нубувватпешалар қилсун деб макон.

Қасри хулдибарин эрур бу бино,
Орзу ушатгувчи бир роҳати жон.

Чунон ҳам юксакдир ҳар бир айвони,
Бу айвонга ҳавас қилади Кайвон¹.

Бунингдек ҳашамни, муаззамликни
Куз очиб ҳеч кўрган эмасдир жаҳон.

Дилкашликда, кўрқда, файзу сафода
Беҳиштга тенглашиб етган, бегумон.

То абад фарруҳу муборак эрур,
Нечунким, соҳиби амири замон.

Таърих боғлабдурур анга Огаҳий
"Ҳовлини олий беҳишт нишон". *

¹Кайвон - Зуҳал (Сатурн).
1273 ҳижрий (1856 м) йил

* * *

**ҚОЗИ МУСО ЭШОН ВАФОТИ
ТАЪРИХИ**

*Саййиди асл эрди, меҳри коинот,
Афзали қуззоту, рифъат интисоб.*

*Тонг каби оқ эрди. чун, кўнгли анинг,
Илм эса осмон. эди, ул офтоб.*

*Қиблаи мақсуд деб анинг остонин,
Ёш—қари фазл аҳли айларди ҳисоб.*

*Ташлади дунёга борлиқ юкини,
Олди йўл жаннатга томон у шитоб.*

*Мотамидан, дариг, бу жаннат жаҳон
Бўлди кўзёш оху воҳ билан хароб.*

*Вафот таъриhini тафаккур айлаб
Тарк этди Огаҳий кўзларини хоб.*

"Қозийи Фирдавс омад аз суруш"
Таърихига бўлди мансуб ул жаноб.*

* 1271 ҳижрий (1855 м) йил



* * *

ҚОЗИ ИБРОҲИМ ЭШОН ВАФОТИ
ТАЪРИХИ

Фозили даҳр Қози Иброҳим,
 Бўлди жаннатга, ки, восил мангу.

Ўтдию ушбу ҳаёт йўлидин,
 Топди охирда у манзил мангу.

Бу жаҳон ҳосиликим барбоддир,
 Ўтдию топди у ҳосил мангу.

Юмди кўзини жаҳондин, андин,
 Бўлди таърихи, ки, « хулд дохил »* мангу.

* 1269 ҳижрий (1850 м) йил.



* * *

**САЙЙИД МУҲАММАДҲОН ВАФОТИ
Т А Ё Р И Х И**

*Шоҳи олам Саййид Муҳаммадхон
Хазон топди умр дарахти, дариг.*

*Вафот қилди, анинг бу вафотидин
Шодлик бари еди аччиқ бир танбех.*

*Мотами дардидин анинг, чу, бўлди,
Ҳар бир бадандаги ҳар бир мўй бир мих.*

*Бу мотамда тирнаб—тилиб ташлади
Дилни ғам тирноғи, бамисоли тиг.*

*Дунёдан юмилган бу пок кўзларга
«Хони жаннатмақом»,* чун, бўлди таърих.*

* 1281 ҳижрий (1864 м) йил.



* * *

**МУҲАММАД РАҲИМХОННИНГ
ТАХТГА ЧИҚИШ ТАЪРИХИ.**

*Шукрким, фош қилди жаҳон аҳлига
Марҳамат-шафқатинким ҳайи қадийр.*

*Яъниким, жавонбахт Муҳаммад Раҳим
Саодат соҳиби ва равшанзамир.*

*Ҳамду сано билан ўлтирди тахтга,
Фалакка чиққандек кун- меҳри мунир.*

*Тажтга чиққанидан соҳиб саодат
Хуррам бўлди барча—сагиру кабир.*

*Анинг илтифотин қозонди шунда
Аҳли. аён—барча вакилу вазийр.*

*Андуху ғамлардан, ўкинч-армондан
Фориз бўлди ҳама—ганию фақийр.*

*Карам, ҳиммат ҳамда ҳаё бобида
Унга ҳеч мисол йўқ, улдир беназийр.*

*Унинг давлатига жаҳон шоҳлари
Барчаси бўлдилар гулому асир.*

*Тажтга чиқишини Огаҳий таърих
Қилиб битди «Шоҳи адолатсарир»**

* 1281 ҳижрий (1864 м) йил.

* * *

**МУҲАММАД РАҲИМХОН
МАДРАСАСИ БИНОСИ ТАЪРИХИ**

*Чун, ул фалак тахтидаги яктои хуришидостон
Адлидан кўп ҳайратдадир бошдан оёқ рўйи жаҳон.*

*Хайру саҳо осмонида меҳри мунирни бундайн
Кўрмаб эди юлдузлари кўз бўлса ҳамки осмон.*

*Қасри шариятни чунон бунёд этиб Хоразм эли,
Аҳли илм бирлан бўлиб сероб, топди олий шон.*

*Фазлу шарофат аҳли бирла файз топиб, махмур бўлиб.
Бахтли бу юртдан бахт топиб, бундай жаҳон бўлди жаҳон.*

*Ҳар хужраси шак-шубҳасиз онинг, ки, жаннат қасридир,
Тўлдирмиш ҳар қайси бирин қутлуг у файзи жовидон.*

*Кўрқда равоқи мавзуну ҳам сиртқи кўп сувратлари
Жононаларнинг чехрасин эслатгусидир бегумон.*

*Кўп роҳатафзо ҳам мусаффордир ҳавоси, чун, анинг,
Жонсиз жасадага баҳш этар ҳеч шубҳасиз руҳи равон.*

*Сен бил—ки, жаинат қасрини ҳеч орзу қилмай кўяр,
Бахти кулиб бир хужрасин айлар эса кимки макон.*

*Таъриҳини бу хушбинонинг Огаҳий фикр айлабон,
«Омода ёдгор Муҳаммад Раҳимхон»* дер бу замон.*

* 1288 ҳижрий (1871 м) йил.

* * *

ИККИНЧИ ТАЪРИХ

Шоҳи Муҳаммадраҳимхон олий
Берди олий даража оллоҳ жоҳ.

Бўлди олий қадаминдан тахт хам,
Топди бошидан анинг зеб қулоҳ.

Дини ислом у туфайли олий,
Куфру бидъат у туфайли, ки, табоҳ.

Бири қолмай бу замон илм аҳли,
У сабаб топди, ки, нур, мисли моҳ.

Шундайин мадраса, ки ўхшаши йўқ,
Бўла олгайки анго файз ашбоҳ.

Бўлди меъмор ангоким аҳли улум,
Васфига ҳар бир ақл топмас роҳ.

Хужралар барчасидир қасри беҳишт,
Дилкушо, дилкашу ҳам хотиргоҳ.

Чарх—фалак мисли, ки, пештоқи анинг,
Чун, малойикларадур манзилгоҳ.

Бу иморатга, ки, қутлуғ, таърих
Огаҳий дейди «Хайру мақбули шоҳ».

- 1288 ҳижрий (1871 м) йил.
-
-

* * *

УЧИНЧИ ТАЪРИХ

*Шоҳи дарёкараму абрато,
Марҳамат конидир у, лутфи худо.*

*Тип-тиниқ дур, садафи жоҳи жалол,
У қуёш бўлса, фалак хайру саҳо.*

*Лутфидан зарра бўлиб мисли қуёш,
Қатра мавҷланди бўлиб, чун, дарё.*

*Ҳокими мулки жаҳон аждоди,
Ҳам қулоҳ тахтига посбон обо.*

*Давлати кўкламидин топди шараф
Мулки Хоразм бўлиб хулдосо.*

*Зор бўлиб неъматига қўп ҳотам,
Сийловин қул каби кутгай Доро.*

*Дарчалар қўз каби дунёни кўриб
Мисли офтоб, таратгувси зиё.*

*Ҳукми шаръ маскани у оламда,
Сирри дин маҳзани, гардуносо.*

*Уламо тавфида топди даражот,
Комрон бўлди у боис фузало.*

*Қурди ихлос-ла, савоб орзусида,
Бўлди бу мадраса фирдавснамо.*

*Қилди таъмир, берибон зеб-зийнат,
Даҳр аро йўқ, ки, мисоли асло.*

*Нақиллар мавждаки чу файзи илоҳ,
Касб қилур жаннат анинг бирла сафо.*

*Оғаҳий анга атаб таърихин,
Ёздиким «Мадрасаи файзафзо».**

* 1288 ҳижрий (1871 м) йил

* * *

ТЎРТИНЧИ ТАЪРИХ

Ҳашамдор бу бинои оламо
Бўлибдур бир иморат - жаннатосо.

Ҳама бунёдкор наққошлариким
Муҳандисшевау пуркор, доно,

Анингким тошлари лаъл бирла гавҳар,
Анинг тупроғу лойи мушкосо.

Гаҳи тупроқларидур ложуварддан,
Гаҳи тупроқларидур мисли тилло.

Анинг кошинларига ҳуш ҳайрон,
Бўлиб кўзларга нур кошинлар, шлло.

Ҳама тоқу равоқу пештоқи
Топиб нақш ислимийдан, ким, сару по.

Қараб боқсанг,у бир гулдастадекдур,
Чу сарвиқомату, зебову барно,

Фазои пок мисли гулшани хулд,
Дилорому, дилороу, дилосо.

Ки жонбахшдур ҳавоси ҳам туну кун,
Ҳижолатга қолур андин Масихо.

Музайян ҳужралар кўп дилкушодир,
Ҳама қасри беҳиштосо мусаффо.

Кўним топмиш анинг бор ҳужрасинда
Ҳама алломаи яктои аъло.

Бино бўлди ки ушбу пок иморат
Ҳукм қилгач ўшал султони доно.

Бу султоннинг эрур номи Муҳаммад
Раҳим... ҳамда анингдир ёри Олло.

Табаррук бу бинога бўлди роғиб
Ҳама покизадил, чун, аҳли дунё.

Шунинг—чун бу бино таърихи бўлди
Ки, битгач Огаҳий "Марғуби дилҳо".*

* 1288 ҳижрий (1871 м) йил



* * *

**САЙИД АҲМАД ТҮРА МАСЖИДИ
ИМОРАТИНИНГ ТАЪРИХИ**

*Ул саҳонешаву хайрандиша
Юраги соф, қарим келмишдир.*

*Ҳама обову ҳама аждоди
Тахт устинда муқим келмишдир.*

*Кўриниб мислики тупроқ кўзига,
Тенг бўлиб хокка, ки, сийм келмишдир.*

*Сайид Аҳмад тўра номи поки
Беқусур, поку салийм келмишдир.*

*Карами боис анинг, мадраса, чун
Мисли жаннат, ки, наим келмишдир.*

*Бичими тархи анинг дунёда
Каму ноёб, адим келмишдир.*

*Хужрасин аҳли анинг файз ичра
Гўё фирдавси азийм келмишдир.*

*Турли илм бобида сокинлари, чун,
Бари доноу алийм келмишдир.*

*Огаҳий, таърихи бунёди анинг
«Сабаби ажри азийм»* келмишдир.*

* 1288 ҳижрий (1871 и) йил

* * *

**МУХАММАДНИЁЗ ДЕВОНБЕГИ
МАДРАСАСИ БИНОСИНИНГ
ТАЪРИХИ**

*Ажиб девонбеги у олийқадр,
Ки саҳопешау Хотамтой келди.*

*Пок номи Муҳаммадниёздир унинг,
Оллида эззулик зери пой келди.*

*Ушбу юсакмаснад мадраса анинг
Ки бас, муҳташаму дилрабои келди.*

*Бунёд этди ани жону дилидан,
Ул Роҳатафзо ҳам гамзудой келди.*

*Биносин шакликим чун қасри Беҳишт,
Ҳам ҳўбу, ҳам марғуб, дилкушой келди.*

*Музейян тоқлари баландлик ичра,
Осмон каби чексиз, ҳушнамой келди.*

*Чун бахш этиб анга ҳусну файз илоҳ,
Фалак ҳар ҳужрага бўлиб жой келди.*

*Бино бўлиш пайти анинг, алқисса,
Кудратин кўрсатиб, ки, худой келди.*

*Огаҳий битди бу бино таърихин,
Таърих «Хайр боқию дилкушой»* келди.*

** 1288 ҳижрий (1871 м) йил.*

* * *

ИККИНЧИ ТАЪРИХ

Бу мадрасага ким нигоҳ солса,
Дарҳол ҳақиға анинг дуо дер.

Дсвонбеги Боний бўлди анга,
Они ҳама маҳзани саҳо, дер.

Ҳам хайру саховатин эл алқаб,
Таъриф этажакда бебаҳо, дер.

Номики Муҳаммаду Ниёздур,
Эл кўнглини олгач эл даҳо дер.

Бу пок бинога гар қиёс ким
Излар эса, жаннати сафо дер.

Илм аҳли бари бу хужраларни
Чун, қасри беҳишти дилкушо, дер.

Огоҳий битиб анго, ки, таърих—
«Девонбеги сохт ин бино» * дер

* 1288 ҳижрий (1871 м) йил.



* * *

**АМИР-УЛ-УМАРО САЙЙИД
МАҲМУД ТҶҶРА МАДРАСАСИ
БИНОСИНИНГ ТАЪРИХИ**

*Ул юксак мартаба ва хони саҳо,
Илтифот маҳзани ва баҳри ато.*

*Жаҳон тартиб топмиш тарбиятида,
Қанча мулк шоҳлари қошинда гадо,*

*Номин билай десанг Саййид Маҳмуддир
Амирлар амири—амри беҳато.*

*Мадрасақим, дилкаш ҳамда марғубдир,
Савобу хайр учун қилмишдир бино.*

*Ҳар ҳужраеи дилга сафо баҳи этар,
Беҳишт қасридан ҳам хушдир, руҳафзо.*

*Фирдавс гулшанини уятга қўяр,
Ҳавоси жонбахшу, саҳни хушсафо.*

*Оғаҳий, бул бино битди, таърихин
Айладим «Беҳишти бемисл» иншо.*



* * *

ИККИНЧИ ТАЪРИХ

Ҳокимлар аро у бўлди одил,
Кўп мушфиқу, соҳиби саҳодил.

Пок номига тут қулоқ, Саййид
Маҳмуд Амир эрур у оқил.

Фазл аҳлига у ҳамиша, ҳардам
Қилмоқни, ки. лутф, билур таомил.

Саъй айлагач у, бино бўлибдур.
Бу мадраса, чун, беҳишти комил.

Хуснини анинг нақл қилолмай
Ночор эрур, ки, барча ноқил.

Қайси йили бўлди у бино деб
Сўрганга дер Огаҳийи оқил.

Шундан бўладур бу гап иборат
«Вай маскани олимону фозил». *

* 1289 ҳижрий (1872 м) йил.



* * *

**МУҲАММАД РАҲИМХОН
ИМОРАТИНИНГ ТАЪРИХИ**

*Шаҳи Муҳаммад Раҳимхони замон
Адолатпешаву фаришталиқо.*

*Бу давлат ҳомийси, дин пешвосидан
Жоҳил қаҳр топар. меҳр уламо.*

*У бир Хисрав, қуёш—тож, осмон-тахти,
Мамлакат шоҳидир, анжиб мулкоро*

*Хотам эшигинда ҳақийр бир гадо,
Икки қўли эрур Искандар, Доро.*

*Қиёмат кунгача мадҳини десам,
Имкон тополмасман қилмоққа адо.*

*Ушбу саодатли бино оламда
Ўшиши йўқ сира, беназир, якто.*

*Беҳишт боғи янглиз макон эрур бу,
Файзли, сафолидир бошдан оёқ то.*

*Даврон шоҳи амри билан бунёддир
Юксак самобанддир, гўзал, дилоро.*

*Унга сайқал берди ўз биродари,
Биродар, ки, оқил, биродар—доно.*

*Саййид Аҳмад Тўра исми шарифи,
Жаҳон сарваридир, аълодан аъло.*

*Шон бўстони анинг билан шуқуҳли,
Шараф боги анинг билан дилкушо.*

*Файзини шарафлаш бобида ожиз.
Жумла уламою, жумла шуаро.*

*Кимки тил очмоқчи бўлса бу ҳақда,
Ўқир фақат анинг ҳақиға дуо.*

*Замоннинг яктоси ушбу муборак
Бинони ўзига айламиш маъво.*

